

**Д.ЎРИНБАЕВА  
М.РАХИМОВА**



**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ  
ТАФАККУРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**Д.ЎРИНБАЕВА  
М.РАҲИМОВА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ  
ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ**

*Самарқанд давлат университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Илмий кенгашининг 2018 йил 30 мартдаги ўтказилган йиғилишининг 3/1-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.*

**САМАРҚАНД – 2018**

**Д.ЎРИНБАЕВА, М.РАҲИМОВА. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. – Самарқанд, 2018. 120 бет.**

**Масъул муҳаррир:** Исаева М.

**Тақризчилар:** СамДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ  
доценти А. Абдуманнотов

СамДУ доценти Ш. Мамадиев

Услубий қўлланмада мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва савод ўргатишга тайёргарлик, билиш жараёни, атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишлари бўйича услубий тавсиялар берилган.

Услубий қўлланмада мактабгача таълим муассасаси тарбиячи, педагоглари, ота-оналар, болалар уйи педагоглари, шунингдек, ушбу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Услубий қўлланмада ишлатилган шартли қисқартмалар:

	<b>Ўқинг, ўрганинг</b>
	<b>Ижодий иш</b>
	<b>Бўянг, чизинг</b>
	<b>Муסיқий лаҳзалар</b>
	<b>Саволларга жавоб беринг</b>
	<b>Мулоҳаза қилинг</b>
	<b>Ёд олинг</b>
	<b>Келинг, ўйнаймиз</b>
	<b>Қўшимча маълумот</b>
	<b>Уйга вазифа</b>

## КИРИШ

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон қалбини кичикликдан бошлаб яхшилик, олижаноблик, инсонпарварлик, одамгарчилик, ақл–идрокли бўлиш, одоб–ахлоқлилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик, сўзамоллик, хушсўзлилик, илмли бўлиш каби олийжаноб ҳислатлар билан бойитиш инсон камолотининг меъёри бўлиб келган, чунки комил инсоннинг маънавияти юксак бўлади, юксак маънавиятга эга бўлган киши эса ўз халқининг ўтмиш тарихи, урф–одати, қадрияти ва анъаналари, маданиятини чуқур билади, унга риоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди. Янги тизим олдида мақтабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мақтабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий–техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мақтабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим–тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий–эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди. “Ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим–тарбия тизими ҳақида гапирганда, Абдулла Авлоний бобомизнинг доно фикрларини такрор ва такрор айтишга тўғри келади: таълим–тарбия – биз учун ҳаёт–мамот масаласидир. Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон–бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мақтабгача таълим тизимидан бошланади. Мақтабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам биз мақтабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада катта ишларни бошладик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади”, дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар баркамол шахсни тарбиялаш масаласини умуммиллий мақсадга айланди. Бунда ҳар бир боладаги интеллектуал салоҳиятни, ички қувват ва истеъдодни юзага чиқариш учун зарур шарт–шароит яратишга устувор аҳамият қаратилаётир. Бу эса

фарзандларимизни гўдаклик давридан то вояга етгунча, аниқ мақсадли дастур асосида жисмонан, ақлан ва маънан юксалтиришга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача давр – бу боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганишга, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айнан шу даврда боланинг инсоний сифатлари ва ақлий салоҳияти ривожланиши учун пойдевор яратилади. Мактабгача ёшдаги бола билан таълим–тарбия қанчалик эрта бошланса, самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва боланинг бутун ҳаётига ижобий таъсир қилади.

Мактабгача таълим–тарбия – ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, уни шахс сифатида ҳурмат қилиш, маънавий–ахлоқий томондан тарбиялаш, боланинг қизиқиш ва эҳтиёжига мос тарзда таълим беришни назарда тутати. Мактабгача таълим мазмуни ва методлари бола шахсининг шаклланиши, унинг мустақил шахс сифатида тан олинishi жараёнлари кечадиган муҳитда ташкил этилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, шахс сифатида шаклланган, камол топган бола ўзини, ўзлигини танийди ва келажакда миллатнинг, юртнинг фахрига айланади. Мактабгача таълим муассасасида боланинг келажак ҳаётида муваффақиятга эришишига ёрдам берувчи жисмоний, ақлий ва маънавий қобилияти билиш жараёнида, бизни ўраб турган атроф–муҳитни ўрганиш, нутқ ўстириш, бадиий асарлар тинглаш, расм чизиш, қуриш–ясаш, жисмоний машқлар бажариш ва бошқа фаолият турларида ривожланади.

Мактабгача таълимнинг асосий вазифаси болаларни мактабда таълим олишга тайёрлашдан иборатдир. Яъни болалар мактабгача таълимда аниқ билимларнигина эмас, фикрлаш кўникмасини эгаллаши, тенгдошлари ва катталарнинг нутқларини тушунишлари, улар билан эркин фикр алмашиш, ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатиши талаб этилади. Болаларнинг она тилида образли ва мантикий фикрлаши, тасаввурларини нутқ орқали тўғри ифодалашни ўзини назорат қилиши, бошқариши, кузатиш, эшитиш, эслаб қолиш, умумлаштириш, солиштириш каби ақлий тайёргарликка эга бўлиши зарур.

Етакчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган “Болажон” ва “Билимдон” таянч дастурларида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Мактабгача таълим Концепцияси” ҳамда “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” (2013 йил)дан келиб чиқиб, болани интеллектуал ва жисмоний ривожлантириш, миллий–маданий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, мактаб таълимига тайёрлаш жиҳатлари замонавий педагогика ва психология тамойилларига таянган ҳолда қайта кўриб чиқилди. “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари”нинг барча йўналишларида берилган индикаторлар такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастурига тўлиқ қамраб олинган. Дастур мактабгача ёшдаги бола ривожланишига мослаштирилди, аниқлаштирилди, мисоллар билан бойитилган бўлиб, ноанъанавий усулларда ишлаш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, боланинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш, таълим–тарбия жараёнини пухта олиб бориш, унинг таффақкур, тасаввур ва нутқини ривожлантириш билан бирга, мустақил ўрганишга, фикрлашга, ижодкорликка, ўз шахсини ҳурмат қилиш, ўзига ишонч туйғусини шакллантиришга қўйилган вазифалар кенгайтирилган.

“Болажон” таянч дастурининг мақсади сифатида мактабгача ёшдаги ҳар бир болани мактаб таълимига сифатли тайёрлаш: одобли, ақлли, хушмуомала, ўзига ишонган, ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишга интиладиган, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуммиллий кадриятларни кадрлайдиган, жисмонан соғлом болани тарбиялашни кўзда тутган. Ана шу мақсадга мувофиқ дастурнинг вазифаси қилиб, болани жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий–ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва соғлиғини муҳофаза қилиш; эркин фикрлаш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли яшайдиган комил инсон қилиб вояга етказиш учун зарур шарт–шароитлар яратиш белгиланган.

Ана шу мақсад ва вазифаларга таянган ҳолда мазкур услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Қўлланмада буюк мутафаккирларимизнинг ахлоқ–одоб, таълим–тарбияни яхшилашга доир орзу–умидлари, ғояларини мактабгача ёшдан ўргатиш орқали болаларда Ватанимиз, юртимиз, миллатимиз ва миллий кадриятларимизга меҳр–муҳаббатли бўлиш, уни эъзозлашни билиш, кичикликдан ахлоқий нуқсонларга мурасасиз бўлиш ҳиссини шакллантириш мақсад қилиб олинди. Болаларимизнинг жисмоний маданиятини, математик тасаввурларини, ижодий тафаккурларини шакллантириш, маънавий–ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, қалбида китобга нисбатан ҳавас уйғотиш, илк китобхонлик маданиятини шакллантиришга қўйилган талаблар, миллий меросимиз, ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, мусиқа, рақс, расм, лой иши, аппликация, қуриш–ясашга қаратилган топшириқ ва дидактик ўйинлар билан бойитилди.


Қўлланмада берилган барча топшириқлар, турли ўйинлар боланинг ёш хусусиятлари, уларнинг иқтиборини инобатга олган ҳолда танлаш тарбиячи зиммасига юклатилади. Шу сабабдан машғулот намуналари ҳам фақат бир соатга эмас, балки 2–3 соатга, турли ёшдаги болалар учун мўлжалланди.

Ушбу қўлланма мактабгача таълим муассасалардаги тарбияланувчиларни шахс сифатида шакллантиришда мактабгача таълим тизими мутахассислари ва ота–оналар учун маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

## I–БОБ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ВА МАНТИҚИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Болалар тафаккурини шакллантиришда унинг йирик ва майда моторикасини ривожлантириш зарур. Чунки биламизки, инсон қўл ва бармоқларида нерв толалари жойлашган. Бармоқлар орқали инсон ахборот олади. Болаларнинг майда моторикаси унинг нутқига, мантиқий тафаккурини шакллантиришга таъсир этади. Болаларнинг қўл ва билак моторикасини тўғри ривожлантирилса, мия фаолияти шунчалик яхши ривожланади.

Қўл бармоқчалари моторикасининг ривожланиши куйидаги ҳолатларни юзага келтиради: – тафаккурнинг ривожланиши; – ҳаракат координациясининг ривожланиши; – хотира ва диққатнинг ривожланиши; – ёзиш кўникмаларининг шаклланиши; – нутқнинг ривожланиши.



Тасаввур этиш тафаккурининг ривожланишидир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг машғулотида, масалан, расм чизиш, турли ўйинлар, кубиклардан бирон бир нарса яшаш – боладан унинг миёсида ана шу буюм ва ҳодисаларни тасаввур этиш вазифаси туради. Бу эса боланинг ана шу турдаги тафаккурнинг ривожланишида ёрдам беради. Ушбу тафаккур тури бошқа тафаккур турларига асос бўлиб, сўз бойлиги, мантиқий тафаккурнинг шаклланишида, келажакдаги мактаб дарсларини аъло даражада ўзлаштиришда кўмаклашади.

Кўп ҳолатларда ҳали мактабга бормаидиган боланинг фикрлари мантиқдан йироқ бўлади. "Термометрни одеколон билан артиб ташланг, – дейди беш ёшлик болакай, – бўлмасам укамга мендан касал юқади". Чиндан олганда жуда жиддий сўзлар. Аслида эса ҳароратни унинг укасига эмас, болакайнинг ўзиникини ўлчашмоқчи. Шу билан бирга болакай термометр ёрдамида ҳарорат ўлчаганда, агар уни спирт билан артиб ташланмаса, соғлом одамни касалланиб қолиши мумкин деб ўйлайди.

Болалар ўз табиатларига кўра ҳаддан ташқари қизиқувчан бўладилар. Улар ҳамма нарсани билиши жуда зарур, таъмини татиб кўриши, ушлаб кўриши, улар учун тушунарсиз ва янги бўлган нарсаларга ўз тушунтиришларини ўйлаб топиши, тажриба ўтказиб кўриши ва ўз фаразларини текшириши лозим. Ҳар



бир ота–онанинг вазифаси ўз фарзандига уни ўраб турган оламни танишига ёрдам бериши керак.

Бола 3 ёшигача ўзлаштирган сўзлар асосан предмет ва ҳаракатларнинг номларини билдиради. Номлар асосан унинг вазифасини англатиб бу предмет ёки ҳаракатнинг ташқи кўриниши ўзгарса ҳам унинг номи ўзгармайди. Шунинг учун ҳам бола предметларнинг номларини ишлатилишини вазифаларига боғлаган ҳолда тез ўзлаштиради.

Мактабгача тарбия ёшида боланинг анализаторли идрок этиш жараёни ҳам янада такомиллаша боради. Бола ҳаётининг 3–ёшида беихтиёр идрок мактабгача тарбия ёшидаги катта болада маълум бир мақсадга қаратилган, танланган идрокка айланади. Кузатувчанлик таркиб топади. Идрок этишда сўзнинг роли оша боради бола нарсаларнинг белгилаб қўйган сифатлари ва хусусиятларини айтиб кўрсатади. Идрок жараёни боланинг тафаккурини ўстиради. Идрок жараёни ўз фаолияти давомида ва тафаккур жараёнида тобора такомиллашади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола тасаввурлари доираси кенгайиши ва билимнинг ошиши унинг ақлий фаолиятини характерини ўзгартиради. Нутқнинг ўсиш фаолиятининг кенгайиши янги тафаккур шакллари учун шароит кўрсатади.

Мактабгача тарбия ёшидаги 5–6 яшар бола тасаввурлайди кейин эса муҳокама қилади, умумлаштиради. Шу ёшдаги боланинг тафаккури конкрет образли эмоционал ва яққол тафаккур бўлади. Муҳокама бевосита нарса буюм билан боғланган. Бола умумлаштирилган тушунчаларни ўзлаштиради фикр юритиш операциялари фақат идрок этишгина эмас хаёлга ҳам асосланди.

Дастлабки (гарчи мукамал бўлмаса ҳам) ҳукмлар, хулоса чиқариш ва яқун яшаш пайдо бўлади. Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг олдида қўйилган янги талаблар асосида такомиллаша боради. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг фаолиятлари учун қандайдир аҳамиятга эга бўлган, уларда кучли таассуротлар қолдирган ва уларни қизиқтирган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қоладилар. Боғча ёшидаги болалар тафаккури ва унинг ўсиши ўзига хос хусусиятга эга. Тафаккур боланинг боғча ёшидаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, биринчидан, боғча ёшидаги болаларда турмуш тажрибасининг нисбатан кўпайиши, иккинчидан, бу даврда болалар нутқининг яхши ўсган бўлиши, учинчидан эса, боғча ёшидаги болаларнинг жуда кўп эркин мустақил ҳаракатлар қилиш имкониятига эга бўлишларидир. Боғча ёшидаги болаларда ҳар соҳага доир саволларнинг туғилиши улар тафаккурининг фаоллашаётганлигидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сусая бошлайди.

Болага таълимни эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас, балки ўз вақтида бериш лозим. Боланинг ёшига мувофиқ равишда шундай таълим бериш керакки, бунда унинг барча ҳиссиёт аъзолари жалб этилган бўлиши керак. Яъни бола ривожланиш жараёнида ўзи мустақил равишда тегиш, кўриш, эшитиш, ҳидлаш ва мазасини билиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш лозим.

Болага ёшлигидан ахлоқни ўргатиш мия ривожланишида катта аҳамиятга эга. Кичиклигидан катталарни ҳурмат қилишни, салом беришни, қоидаларга

амал қилишни, йўл ҳаракати қоидаларини ҳурмат қилиши ва бошқа шу кабиларни ўрганиб борган бола ҳаёт давомида қийналмайди ва кам хато қилади.

Болага билим олиш ҳурсандчилик келтириши керак. Болани қийнаб, барвақт ўқиш ёки ёзишга ўргатиб, ўйиндан холи қилиш унинг стресс олишига олиб келади. Натижада болада ҳар хил касалликлар юзага келиши мумкин. Бола билимни ўз хоҳиши билан ўзлаштириши керак. Агар истамаётган бўлса, демек ота–она уни қизиқтириш йўлини топа олмаяпти. Шунинг учун ота–оналар боланинг ривожланиши учун айнан унинг ёшлигидан шароит яратиб беришлари лозим. Болага атроф–муҳитни қизиқарли қилиб беришлари керак. Чизиш, ўқиш, ясаш, ўйнаш, қуриш, ёзиш ва бошқа бола учун мўлжалланган фаолиятларнинг барчаси бола учун қизиқарли бўлиши ота–онага боғлиқ. Бола кичиклигидан қанчалик қизиқувчан бўлса, саволлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик ривожланиб ўсади.

Боланинг ривожланишида мактабгача бўлган даври жуда муҳим ўрин эгаллайди. Бу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, психологик саломатлиги шаклланади ва ақлий ривожланиш қобилиятлари такомиллашади. Болани келажакда омадли ва ақлли ёки истеъдодли бўлишини истаган ота–она унинг ривожланишига айнан шу даврдан бошлаб аҳамият бермоғи лозим.

Боланинг ижодий ва мантиқий тафаккурини ривожлантириш қуйидаги йўллари амалга ошириш мумкин:

**Китоб ўқиш.** Бола билан бирга китобни расмларини таҳлил қилиб ўқиш, китобдаги эртакнинг мазмунини болага ўйин тарзида қайта гапиртириш, ўйинчоқларига китобни мазмунини айттириш жуда фойдали ва қизиқарли машғулот. Эртак эшитиш жараёнида бола эртак қаҳрамонларини кимгадир ўхшатишга ҳаракат қилади, у ўзи мустақил эртак ёки ҳикояларни тўқий олиши ҳам мумкин.

**Чизиш** (краска, ун, қум билан). Болалар одатда чизишни жуда яхши кўрадилар. Лекин уддалай олишмаса хафа бўлиб чизмай қолиши ҳам мумкин. Болага қаламнинг ўрнига қўлларидан чизишни таклиф қилиб кўринг. Бўёққа қўлларини ботириб истаган нарсаларини чизаётган бола жуда завқланади (ҳаммаёқ бўёқ бўлиб кетишини инобатга олинг). Ёки чала чизиш машғулотини қўлланг. Бунда сиз болага бирон бир нарсани охирига етказмасдан чизиб берасиз. Боланинг ўзи эса уни тугатиб қўйиши керак бўлади. Масалан, сиз айлана чизиб бериб, боладан уни тугатиб қўйишини сўранг. Шунда бола айланадан нима чизиш мумкинлиги ҳақида фикр юритади.

Бола расм солар экан, расмни сўзлар билан тўлдириб, фаоллик билан ҳаракат қилади, у ўз тасаввурлари асосида кейинчалик катта ёш одамларнинг сўзига биноан расмлар яратмоғи мумкин, унда айрим нарсаларнинг образлари вужудга келади. Расм солиш билан лой ва пластилинлардан шакллар ясайди, натижада, бола анализаторларининг ривожлантиришда ҳамда мослашган ва дифференцияллашган ҳаракатнинг таркиб топишидан ташқари унинг нарса шаклини, ҳажмини, бир ўлчовда бўлиши ва муносабатлигини идрок этиш такомиллаша боради. Чизишни ун ва қумда ҳам амалга оширса бўлади.



**График диктант.** Бунда тарбиячи болаларга геометрик шакллар, нарсабуюмларни айтиб туради. Болалар чизишади. Масалан, учбурчак, куш ва бошқалар.

3–4 яшар бола нарсалар ўртасидаги боғланишни фарқлаб олади ва ўз фаолиятини режалаштиради, бу фаолият аста–секин ижодий фаолиятга айланади.

**Бўяш.** Айрим болалар яхши чиза олмайдилар, аммо чизишни хоҳлайдилар. Бундай болаларга тайёр расмларни бўяш вазифасини топшириш мумкин. Улар расмларни бўяр экан, эртак қаҳрамонлари билан танишадилар. Уларнинг кийимлари, кийёфалари, атроф–муҳити ҳақидаги тасаввурларга эга бўладилар. Шу билан бирга кўл ҳаракати моторикаси, ижодий тафаккури ҳам ривожланади.

**Пазл.** Пазл яшаш бола хотирасини ривожлантирувчи жуда фойдали машғулот. Бола яхши кўрган расмлардан унга пазл олиб беринг ёки ўзингиз ясаб беринг.

**Болалар доминоси.** Эртаклар қаҳрамони акс эттирилган доминоларни болангиз билан бирга ўйнаб, баъзида унга ютқазиб турсангиз бола жуда завқ билан ўйнайди. Ўйин давомида эса у ақлан ривожланади. Болалар доминосини ўзингиз ҳам яасангиз бўлади.

Ўйин жараёнида 3–яшар болада дастлабки умумлаштириш юзага келадик, бу нарса боланинг оддий масалаларни ечишда имкон беради.

**Шеър ёдлаш.** Боланинг хотирасини ривожлантириш мақсадида ҳар куни битта кичик шеър ёдлатинг. Эртаси куни кечагисини эслаттириб, янгисини ёдлаттирсангиз бўлади.

**Оригами.** (японча 折り紙. айн.: «қоғознинг йиғиш») Японларнинг қалбини акс эттирувчи санъат туридир. Тўртбурчак қоғоздан шакллар яшаш санъати. Оригами нафақат Японияда, балки бутун дунёда одамларнинг сеvimли хордиқ чиқариш машғулотларига айланган. Оригами санъатини ўргатиш болаларда тасаввур қилиш, фикрлаш қобилиятини ва бармоқлар моторикасини ривожлантиришга ёрдам беради.

**Кусудами.** (японча кусури – дори, тама – шар). Японларнинг қоғоздан юмолоқ шакллар яшаш санъати.

**Болалар театри.** Болалар кўл мотрикасини ривожлантиришда амалга оширилади.



**Ўйин** – бола ўйин жараёнида амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. Бунда у ўзининг бевосита эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқади ҳамда жараёнда ўз таассуротлари, борлиқ ҳаётдаги тушунчалари ва унга бўлган ўз муносабатларини акс эттирадилар. Ўйинларни турли предметлар орыали амалга ошириш мумкин. Жумладан, **қисқич ва санок чуплари билан машқлар; дастрўмол, ип калаваси, қоғоз билан машқ; “Сехрли халтача”;** туфлиларни ипини ўтказиш; мозаика, конструкторлар билан ўйнаш; скрепкалар билан ўйнаш; тиш кавлагичлар, гугурт доналари билан ўйнаш.



Энг асосийси, болани ўйин тарзида ривожлантириш керак. Дарс қилгандек, уни мажбурлаб ривожлантириш ижобий натижага олиб келмайди. Мактабгача бола қанчалик яхши ҳар томонлама ривожлана олса, кейинчалик шунчалик осон аъло ютуқларга эриша олади.


### **1.1. Оригами**

Оригами – қоғозни буклаш орқали гуллар, турли предметлар, ҳайвонлар, қушларни яшаш санъати. Тадқиқотларда таъкидланишича, қадимда япон тикувчиларининг матоларни устма–уст буклаб кийимларни тикиши орқали ушбу санъатни яратилишига сабаб бўлган. Шундан буён қоғоздан тайёрланган турли шакллар инсонларнинг кўзини қувонтириб келмоқда.



Ҳозирги кунда оригамини буклаш техникаси турли тумандир. Уларни шартли равишда қуйидагича икки гуруҳга бўламиз:





1. Анъанавий техника– елим ва қайчини қўлламаздан қоғозни буклаш орақли шакллар ясаш.
2. Модулли техника – майда қирқилган қолипларни бир–бирига киритиш орақли ясаш (қоғозли леҒо).



Оригамини ясаш усуллари:


1. Оддий оригами – бу қоғозни буклаш орақли ясалади. Бу усул британиялик Джон Смит томонидан ўйлаб топилган. Бу усул болалар, ҳаракати чекланган кишилар учун мўлжалланган.
2. Паттерн усулида буклаш – тайёр қолиплардан турли шакллар ясаш.
3. Ҳўллаш орақли буклаш – Акиро Ёсидзава томонидан ихтиро қилинган. Сув, елим қўллаган ҳолда шакллар ясаш.





## 1.2. Кусудами

**Кусудами** – японча “кусури” дори, “тама” шар деган маънони билдиради. Япон санъати бўлиб, қоғозларни буклаш орқали шар ҳосил қилиш демакдир.



Кусудамида турли қолиплар кесиб олинади ва елим билан елимланади ёки тикилади.

Оригами ва кусудами болада чиройли, рангли нарсаларни ҳис қилиш, қувониш туйғусини таркиб топтиради. Эътиборини нарсаларнинг ранги, ўлчовига қаратиш, суратлар, иллюстрацияларни қизиқиб кўришга, лой ва турли предметлардан шакллар ясаш кўникмаларини шакллантириш болада ижодий тафаккур қобилятини ривожлантиради.

## 1.3. Дидактик ўйинлар

Жамиятнинг маънавий такомилли унда амалга ошириладиган таълим – тарбия ишларининг мазмуни, шакл ва моҳияти билан бевосита боғлиқдир. Шу боисдан ҳам таълимдаги янгиланишни, мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма – босқич таълим тизимини педагогик талқин қилиш ҳамда бу жараёни самарадорли кечишини таъминлаш зарурияти юзага келади.

Замонавий педагогик технологияда “Ўзлаштириш даражаси” тушунчаси мавжуд ҳамда бу болаларда билимни пайдо қилиш, мустаҳкамлаш ва уни амалда қўллай олишлари даражасига мос равишда тўрт гуруҳга бўлинади. Булар, “Ўқувчиликка оид” ўзлаштиришнинг биринчи, “Тартиблиликка оид” иккинчи, “Ижодий фикрловчиликка оид” учинчи ҳамда “Тадқиқотчиликка оид” тўртинчи даражаларидир. Шундан кўриниб турибдики, ўйинлар болаларда шакллантирилган билим ва тушунчаларни мустаҳкамлаш учун энг самарали йўллардан биридир. Бу албатта ўзининг илмий ҳамда ижтимоий асосларига эга.

Маълумки, болаларнинг ўйинларга қизиқиши жудаям кучли бўлади. Шунинг учун ҳам ўйинлар уларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим воситаси, уларнинг асосий фаолияти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўйинлар доимо ҳаётни акс эттиргани сабабли унинг мазмуни ижтимоий воқеликда ўзгариб туради. Ўйин–мақсадга қаратилган, ўйланган жараён бўлгани учун ҳам мазкур жараён асосида ўқув фаолияти ривожланади. Ўйинларда ҳатти–ҳаракатларни, қоидаларни эгаллаш асосида, ролда мужассамлаштирилган ахлоқий қоидалар ҳам ўзлаштирилади. Ўйинда кишилар турмушига, ишларига, жамиятдаги хулқ–атвор меъёр ва қоидаларига ижобий муносабат, муомала маданияти шакллантирилади. Худди шу жараёнда ўйин мавжуд билимларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам юзага келиб, унда бола атроф–муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни акс эттириб, ҳаёлан айна пайтгача олган билимларини қайта тиклайди ҳамда ўйиннинг ана шу ҳаёлий вазияти боланинг ақлий фаолиятининг ривожланишига мунтазам таъсир кўрсатади. Ўйинда боланинг катта ҳаракат тажрибаси шаклланади. Турли ҳаракатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қулай шароит яратилади, бола ролга киради, ўз ролига оид ҳатти–ҳаракатларни амалга ошириш учун ўзига бириктирилган вазифанинг эътиборга олиниши лозим бўлган хусусиятларини онгли равишда ифодалайди. Шу маънода, ўйиннинг санъатга яқинлиги ўйинлардан эстетик тарбияда фойдаланиш имкониятини ҳам яратади. Бола ўйинидаги ижодкорлик билан боғлиқ бўлган туйғулар эстетик туйғуларга яқин туради.

Ўйинлар мақсади қуйидагилар:

▶ **Дидактик:** дунёқарашни кенгайтиради, билиш фаолияти, БКМни шакллантиради.

▶ **Тарбиявий:** ирода, ҳамкорлик туйғусини тарбиялайди, ахлоқий–эстетик дунёқарашни шакллантиради.

▶ **Ривожлантирувчи:** диққат, хотира, нутқ, тафаккур, таққослаш кўникмаларини шакллантиради.

▶ **Ижтимоийлаштирувчи:** жамиятдаги ахлоқий меъёрлар, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиради, мулоқотга ўргатади, психотерапия.

Мақсадларни инобатга олган ҳолда ўйинлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Интеллектуал ўйинлар: таълимий ўйинлар; ижодий ўйинлар.
2. Ҳаракатли ўйинлар.
3. Аралаш ўйинлар.

Таълимий ўйинлар болаларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинлар сирасига киради. Таълимий ўйинлар орқали болаларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади. Бу ўйинларда боланинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, ақлий қобилиятлари такомиллашади. Бундай ўйинлар машғулот жараёнида ва ўйиндан ташқари вақтларда гуруҳ ёки яқка–яқка ўтказилади. Бунда ўйин мазмуни ва натижаси пухта аниқланади. Таълимий ўйинларда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак:

1. Навбатма–навбат таъсир этиш.
2. Сўралганда жавоб бериш.



3. Ўртоқлари фикрини эшита олиш.
4. Ўйин жараёнида бошқаларга халақит бермаслик.
5. Ўйин қоидасини бажариш.
6. Ўз хатосини тан олиш.

Таълимий ўйинлар болаларнинг хотираси, диққати, тасаввури, тафаккури, нутқи ва сенсор қобилиятларини, нарсаларни қиёслашга, уларнинг белгиларидаги (ранг, ўлчам, материалидаги) арзимас фарқларни сезишга, нарсаларни умумий белгилари бўйича бирлаштириш, қисмлардан бутунни (йиғма кубчалар, мозаика, пазллар) йиғиш, нарсалар жойлашувидаги ўзгаришларни (олдинда, орқада, ўнгда, тагида, устида, ўртасида, ёнида) аниқлашга, мустақил бўлишга, қоидаларига риоя қилишга ўргатади. Ўйинчоқлар билан (халқ, электрон, компьютер ўйинлари ва б.) ишлаш истагини, ижодий мустақилликни, дўстона муносабат, интизом каби сифатларни, мусобақалардаги адолатли рақобат маданиятини шакллантиради.

Ижодий ўйинлар таълимий ўйин сифатида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинлар сирасига киради. Ижодий ўйинларнинг муҳим белгиси ундаги қоидаларнинг мавжудлигидир. Ўйинда ўйин нияти, ўйин қоидалари, ўйин ҳаракатлари ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ўйин мақсади ўйин ҳаракатларининг табиатини белгиласа, ўйин қоидаси ҳаракатлар, хусусан, вазифани ҳал этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Ижодий ўйинлар орқали ўқувчиларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади ва албатта қайта ўзида такрорлаш орқали мустаҳкамланади. Бу ўйинларда ўқувчининг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, ақлий қобилиятлари такомиллашади. Шунингдек, ўйинларда ўйин темпи ва ритми ҳам катта роль ўйнайди, жуда секин ва бир текисдаги темп ўқувчини кўп куттиради, жуда тез темп эса ўқувчиларни ҳаяжонга солади, турли баҳс–мунозараларга олиб келади. Шунинг учун ҳам катталар томонидан ўйинни тўғри ташкил этиш ва иштирокчиларини тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўйинлар болада когнитив (дунёни англайди, фикрлайди, муаммоларни еча олади), ижтимоий (мулоқот, маданий тушунчаларни англайди), ҳиссий (ҳис–туйғуларни тушунади), моторика (ҳаракат кўникмаларини шакллантиради), нутқ ва саводхонлик (оғзаки нутқ, мимика, символикани тушунади) ни шакллантиради.

### “Зукколар”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

**Ўйиннинг мазмуни:** болалар 2 гуруҳга бўлинади: бошловчи ҳар бир гуруҳга сўзлар гуруҳига оид 1 сўздан айтади ва шу гуруҳга мансуб сўзларни топиш топширилади. Қайси гуруҳ кўп топса, ғолиб ҳисобланади (Масалан, мевалар: олма, гилос.....)

### “Ижодкор”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

**Ўйиннинг мазмуни:** болалар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ эгаси отга оид сўзларга мисоллар келтиради. Иккинчи гуруҳ эса, сифатга оид сўзларни айтади, шундай давом эттирадилар. Намуна: I гуруҳ: олма, дарахт..... II гуруҳ: қизил, кўк, катта....

### “Типография”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

**Ўйиннинг мазмуни.** Берилган узун сўздан фойдаланган ҳолда бошқа янги сўзлар тузиш. Ким кўп сўз тuzса, шу ғолиб ҳисобланади. Масалан: муваффақият сўзидан: вақт, фақат, вақф, уят, муваффақият, муваққат, уф, Афифа, муфти, муқим ва х. к.

### «Изоҳли луғат»

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

**Ўйиннинг мазмуни.** Болани кўзини юмиб, кўлига ўйинчоқ берилади. Вазифа: кўзингизни очмай, нималигини топинг ва унинг маъносини тушунтириб беринг. Ким сўзнинг маъносини кўпроқ ва кенгроқ изоҳлаб берса, шу ғолиб ҳисобланади.

### “Фақат пичирлаш”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш ва тўғри талаффуз меъёрини ўргатиш.

**Ўйиннинг мазмуни.** Бу ўйин орқали тўғри талаффуз этишга ўргатиб борилади. Вазифа: болаларга фақат пичирлаб, худди сахнадагидай қаттиқ пичирлаб гапириш топирилади. Ким адашиб баралла гапириб юборса, унга жарима солинади. (шеър ёки кўшиқ айтиб беради).

### “Луғат”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

Вазифа: мавзуга оид сўзлар тизимини тузиш. Тарбиячи 3–4 дақиқа вақт беради. Ким кўп сўз тuzса, шу ғолиб ҳисобланади.

### “Билагон”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

Вазифа: Ўқитувчи бирор бир ҳарфни айтади. Ким ўша айтилган ҳарфга кўпроқ сўз топа олса, ўша ғолиб бўлади.

### “Кубик”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

Қалин қоғоздан ясалган кубик томонларига мамлакат, исм, оила аъзоларининг расми ва ҳоказолар чизилган бўлади. Болалар стол атрофига тўпланишади. Кимга қандай расм тушса. Шу сўзга мос бўлган жумла тузиши керак.

### “Бузук телефон”

**Мақсад:** боланинг луғат бойлигини ошириш.

**Ўйиннинг мазмуни:** Болаларга айрим сўзлари туширилган жумла айтилади. Буни болалар бир–бирларига ҳам айтиши мумкин. Туширилган сўз жумла мазмунига монанд қўйилиб айтилади. Ким тез ва тўғри бажарса, ғолиб ҳисобланади.

### “Бўғинлаш”

**Мақсад:** болаларда бўғин, бўғинлаш кўникмаларини шакллантириш.

**Тарбиячи:** Болалар, келинлар, ҳайвон болаларининг номларини бўғинга бўламиз. Тойчоқ сўзини биргаликда чапак чалиб бўғинга бўламиз.

**Той–чоқ.** Икки бўғиндан иборат.

Демак, сўзлар бўғинлардан тузилган экан. Биринчи бўғин (Той), иккинчи бўғин (чоқ).

Шу тарика бошқа ҳайвон болаларининг номларини бўғинларга бўлиш мумкин.

### “Ўйланг, биргаликда ўзаро фикр алмашинг”

**Мақсад:** болаларда ҳамкорлик, фикрни ихчамлаш кўникмаларини шакллантириш.

Бу ўйинда болалар берилган топшириқ устида биргаликда фикр юритишга, ўз фикрларини ихчам, аниқ ифодалашга жалб қилинади. Тарбиячи берган топшириқ бўйича болалар жуфт–жуфт бўлиб ўз фикрларини ўртоқлашадилар ва биргаликда бир хулосага келадилар. Бунинг учун тарбиячи болаларни гуруҳларга тақсимлаб олиши керак. Болаларни гуруҳларга тақсимлашда битта тез қабул қиладиган, битта секин қабул қиладиган болани танлаб олиши керак. Гуруҳлар ишлаётган вақтда тарбиячи болаларга ёрдам бериши, тушунмаган жойларини тушунтириб бериши керак. Масалан, “Эчки ва бўри” эртагини болаларга ўқиб эшиттиради ва қуйидаги саволлар орқали фикрларини жамлашади.

1. Бўри эртақда қандай тасвирланган? У ҳақида қандай сўзлаш мумкин? (очкўз, бераҳм, ёвуз, кўпол).

2. Бераҳм сўзига қарама–қарши маънодаги сўз топинг (раҳмдил, кўнгилчан, шафқатли).

3. Эчки ҳақида нима дейиш мумкин? (доно, ақлли, кўркмас, тадбиркор).

4. “Кўркмас” сўзига яқин сўзлар топинг (ботир, жасур, мард).

### “Бу бўғин, бу товуш”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш кўникмаларини шакллантириш.

**Тарбиячи:** Болалар, биз ҳозир бўри, эчки ҳақида жуда кўп сўзлар айтдик. Сўзлар бўғинлардан тузилганини билиб олган эдик. Ҳозиргина айтилган сўзларни бўғинларга бўлиб кўрамиз. (Бўри, эч–ки, оч–кўз, до–но) Бугун эса сўздан товушни ажратишни машқ қиламиз. Товуш сўз ёки бўғинлардан ажратилади. Бўғин ёки сўздан унли товушни ажратиш қулай. Мен бўғинларни талаффуз қиламан, қайси товушни чўзиб айтаётганимни сиз айтасиз: ооо–на.

Тўғри “О” товушини чўзиб айтдим. “О” – бу товуш. Биргаликда “О” товушини қайтарамиз. Яна иккинчи бўғинда қайси товушни чўзиб айтганимни топасиз: о–пааа (а товушини). Тўғри, энди шу 2–бўғиндаги бошқа товушни аниқланг: о–ппа ( “N” товуши). Демак, сўзда нечта товуш бор экан? (3та) Улар қайси товушлар?

(“о”, “п”, “а”) Сўз, бўғин нималардан тузилар экан? (Товушлардан) Она сўзида қайси товушлар чўзиб талаффуз қилинди? Мен “о”, “а”, “п” товушини талаффуз қилдим, сиз уни эшитдингиз. Демак, товушларни талаффуз қиламиз, яъни айтамыз ва эштамыз. Биргаликда қайтарамиз (товушларни талаффуз қиламиз яъни айтамыз ва эштамыз.)

### “Товушларни кўшинг!”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш кўникмаларини шакллантириш.

Болалар доира бўлиб туриб оладилар. Болалар кўллари харақатлантириб тарбиячи билан бирга талаффуз қиладилар: Насосдан ҳаво чиқяпти ва хуштак чаляпти: ”s–s–s– s–s–s”

“s” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш. Тарбиячи so, si, sa, su, so’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хор бўлиб айтадилар. Сўнг якка–якка айттирилади.

SA– SA– SA

SU–SU–SU

SA– SA– SA


SU–SU–SU

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча SA бўғинини талаффуз қилинг. Шу тартибда so, si, se, so’ бўғинлари талаффуз этилади.

### “Сўзларни тўлдириг”

**Мақсад:** болаларда товушларни кўшиб сўз ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Келинг, болалар товушларни бир–бирига кўшиб сўз ҳосил қиламиз. Масалан,



### “Расмларни номланг”

**Мақсад:** болаларда расмни таҳлил қилиш ва уларни изоҳлаш кўникмаларини шакллантириш.

Болаларга олдиларидаги расмларни номлаш ва расмдаги “s” товуши билан ҳосил бўладиган сўзларни айтиш ва тўғри талаффуз қилиш, сўзни бўғинга бўлиш каби топшириқлар берилади. Болалар сўзда неча бўғин бўлса, шунча марта чапак чаладилар.

## “Эчкичалар”

**Мақсад:** эртакни ўқиш, таҳлил қилиш, гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Эртакда эчкилар қандай тасвирланган? (ўжар, қайсар, уришқоқ).

“Эчки” сўзига гап тузинг. “Эчки” сўзини ҳаммамиз биргаликда талаффуз қиламиз. Эээ–ч–кии. Қайси товушни чўзиб айтдик? “Э” товуши тўсиққа учрамаяпти, чўзиқ айтиляпти. Товушлар тўсиққа учрамай, чўзиб айтилса, ундай товушларни унли товушлар деймиз. Демак “Э” товуши унли товуш экан. “И” товуши ҳам шундай таҳлил қилинади.

## “Тез айтишни– кўп айтиш”

Оққуш кўлда сузади,  
Оппоқ бўйнин чўзади.

\*\*\*

Кўп сўзнинг ози яхши,  
Оз сўзнинг ўзи яхши.

Болалар томонидан ўртоқларининг тез айтиш маҳоратлари назоратга олинади. Сўзлар товушларга ва бўғинларга ажратилади.

**Бошқа машғулотлар учун намуналар:**

Ниначи ҳой ниначи,  
Ноғарага ўйначи.

\*\*\*

Новвой нон ёпар,  
Нонни новвот деб сота

Тарбиячи “N” товушининг сўз бошида келган расмларни (нок, ноғара, най) кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Лайлак келса тулқивой,  
Ликобчада берар чой.

Тарбиячи “L” товушининг сўз бошида келган расмларни (Лайлак, лола, лаган, лавлаги) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Мушук нима ялайсан,  
Музқаймоққа қалайсан?

\*\*\*

Ёш мушук,  
Мош мушук.

Мош мушук,  
Бош мушук

Тарбиячи “M” товушининг сўз бошида келган расмларни (Мушук, маймун, машина) кўрсатади.

Ўргимчак, ҳой ўргимчак,  
Тўқишни ўргат жиндак.

Тарбиячи “Ў” товушининг сўз бошида келган расмларни (ўргамчак, ўрдак, ўрмон) кўрсатади.

Эчки кетма узокқа,

Эгри сўқмоқ тузоқ—да

Тарбиячи “Э” товушининг сўз бошида келган расмларни (эчки, эгри, эшак) кўрсатади.

Балиқ дейди эй бақа,

Берайми сенга чақа.

Тарбиячи “В” товушининг сўз бошида келган расмларни (балиқ, бўри, банан, болта...) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Вали варрак учирди,

Ва хо—холаб кулди.

Тарбиячи “V” товушининг сўз бошида келган расмларни (ватан, вагон, варрак, ванна..) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Қара қора қарға қорда қақиллайди.

Тарбиячи “Q” товушининг сўз бошида келган расмларни (қарға, қўлқоп, қайчи...) кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

Гули гулдонда гул келтирди.

Тарбиячи “G” товушининг сўз бошида келган расмларни (гул, гилос, гулхан...) келган расмларни кўрсатади. Болалар тарбиячи билан биргаликда расмларни номлайдилар.

### **“О” товушига сўз топ**

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Болалар, “О” товушига сўз топ ўйинини ўйнаймиз. “О” унли товуш. Мен “О” товушини айтганимда истаганча чўзишим мумкин, чунки уни талаффуз қилаётганимда ҳеч нарса тўсиқ бўлмайди. Оғзимни кузатинг. “о—о—о”. Кузатдингизми “О” товушини талаффуз қилганимда чўзиб айтдим. Товуш тўсиққа учрамади. Демак “О” товуши унли товуш экан. Унли товушларни биз доимо қизил рангда белгилаймиз. “О” унли товушига сўз топамиз. (оу, ot, olma, olcha, Olim...) Сўзлардаги “О” товушини ўрнини аниқлаймиз.

Унли товушларнинг ҳар бирини худди шу тарзда машғулотларни ташкил этиш мумкин.

### **“Қувноқ тил” ҳақида эртак**

**Мақсад:** эртакни ўқиш, таҳлил қилиш, товуш, бўғин, сўз ва гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Бор экан, йўқ экан, бир қувноқ тилча бўлган экан. У эрта тонгда уйғониб, эшикни очибди. Қуёшни кўриш учун аввал ўнга, сўнг чапга, пастга, юқорига қарабди (оғизни очиб тил ҳаракатлантирилади) ва эшикни беркитибди (оғиз ёпилади). Деразани яна очибди. Кун исий бошлабди (о’... о’...). Бирдан кун совуй бошлабди (d...d...). Эшикни ёпибди. Эшикни очибди (“nnn” ва қўл ҳаракатланади). Тил ювиниш хонага кирибди. Чирокни ёқибди, (чик) сувни очибди (чик... чик... чик... бармоқлар ҳаракатланади). Иссиқ сувни бурабди

(шшш). “Вой” – деб кўлни иссиқ сувдан тортиб олибди (қўрқиш ҳолати кўрсатилади). Жўмракнинг қайси тарафини бураши керак? – Ҳа, тўғри совуқ сувни бураш керак (чиқ... чиқ... чиқ.. бармоқлар ҳаракатланади). Иссиқ сув билан совуқ сув аралашиб илиқ сув оқа бошлади (“sss”). Тиш чўтка ёрдамида тишларни ювди (машқ бажарилади). Тил тишларни яхшилаб ювди (тилни лаб устидан айлана ҳаракатлантирилади). Совуқ сувни тўхтатди (чиқ... чиқ... чиқ...). Иссиқ сувни ҳам тўхтатди (чиқ... чиқ... чиқ...). Тил ювиниш хона эшигини ёпди (“nnn”). Сўнг нонушта қилиш учун ошхонага кирди. Ошхонада онаси қуймоқ пишираётган эди. – Ассалому алайкум ойи, – деди хурсанд бўлиб. – Мен сизни жудаям яхши кўраман, – деди тил. – Мен ҳам сени яхши кўраман. Менга қарашиб юбор (машқ). Онаси қуймоқни пишириб, тилга берди (“Қуймоқ машқи”). Нонга мураббо кўшиб еди (“Ширин мураббо” машқи). Стакандан сут ичди (машқ) ва онасига раҳмат айтди. – Ойижон, бир оз ўйнаб келсам майлими? деб сўради. – Ҳа борақол, фақат тушликка кечикма, – деди онаси. Тил уйнинг ён томонига ўтди. Уйнинг атрофи ёғоч панжара билан тўсилган (“Тўсиқ” машқи). Томнинг трубасига кўзи тушди (“Найча” машқи). Унда Қувноқ шамол яшайди. Уввв! Салом тилча! – деди шамол. Тилча югурганича отхонага кириб, севимли тойчағи олдига борди. Салом тойчоқ – деди тилча. “Иоо–иоо” хурсанд бўлди тойчоқ. Тойчоққа миниб айлангани кетишди. Тил ҳайвонот боғига келди. У ерда дўстлари: сергап куркани (бл – бл – бл машқ) қайсар хўтикни (“иа–иа”) учратиб қолди. Дўстлар биргалашиб автомобилга ўтиришди. (“дрррр”) музқаймоқ ейишди (тил ҳаракати машқи). Пуфак пуфлашди (машқ). Ҳайвонот боғидаги фил куннинг иссиғидан ҳартумини сувга солиб, сув йиғди (машқ). Тилнинг соатига назар солса, соат тўхтаб қолибди. Соатни юргазиши керак (“чик–чик” машқи). – Вой, мени онам кутяпти–ку, –деб уйи томон югуриб кетди. Тил ҳақида шунақа гаплар. Сиз ўзингиз ҳақингизда эртак тўқий оласизми?

### “Расмни ўқинг”

**Мақсад:** эртакни ўқиш, таҳлил қилиш, товуш, бўғин, сўз ва гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Болалар, мен ҳозир сизга суратлар тарқатаман. Сиз уларни диққат билан кўриб чиқинг. Расмга қараб 2–3 та сўздан иборат гап тузинг.

Масалан: (Олма қизил. 1–сўз олма, 2–сўз қизил; Лимон сариқ, катта, нордон. 1–сўз лимон, 2–сўз сариқ, 3–сўз катта.)

*Бошқа машгулотлар учун намуналар:*

“Қуён” расмига икки сўздан иборат гап тузиш (мақтанчоқ қуён) мумкин. “Типратикан” расмига уч сўздан иборат гап тузиш (Типратикан бўридан кўрқмайди) шу тарика бир неча расмга гап туздиретиши мумкин. Гап тузишга болалар қийналсалар, тарбиячи ёрдам беради.

### “Расмларни номлаш (“S” товуши)

**Мақсад:** расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш.

Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Тарбиячи: болалар, бугун сиз билан бир қанча расмларни томоша қиламиз. Эътибор беринг ҳамма расмларда “S” товуши иштирок этаптими? Расмларни кўрамиз, уларни номлаймиз, бўғинларга бўламиз, улар иштирокида гап тузамиз.

– Бу қандай ҳайвон? (сигир)

– Сигир сўзини бўғинга бўл.

– Мен сигир ҳақида гап туздим. “Мен сигирга самон бердим”.

– Сиз сигир ҳақида қандай гап тузган бўлар эдингиз? (Болалар жавоблари: сигир сут беради; сигир му–му деб мўрайди; сигирнинг бузоғи бор)

– Баракалла, болалар, ҳозир мен сизга расмлар тарқатаман. Сиз расмга қараб гап тузасиз.

Тарбиячи: Азиз, сенда қандай расм бор, номла.

Азиз: Менда соат расми бор.

Тарбиячи: Соат сўзини бўғинга бўл.

Тарбиячи: Соатнинг яхши, ёмон томонларини айт.

Тарбиячи: Соат сўзида “S” товуши сўзнинг қаерида келяпти?

Азиз: Соат сўзида “S” товуши сўзнинг бошида келяпти.

Тарбиячи: Соат ҳақида қандай гап туздинг?

Азиз: Соат жиринглади.

Тарбиячи: Тузган гапингда нечта сўз бор?

Азиз: Тузган гапимда иккита сўз бор.

Тарбиячи: Қандай сўзлар?

Азиз: “соат”, “жиринглади”

Тарбиячи: Тўғри, Азиз иккита сўздан иборат ган тузди.

Тарбиячи: Тарбиячи шу тарика болалардан “S” товуши иштирок этган сўзлардан гап тузишларини сўрайди. Болаларнинг сўздаги товушларни тўғри талаффуз қилишларига, тузилган гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беради.

### **“Қайиқчани сувда суздир”**

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш кўникмаларини шакллантириш.

**Ўйиннинг бориши:** Болалар катта доира ҳосил қилиб ўтирадилар. Ўртада кичкина стол устида сув тўлдириб қўйилган тоғора бўлади. Тарбиячи қайси болалани чақирса, шу бола чиқиб, стулчага ўтириб олиб сувнинг ичидаги қайиқчани пуфлайди. Пуфлаганда “F” ёки “P” товушини талаффуз этади. Ўйинни такрорлаганда қайиқчани маълум бир белгиланган жойгача пуфлаб олиб бориши керак. Тарбиячи болаларга қайиқчага ўтириб, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сузиб боришни таклиф этади. Бунинг учун тарбиячи тоғоранинг чеккаларига байроқчалар қўйиб қўяди. Бу байроқчалар шаҳарчаларни билдириб туради. Қайиқчани лабларни найчага ўхшатиб олдинга чиқариб пуфлаш ҳам мумкин, лекин лунж шишмаслиги керак. Мана, кучли



шамол эса бошлади, дейиш билан бола “P–P– P– P”, деб пуфлайди. Ўйин шу тарика давом этади.

### “Чивинлар”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи болалар билан “Z” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қиладилар.

Тарбиячи zo, zi, za, zu, zo’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка–якка айттирилади.

ZA–ZA–ZA

ZU–ZU–ZU

ZO–ZO–ZO

ZI–ZI–ZI

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча ZA бўғинини талаффуз қилинг.

#### **Бошқа машғулотлар учун намуналар:**

“R” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи ro, ri, ra, ru, ro’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка–якка айттирилади.

RA–RA–RA

RU–RU–RU

RO–RO–RO

RI–RI–RI

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча RA бўғинини талаффуз қилинг

Шу тартибда ro, ri, ro’ бўғинлари талаффуз этилади.

Тарбиячи: Болалар, ит қандай ириллайди?

Болалар: ир, ир деб ириллайди.

Тарбиячи: қурбақа–чи, қурбақа қуриллайди?

Болалар: қурбақа «қур–қур» деб қуриллайди.

Тарбиячи итнинг ириллаши ва қурбақанинг қуриллаганидаги сўнгги товуш г ни айириб, чўзиб талаффуз қилади.

“R” товуши талаффуз эттирилади. “R” товушининг сўз бошида (ран–да, ру–боб), ўртасида ( а–ри, ар–ра), охирида (а–нор, Аб–пор) келган расмларни номлаш, сўзларни бўғинларга бўлиб айтиш.

### “Сўзларни тўлдириш”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш ва сўз ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантириш.

To\_\_\_\_\_

Ter\_\_\_\_\_miz

Va \_\_\_\_\_ za

Qir\_\_\_\_\_miz

G’o’ \_\_\_\_\_

Qi\_\_\_\_\_miz

#### **Бошқа машғулотлар учун намуналар:**

Қо–шиқ, ка–лиш, қу–ёш, қа–миш....

### “Гапни тугатинг”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш ва гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Болалар расмга қараб “З” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тугатишлари керак.

Мен узум.....

Қушлар–бизнинг .....

Биз тинчлик қўшиғини.....

**Бошқа машғулотлар учун намуналар:**

Болалар расмга қараб “Sh” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тугатишлари керак.

Шокир шашка .....

Шавкат машинада .....

Шухрат ғижжак .....

Болалар расмга қараб “Т” товуши иштирок этган сўзлардан иборат гапларни тугатишлари керак.

Ана митти .....(мушук)

Турғун тўти .....(тутди)

Тўлқин тиллақўнғиз .....(тутди)

### “Шер билан сичқон”

**Мақсад:** болаларни ижодий ва мантикий тафаккурини шакллантириш.

Тарбиячи: Оқ кўнгилли шер бир куни сичқонга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан тузоққа тушиб қолди. Шернинг яхшилигини сичқон эсдан чиқармаган эди. У ўткир тишлари билан тузоқни қирқиб, ўз нажоткорини қутқарди.

Масал бўйича саволлар:

1. Шер нима қилган эди?

2. Сичқон шерни нима учун қутқарди?

Тарбиячи масални яна бир бор ўқиб беради, сўнгра 5–6 болалар ҳикояларини эшитади.

### “Турли сўзларни эслаймиз”

**Мақсад:** болаларда хотирани тиклаш, эслаш, тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Болалар, ҳозир биз “Турли сўзларни эслаймиз” ўйинини ўйнаймиз. Тарбиячи болаларга ўйин қоидасини тушунтиради. Болалар доира бўлиб турадилар. Ҳар бир бола бирор сўзни эсига тушириши ва уни ёнидаги болага айтиши (яъни узатиши) керак, кейинги бола ҳам уни ёнидаги болага айтади ва шундай қилиб ҳамма болалар навбат билан биттадан сўз айтишлари керак (Айтилган сўзни такрорлаш мумкин эмас). Машқни икки маротаба такрорлаш мумкин. Узатиладиган сўзнинг мавзусини тарбиячи айтиши мумкин. Масалан: Турна эртақда қандай тасвирланган? У ҳақида нима дейиш мумкин? Болалар бир–бирларига (айёр, очкўз, хиёнатчи, ёлғончи, алдоқчи) сўзларини узатишлари мумкин. Тарбиячи ҳамма болалар ҳар хил сўз айтишларини, уларни

аниқ, бурро ва баланд овозда айтишларини назорат қилиб туради. Баъзи болаларга сўзни такрорлашни ва ҳаммага эшиттириб талаффуз қилишни таклиф этади. Ким сўзни тез айта олмаса ёки айтилган сўзни такрорласа доирадан чиқади.

### “Қишда”

**Мақсад:** расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Сўзлар гапда боғланиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш. Сўзларни бўғинларга бўлиш.

Бунда Н. Орифжоновнинг “Қишда” шеърини қўллашимиз мумкин.

Роса маза қиш,  
Қорлари – кумуш.  
Оқ кийган атроф,  
Қиш ҳавоси соф.  
Конки учамиз.  
Ҳеч чарчамай биз.  
Гоҳо қорбўрон  
Ўйнаб, ким чаққон–  
Билиб оламиз,  
Қойил қоламиз.

### “Сехрли ўрмон”

**Мақсад:** болаларда хотирани тиклаш, тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Бу ўйинни тарбиячи машғулот якунида ёки машғулотдан ташқари фаолиятларда ўйнатиши мумкин. Бу ўйинда ҳар бир болага қоғоз варағи ва рангли қаламлар берилди. Варақда дарахтларнинг (мажнунтол ва терак) схематик тасвири ва тугалланмаган бир нечта тасвир бўлади. Болаларга “Мажнунтол ва терак” ривояти асосида расмни тугатиш ва ҳикоя қилиб бериш таклиф қилинади. Сайрда болаларга терак ва мажнунтол дарахтларини кўрсатиш ва ривоят бўйича саволлар бериш мумкин.

### “Кублар”

**Мақсад:** расмларни номлаганда сўздаги ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилиш. Болаларга берилган расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш.

Бунда кубнинг тўрт томонини ишлатиш мумкин. Кубнинг бир томонида жўжа, бошқа томонларида товуқ, хўроз, тухум суратлари бор.

Тарбиячи бу усулдан фикрлаш учун ҳар хил ёрдамчи саволлар бериш билан фойдаланади.

Бу нима?  
Ранги қандай?  
Жўжа ҳақида нима дейиш мумкин?  
Жўжа боқиш яхшими? Сабабини айтинг.  
Жўжа ҳақида шеър биласизми?

Шу тариқа кубнинг бошқа томонларидаги суратлар ҳам таҳлил қилинади.

### “Отлар”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш ва гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи болалар билан “Т” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қиладилар. Тарбиячи to, ti, ta, tu, to’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка–якка айттирилади.

**ta – ta – ta, to – to – to, tu–tu – tu, ti – ti – ti**

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча ta бўғинини талаффуз қилинг. Шу тартибда to, ti, to’ бўғинлари талаффуз этилади.

### “Пуфак”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш ва гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

“F” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қилиш.

Тарбиячи fo, fi, fa, fu, fo’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка–якка айттирилади.

FA– FA – FA

FI– FI – FI

FO – FO – FO

FU – FU – FU

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча “fa” бўғинини талаффуз қилинг. Шу тартибда fo, fi, fo’ бўғинлари талаффуз этилади.

### “Ортиқчасини топ”

**Мақсад:** болаларга берилган карточкалардаги расмларни изоҳлаш. Расмлар асосида мустақил гап тузишга ўргатиш. Тушунчаларни изоҳини тушуниш.

Турли меҳнат қуроллари ва битта ортиқча буюм тасвирланган карточкалар ҳар бир болага берилади. Болалар тасвирдаги ортиқча буюмни топадилар ва нима учун ортиқчалигини изоҳлаб берадилар.

Ҳикояни саҳналаштириш билан машғулотни яқунлаш мумкин.

### “Аксини айт”

**Мақсад:** болаларнинг тасавбури ва тафаккурини ўстириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи коптокни кўлига олиб, ўйинни бошлаб беради.

Тарбиячи: Мен сизларга коптокни отиб сўз айтаман, сизлар яхшилаб ўйлаб, айтган сўзимнинг аксини айтишингиз керак. Масалан:

Яхши – ёмон

Дўст–душман

Жасур–кўрқоқ

### “Табрик сўзи”

**Мақсад:** болаларда ёдлаш, тўғри талаффуз қилиш, ифодали ўқиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Болалар, тузган хикоянгиздан, ёдлаган шеърларингиздан маълум бўлдики, сиз онангизни жуда–жуда яхши кўрар экансиз. Уларни жуда хурсанд қилар экансиз. Ҳозир менинг саволимга чиройли қилиб жавоб беришга ҳаракат қилинг: Қани, Нодир, сиз нима деб табриклайсиз? Сиз–чи Нуриддин? Қани яна ким онасига айтган табригини чиройли қилиб айтиб беради?..... (Шу тариқа болалардан оналарига тайёрлаган табригини қофияли қилиб айтиб беришни сўраш мумкин).

### “Арча байрамга ким келди?”

**Мақсад:** сонларни отлар билан мослаштириш кўникмасини шакллантириш.

Расмлар асосида тушунтирилади.

Бизнинг байрамга 2 ..... (айиқча, қорқиз) келишди.

Бизнинг байрамга 3 ..... (олмахон, тулқича ) келишди.

Бизнинг байрамга 4 ..... (қуёнча, миттивой) келишди.

Бизнинг байрамга 5 ..... (филча, қўғирчоқ) келишди.

### “Сўз йўқолди”

**Мақсад:** сўзларни мосини топиш кўникмасини шакллантириш.

Қавсдаги сўз ўрнига расм қўйилади. Болалар гапни тўлдиришлари керак.

Акам ойимга (гул) совға қилди.

Дадам (телевизор) кўраяптилар.

### “Мевалар ва барглар”

**Мақсад:** Бир ўсимликка тегишли қисмларни танлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдагиларга барг (“шоҳча”лар), иккинчи гуруҳдагиларга мевалар тарқатилади. Мевалар, ўз “шоҳча”ларингизни топинглар!” дейилгандан сўнг, ҳар ким ўз жуфтини қидиради, яъни жуфтдаги икки бола қўлидаги нарсалар бир ўсимликка тегишли бўладиган ҳолда туриб олишлари керак.

Ўйин тўғри ёки нотўғри ўйналганда “сеҳрли дарвоза”да текширилади (ўқитувчи жараённи кузатиб боради). Бунда жуфтликлар топшириқни хато бажарган бўлса, “Сеҳрли дарвоза” ёпилади, яъни кўтариб турилган қўллар пастга туширилади. Ўйин такрорланганда, болалар қўлларидаги барглар ва меваларни алмаштирадилар.

### “Нима қаерда яшайди?”

**Мақсад:** Ўсимликларни тузилишига кўра гуруҳларга ажратиш.

Керакли нарсалар: тулки, қуён ва олмахон маскаси.

Ўйиннинг бориши: Ўйин саёҳатга чиқилганда олиб борилади. Тарбиячи ўйин шарти билан таништиради: “Болалар, икки гуруҳга – қуёнларга ва олмахонларга айланамиз, бирингиз тулки бўласиз, олмахон ва қуёнлар

яширинишлари учун ўзларига жой топиши керак”. Ўйин вақтида тарбиячи олмахонлар дарахтларга, қуёнлар, буталар орасига яширинишларини уқтиради. Тарбиячи “тулки келяпти” деб овоз берганидан кейин олмахонлар дарахтларга, қуёнлар, буталарга қараб югурадilar. Ўйин шартини нотўғри бажарганларни тулки тутиб олади.

### “Топган–топалоқ”

**Мақсад:** болаларнинг тасаввури ва тафаккурини ўстириш.

Тарбиячи: Болажонлар, мен ҳозир сизларга ўйинчоқлар ҳақида топишмоқлар айтаман, сизлар топасизлар:

1. Чўпчагим чўпчак,  
Олтин беланчак  
Етти қизнинг онаси  
Халигача келинчак. (кўғирчоқ)
2. Тап–тап этади,  
Урсам учиб кетади (Копток) кабилар.

### “Телефон”

**Мақсад:** болаларда мулоқот кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи ўйинчоқ телефонни олиб Салимага мурожаат қилади:

– Салима, бувинглар сени сўраяптилар, бувижонинг билан сўрашгин, ҳол–аҳволини билгин.

Салима телефонни олиб, «бувиси» билан сўзлашади:

- Ассалому алайкум, бувижон! Яхшимисиз, соғлигингиз қандай?
- Ҳа, ҳа, бизлар саломатмиз, ойимлар, дадамлар ҳам.
- ...
- Ҳа, ҳа, улар сизга салом айтишяпти, Дилшод акам ҳам, Соҳиба опам ҳам.
- ...
- Хўп бўлади, уларни хафа қилмаймиз. Дам олиш куни сизни кўргани борамиз.
- ...
- Раҳмат, бувижон, сиз ҳам соғ бўлинг, касал бўлманг.

Тарбиячи: Салима телефонда жуда яхши сўзлашди. Одоби, ширин сўзлари, меҳрибонлиги билан бувисини хурсанд қилди.

### “Оила”

**Мақсад:** болаларда мулоқот кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: Болажонлар, энди оила ўйинини ўйнаймиз. Бу ўйинда кимнинг ролини бажаришни хоҳлайсиз? (Болалар ўз хоҳишларига билан ролларни танлашади, тарбиячи ўйин мазмунини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бериб туради).

### “Ўрмон шовуллайди”

**Мақсад:** болаларда товуш, бўғин, бўғинлаш ва гап тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи болаларга шамол эсганда дарахт шохлари тебраниб “шшш...” деб шовуллашини айтиб ўтади ва болаларга кўлларини дарахтнинг шохчаларига ўхшаб юқорига кўтаришларини ва шамол эсганда дарахтларнинг шовуллашига ўхшаб “шшш...” деб овоз чиқаришларини сўрайди.

Тарбиячи болалар билан “Sh” товуши иштирок этган бўғинларни талаффуз қиладилар.

Тарбиячи sho, shi, sha, shu, sho’ бўғинларини талаффуз қилиб, болаларга ўзи намуна кўрсатади. Болалар тарбиячи кетидан хўр бўлиб айтадилар. Сўнг якка–якка айттирилади.

Sha – Sha – Sha

Shu Shu – Shu

Sha – Sha – Sha

Shu – Shu – Shu

Неча марта қарсак овозини эшитсангиз, шунча Sha бўғинини талаффуз қилинг. Шу тартибда sho, shi, sho’ бўғинлари талаффуз этилади.

### “Ривоят”

**Мақсад:** болаларда мантиқий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи: болалар, ривоятга хулоса қилиб, “Кексалик–донишмандлик” экан деб ривоят ҳақидаги фикримни яқунламоқчиман. Айтилган мақол, ҳикоя қилинган ривоятга мос келадими? (болалар жавоби)

Тарбиячи: мана кўрдингизми, болалар биз нима учун Алишер Навоий бобомизни одамларга доимо яхшилик қилганлар, одамлардан ёрдамларини аямайдиган меҳрибон инсон бўлганлар деймиз. Ўзларини доно маслаҳатлари билан вазирларга ёрдам бердилар, дўсти Хусайн Бойқоронинг кўнглини хушнуд қилдилар.

### “Гуруҳлаш”

**Мақсад:** Болаларда нарса–буюмларни гуруҳлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Тарбиячи: Болалар, менинг столимда Қорбобонинг бизни гуруҳимизга совға қилган ўйинчоқлари (совғалар) турибди. Булар кийимлар, идишлар, ўқув қуроллари. Келинлар, бу совғаларни гуруҳларга ажратамиз. Доира бўлиб туриб олинлар. Мен бирор совғанинг номини айтиб коптокни отаман, илиб олган бола мен айтган сўз нимани ифодалашини тез айтиб беради.

Масалан: кўғирчоқ–бу ўйинчоқ;

кўйлакча–кийим;

чойнак–идиш каби.

### “Учади, учмайди”

**Мақсад:** ҳамкорлик, тушунчаларни англаш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи нарса–воқеалар ҳақида тушунчаларни тушунтириб ўтади. Болалар юмолоқ ҳолатда туришади. Тарбиячи “фил”, “қалам”, “олма” деса,

болалар “учмайди” дейишади. Тарбиячи “мусича” деса, болалар “учади” деб қўлларини учиш ҳолатида қимирлатишади. Нотўғри ҳаракат қилган бола ўйиндан чиқади.

### “Сув ва қуруқлик”

**Мақсад:** ҳамкорлик, тушунчаларни англаш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи икки доира расмини чизади, бирини сув, бирини қуруқлик деб айтади. Тарбиячи “балиқ”, “кит” каби сўзларни айтганда, болалар сув доирасига, “туя”, “қуш” каби сўзларни айтганда қуруқлик доирасига кириши керак. Агар бола адашса, ўйиндан чиқади.

### “Қўзиқорин териш”

**Мақсад:** ҳамкорлик, меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиячи олдиндан гуруҳ хонасининг ҳар хил бурчакларига тагликка ўрнатилган арчаларни қўяди, арчалар остига эса қўзиқоринлар қўйилади. Шундан кейин болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир боланинг қўлида савати бор. Болалар ҳар тарафга тарқашиб қўзиқорин теришга тушади. Кейин ҳар бир гуруҳ болалари ўз столларига келади ва қўзиқоринлар саналади. Кўп терган гуруҳ ғолиб бўлади.

### “Улоқлар билан эчки”

**Мақсад:** Айрим элементлардан тўплам тузиш бўйича машқ қилдириш.

Ўйин бошланишига қадар кичкинтойларни “Бўри билан етти улоқ” эртаги билан таништириш, эчки битта, улоқлар эса кўп эканини аниқлаш, ўйинчоқ эчки билан улоқларни кўриш. Шундан кейин болалардан кимдир кўзини беркитади, тарбиячи эса улоқларни ҳар хил жойга яширади. Эчки маърайди: “Ме–е”, бола кўзини очиб, улоқларни қидира бошлайди. Тарбиячи: “Улоқлар шохдор эчкидан яширинишди, қайдасиз улоқчалар, қайдасиз жажживойлар?”. Бола улоқни топиб, бир сўзи билан уни столга қўйиши замонқ эчки яна маърайди: “Ме–е”. Тарбиячи эчки яна битта улоқни қидиришни сўраяпти, дейди. Ўйин ҳамма улоқ топилгунча давом этади.

### “Жажживой”

**Мақсад:** Айрим элементлардан тўплам тузиш бўйича машқ қилдириш.

Битта мушук ва кўп мушукча, битта товук ва кўп жўжа, битта ўрдак ва кўп ўрдакча бўлиши мумкин. Болалардан кимдир кўзини беркитади, тарбиячи эса мушук (жўжа, ўрдак)ларни ҳар хил жойга яширади. Мушук муявлайди: “Мёв”, бола кўзини очиб, мушукчаларни қидира бошлайди. Тарбиячи: “Қайдасиз мушукчалар, қайдасиз жажживойлар?”. Бола мушукчани топиб, бир сўзи билан уни столга қўйиши замонқ мушук яна миёвлайди: “Мёв”. Тарбиячи мушук яна битта мушукчани қидиришни сўраяпти, дейди. Ўйин ҳамма мушукча топилгунча давом этади.



### “Нима қанча туради?”

**Мақсад:** иқтисод ва савдо элементларини машқ қилдириш.

Болаларга чақа–тангалар берилади. Тарбиячи ўз столига ҳар хил буюмларни ёйиб қўяди ва уларнинг баҳосини аниқлаб қўйишни таклиф қилади. “Бу дафтар икки юз сўм, бу қалам юз сўм” ва бошқалар. Болалар тарбиячи билан биргаликда ҳар қайси буюмнинг қанча туришини топадилар, шундан кейин уларни сотиш бошланади. Бир болани сотувчи қилиш ҳам мумкин. Тарбиячи уларни бошқариб туради.

### “Кубчалар”



**Мақсад:** геометрик шаклларни фарқлаш кўникмасини ривожлантириш.

Тарбиячи болаларга геометрик шаклларни таништириб ўтади. Сўнг болаларни икки гуруҳга бўлиб, бир столда геометрик шакллар туради. Иккинчи стол бироз нарига қўйилади. Болаларга тарбиячи “Куб” дейди, биттадан бола бориб биринчи столдан кубни топиб иккинчи столга олиб бориб қўяди. “Айлана” деса, болалар айлана шаклини топиб бориб қўяди. Шундай охиригача давом этади.

### “Рассомга ёрдам беринг”

**Мақсад:** геометрик шаклларни фарқлаш кўникмасини ривожлантириш.

Геометрик шакллар ёрдамида бирор бир ҳайвоннинг расмини чизиш топширилади.



### “Тасвирлаш бўйича чизинг”



**Мақсад:** геометрик шаклларни фарқлаш ва тўғри нутқ кўникмасини ривожлантириш.

Каттароқ уй турибди. Унинг томи учбурчак, жигарранг. Иккита катта деразаси тўртбурчак, яшил рангда. Томда иккита кичик деразачаси бор. Улар сариқ, думолоқ. Уйнинг эшиги квадрат, жигарранг.

### “Ўзга сайёраликлар”

**Мақсад:** геометрик шаклларни фарқлаш кўникмасини ривожлантириш.

Сирли “Юм–юм” планетасида “Поп–поп” деган ўзга сайёраликлар яшайди. Уларнинг барчаси овал шаклда. Уларга қўшни планета “Буч–Буч”да эса “Лоп–лоп” деган қабила яшайди. Уларнинг барчаси тўртбурчак шаклда “Поп–поп” лар юрганда юмалаб юради, “Лоп–лоп”лар эса зўрға сирғалиб юради. Улар бир–бири билан жуда иноқ ва қадрдон яшашади. Уларнинг уйлар, дарахтлари, ҳайвонлари ҳам ўзларига ўхшайдилар.



### “Санаймиз”

**Мақсад:** математик элементларни билиш кўникмасини шакллантириш.

Болалар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга саволлар берилади, болалар жавоб беришлари лозим. Масалан, саватда 7 та помидор бор. Лола битта помидорни биттасини олиб еди. Саватда нечта помидор қолди?

Ўки: Шерзодда 3 та копток бор эди. Ҳилола яна битта келтирди. Жами нечта копток бўлди.

### “Каттами кичик?”

**Мақсад:** предметларни хусусиятини билиш кўникмасини шакллантириш.

Турли предмет, ўйинчоқлар бир столга жойлаштирилади. Тарбияси икки предметни олиб бири катта, бири кичик эканлигини тушунтиради. Сўнг бир предметни юқорига кўтариб “каттами кичик?” деб сўрайди. Болалар жавоб беришади.

“Калтами узун?”, “Семизми ориқ”, “Торми кенг” каби ўйинларни ҳам шу тариқа ташкил этиш мумкин.

### “Қияликдаги шарча”

**Мақсад:** болалар тафаккурини ривожланиш.

Бу ўйини ўтгазиш тартиби унча ката бўлмаган қиялик тайёрлаб, бунинг учун стол текислигига бурчак остида қўйилган ҳар қандай тахташа бўлиши мумкин. Қияликдан стол нарига чизикча тортиб болага унча катта бўлмаган чизикча тортиб, болага унча катта бўлмаган шарча бериб, уни ўз чизик олдида келганда тўхтатадиган қилиб қиядан ғилдиратишни айтдим. Бола бошида буни

уддасидан чиқа олмади, лекин кўзи билан чамалаб, шарчани иложи борича тўғри туширишга ҳаракат қилди.

### **“Мевалар ва барглар”**

**Мақсад:** бир ўсимликка тегишли қисмларни танлаш.

Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдагиларга барг (“шоҳча”лар), иккинчи гуруҳдагиларга мевалар тарқатилади. Мевалар, ўз “шоҳча” ларингизни топинглари!” дейилгандан сўнг, ҳар ким ўз жуфттини қидиради, яъни жуфтдаги икки бола қўлидаги нарсалар бир ўсимликка тегишли бўладиган ҳолда туриб олишлари керак. Ўйин тўғри ёки нотўғри ўйналганда “сеҳрли дарвоза”да текширилади (ўқитувчи жараённи кузатиб боради). Бунда жуфтликлар топшириқни хато бажарган бўлса, “Сеҳрли дарвоза” ёпилади, яъни кўтариб турилган қўллар пастга туширилади. Ўйин такрорланганда, болалар қўлларидаги барглари ва меваларни алмаштирадilar.

### **“Нима қаерда яшайди?”**

**Мақсад:** ўсимликларни гуруҳларга ажратиш кўникмасини шакллантириш.

Керакли нарсалар: тулки, қуён ва олмахон маскаси.

Ўйиннинг бориши: Ўйин саёҳатга чиқилганда олиб борилади. Ўқитувчи ўйин шартини билан таништиради: “Болалар, икки гуруҳга – қуёнларга ва олмахонларга айланамиз, бирингиз тулки бўласиз, олмахон ва қуёнлар яширинишлари учун ўзларига жой топиши керак”. Ўйин вақтида тарбиячи олмахонлар дарахтларга, қуёнлар буталар орасига яширинишларини уқтиради. Ўқитувчи “тулки келяпти” деб овоз берганидан кейин олмахонлар дарахтларга, қуёнлар буталарга қараб югурадilar. Ўйин шартини нотўғри бажарганларни тулки тутиб олади.

### **“Ўз гуруҳингни топ”**

**Мақсад:** предметларни гуруҳларга ажратиш кўникмасини шакллантириш.

Ўқувчиларга букланган рангли қоғозлар тарқатилади. Уларга ҳайвон ва паррандалар номи ёзилган бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларга қоғозда расми берилган ҳайвон ёки парранда қандай товуш чиқарса, улар ҳам шундай товуш чиқариб, ўз гуруҳини топишларини тушунтиради.

1. Мушук (миёв–миёв).
2. Кучук (вов–вов).
3. Хўроз (қу–қу–қу–қу).
4. Сигир (мў–мў).

Гуруҳга бўлиниб олганларидан сўнг, шу гуруҳга тегишли ҳайвон ёки паррандалар ҳақида билганларини сўзлаб берадилар. Бу каби ўйинлар таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига ва болажонларни янада фаолроқ бўлишга ундайди, руҳиятини кўтариб мулоқотга киришувчанлигини оширади. Натижада, кичкинтойларда муваффақиятга, интизомлиликка, тез фикр юритишга, оламни билиш ва ўрганишга кучли интилиш юзага келади.

### “Нарсаларни таққосланг”

**Мақсад:** диққатни ривожлантириш.

Боланинг олдига иккита уйинчоқ қуйилади. Бола аввал улар нимаси билан бир – бирига ўхшашлигини, кейин ўзаро фарқини айтиб бсрнши керак. Масалан. айиқ ва куёнча бир–бирига юмшоқлиги билан ўхшайди, уларнинг қул оёқлари, куз, кулоклари бор. Фарқи шундаки, айиқ–катта, куён–кичкина. Айиқ– жигарранг, куён–оқ ва ҳаказо. Белгиларни болалар билан галма–галдан айтиш мумкин. Шу тарзда ҳар қандай жуфт ўйинчокни таққослаш мумкин. Агар уйинни мураккаблаштирмоқчи бўлсангиз бир–бирига анча ўхшайдиган уйинчокларни таклиф қилишингиз мумкин (2 та машина, 2 та тўп).

### “Ўхшашини топ!”

**Мақсад:** диққатни ривожлантириш.

Болага 4–6 та шарча орасидан сиз тасвирлаганингизни (ранги, катталиги...) ажратиб беришни таклиф қилинг. Бола кизиқиб уйнаши учун у билан галма–гал ўйнашингиз мумкин. Бу ўринда атайлаб хато қилганингиз эса уни ўйинга қизиқтиради. Хато қилганингизни пайқаб, тўғрилагани учун рағбатлантиринг. Уйинни мураккаблаштириш учун фарқлари айтарли сезилмайдиган уйинчоклардан фойдаланиш мумкин. Кубиклар билан тасвирларни ясайсиз ва болалардан қайси тасвир ясалганини сўрайсиз (бунда кубиклар билан яшаш мумкин бўлган тасвирлар расми олдиндан бўлиши лозим).

### “Хатосини топ!”

**Мақсад:** диққатни ривожлантириш.

Аввалдан 5–6 та хатоси бўлган расм чизамиз (уста рассом бўлиш шарт эмас). Масалан, қиш куни ҳовлида уйнаб юрган ўғил болалар енгил кийимида, қиз болалар саватчага гул териб юрган холда, ёки дарахтни ёзги кўриниши тасвирланган бўлиши мумкин. Албатта, сурат мазмуни ва хатолар тушунарли бўлиши лозим. Бунда болалардан расмдаги хатоларни топиш сўралади ва хатони топган рағбатлантирилади. Уйинни мураккаблаштириш учун хатолар сонини купайтириш, уларни болалар учун сезилмайдиган қилиш лозим.

### “Ойна”

**Мақсад:** болаларни катталар ҳатти–ҳаракатини диққат билан кузатиб, уларга тақлид қилиш кўникмасини ривожлантириш.

Болаларга ўз хатти–ҳаракатларинингизга тақлид қилиш таклиф этилади. Сиз бир қўлингизни кўтарасиз –у ҳам, иккала оёғингизни тапирлатасиз – у ҳам ва ҳокозо. Бу ўйинда болаларга аввалига унча мураккаб бўлмаган топшириклар берилади. Бола диққатини бу тарзда ўстиришда эрталабки бадан–тарбия машғулотлари айникса қўл келади.

Бола ҳамма ҳаракатларни мураббий буйруғи асосида бажариши, бир ҳаракатдан иккинчисига тез ўта олиши, сакраш, тўхташ, қадам ташлаш, юришда адашмаслиги лозим.

### **“Кўғирчоқни кийинтираммиз!”**

**Мақсад:** болаларда предметларни таққослаш кўникмасини шакллантириш.

Кичкинтой нарсалар катталиги билан танишишда турли ўлчамдаги бир хил предметларни таққослашдан фойдаланади. Унга 2 та кўғирчоқ (катта ва кичик) ва иккита кийим—кечак тупламини тавсия этинг. Қайси кийим кайси кугирчоққа тегишли эканлигини аниклаш болага хавола этилади. Кугирчоқлар совуққотаётгани, уларни кийинтириш лозимлигини айтинг. Агар бола кийимларни тақсимлашда хато килса, ҳечкиси йўқ. Кийимлар кугирчоққа катта ёки кичик келганини болага курсатинг. Топшириқ туғри бажарилгач, болани рағбатлантириб:—Катта кўғирчоққа катта куйлак кичик кугирчоққа кичик куйлак кийдирдик— деб айтинг.

Топширикни бир оз мураккаблаштириш учун 3 та кўғирчоқ ва улар учун кийим—кечак тайёрлаш кифоя.

### **“Боғични тахла!”**

**Мақсад:** болаларда боғичларни бошлаш кўникмасини шакллантириш.

Болалар билан турли рангдаги боғичларни тахлаш буйича мусобақа уюштириш мумкин. Бу боғичлар устунчаларга маҳкамланади. Агар боғичлар турли узунликда бўлса, уларни тахлашга кетадиган вақт ҳам турлича бўлади. Болалар эътиборини боғичлардан бирини тезроқ тахлаш мумкинлигига қаратинг. Шу билан бирга боғичларни ёзиб, ёнма—ён кўйиб кўйинг, боланинг ўзи боғичларнинг бири калтароқ эканлигини пайқасин. Шунда у тезроқ тахлаб улгуриш учун қисқароқ боғични танлашга ҳаракат қилади.

### **“Ҳосил йиғиштириб олиш”**

**Мақсад:** болаларда предметларни таққослаш кўникмасини шакллантириш.

Олма меваларини (ўрнини турли ўлчамдаги тугмалар ҳам босиши мумкин) турли катталиқдаги саватчаларга солиш лозим. Майдароқ меваларни кичикроқ саватчага, йирик меваларни катта саватга солишни таклиф килинг, кейин уларни санаш мумкин.

### **“Минора қураммиз”**

**Мақсад:** болаларда предметларни таққослаш кўникмасини шакллантириш ва болаларнинг диққат, идрокнинг ижобий хусусиятларини ривожланиши.

Турли ўлчамдаги кублар бўлса, болалар билан қуйидаги ўйинни ўтказинг. Шундай қилингики, болалар ўзи қураётган минораси мустаҳкам, пишик бўлиши учун пастки ғишти йирик бўлиши шартлигини тушунсин. Минора баландлашган сари ғиштчалари ҳам майдалашиб бориши лозимлигини англаган бола ўз минорасини айнан шундай қуради. Болага минора қуриш жараёнида ҳар сафар ғиштчаларнинг энг йиригини олишни ўргатинг. Уларни таққослаш учун бир—бирига кўйиб кўриш керак. Минорани хақиқий ғиштча—кублардан қуриб бўлгач, картон ғиштлардан ҳам шу тартибда ясашга ўтиш мумкин. Агар болага кўғирчоқ бериб, у минорагача ёки зинапояга қандай қилиб кўтарила олишини кўрсатсангиз, боланинг қизиқишини янада орттирган бўласиз. Ундан ташқари бола шаклларни кетма—кет жойлаштириш мохиятини ҳам англаб олади. Шу

ёшдаги болаларга тавсия этадиган уйинларимиз болаларнинг турли предметлар билан бажарадиган фаолиятига асосланиб тузилган.

### “Дўкон”

**Мақсад:** болалар хотирасини ўстириш.

Сиз уни «Дўконга» юбориб, олиб келиши лозим бўлган нарсаларни эслаб қолишни таклиф этинг. Аввалига 1–2 та нарсадан бошланг. Аста–секин 4–5 тагача кўпайтиринг. Бу уйинда ролларни алмаштириб туриш фойдалидир. Бир сафар сиз уни дўконга юборинг. Келаси сафар у сизга топшириқ берсин, сиз дўконга бориб келинг. Дўконлар ҳам турлича: «Нон», «Сут», «Ўйинчоқлар» дўкони бўлиши мумкин.

### “Нақшни эслаб қол”

**Мақсад:** чизиш кўникмасини шакллантириш.

Сиз оддий расмни ёки нақшни чизишингиз мумкин. Нақшни бола 1—2 минут кўздан кечиришига шароит яратинг. Сўнг уни худди шу тарзда хотирада такрорлаб чизиб беришни сўранг.

Қурилиш материалларидан оддий қурилмалар яшани таклиф этиш мумкин. Масалан, мана бу қурилмалардан бирини бажарасиз:

1–2 минутдан сўнг бола бу шаклларни (Сиз қурилмани йиғиштириб ёки қоғоз билан ёпинг қуйинг) ўз кубикларидан қайта ясаб бериши лозим. Бу топшириқдарни ўзгартириб ёки қайта–қайта ўтказиб туриш мумкин.

### “Жавонча”

**Мақсад:** кўриш хотирасини ривожлантириш.

Бир неча гугурт қутичаларини бир–бирига ёпиштирсангиз тортмали (шкафча) жавонча ҳосил бўлади. Боланинг кўз ўнгида тортмалардан бирига бирор кичкина ўйинчоқни яширинг. Жавонни бир неча дақиқага олиб қўйиб, бироздан сўнг болага бояги ўйинчоқни излаб топишга рухсат беринг. Қутичалар сони, ўрнини ўзгартириб, яшириладиган ўйинчоқлар сонини кўпайтириб, ўйинни мураккаблаштириш мумкин.

### “Қияликдаги шарча”

**Мақсад:** болалар тафаккурини ўстириш.

Унча катта бўлмаган қиялик тайёрланг, бунинг учун стол текислигига бурчак остида қўйилган ҳар қандай тахтача бўлиши мумкин. Қияликдан сал нарида чизиқ тортилади. Болага унча катта бўлмаган шарча бериб, уни бояги чизиқ олдида келганда тўхтайдиган қилиб, қиядан ғилдиратишни таклиф қилинг. Табиийки, бола бошида бунинг уддасидан чиқа олмайди, лекин чизиққача масофани кўз билан чамалаб, шарчани иложи борича тўғри туширишга ҳаракат қилади. Ўйинни мусобақа тарзида ҳам уюштириш мумкин.

Айнан шу топшириқни бир мунча каттароқ ёшдаги болаларга бериш учун уни бир оз мураккаблаштириш лозим. Шар йўлига таёкча қўйиш, дарвоза ўрнатиш мумкин. Бола шарни дарвозага киритиши лозим.

### “Ўйинчокни тузат”

**Мақсад:** болалар тафаккурини ўстириш.

Бу ўйинни ўтказиш учун болага бирор ўйинчоқ бериб, уни маълум муддат (бир неча кун) ўйнаб туришига шароит яратинг. Ўйин жараёнида бола ўйинчоқнинг тузилиши билан танишади. (Масалан: машина; велосипеди ва бошқа). Сўнг, болага сездирмай, машина ғилдирагига резина қоплаб қўйинг, шунда машина юрмай қолади. Бола бу камчиликни бартараф этиш учун кўп вақт сарфлайди, ҳаракат килади.

Камчиликлар сонини бир ўйинчоқда 3 тагача етказиш мумкин. Уйин турли ўйинчоқлар билан ўтказилади.

### “Шаҳар бўйлаб сайр”

**Мақсад:** болалар тафаккурини ўстириш.

Ўйин учун суратлар тўплами керак бўлади. Суратларда: қайчи, тароқ, нон, игна ва ип, автомобил, хат, дорили идиш, сутли идиш ва ҳоказолар. Болага қуйидагича воқеани айтиб беринг.

Сен нотаниш шаҳарга бориб қолдинг, у ердагиларнинг тилини билмайсан. Бунинг устига чарчагансан, қорнинг оч. Шаҳарда турли дўконлар, устахона, дорихона, кутубхоналар кўп. Лекин уларнинг қаерда жойлашганини қандай билиш мумкин. Болага биринчи суратни кўрсатиб, унда нима тасвирланганини таҳлил қилинг. Биринчи суратда сутли идиш тасвирланган, у нимани ифодалаш мумкин—сўраб кўринг. Агар тополмаса, айтиб беринг. Бола билан бир оз шу тариқа уйнагач, ўйин мазмунини ўзгартиринг: дорихона қаердалигини қандай кўрсатиш мумкин? Шу яқин орада мактаб борлигини ёки касалхона ва ошхона қаердалигини топишга қайси кўрсаткич ёрдам беради? Каби саволлар билан болани фаоллаштиринг. Шаҳардаги барча кўрсаткичлар билан танишиб чиқилгач, янги кўрсаткичларни тайёрланг. Ўйин шу тариқа давом этади.

### “Мен кимман”

**Мақсад:** болаларда ижодкорлик қобилиятини ўстириш.

Унинг учун махсус жой зарур эмас. «Мен кимман?» – деб боладан сўрайсиз ва бирор нарсани (поезд, машина, чойнак, самолёт, сотувчи, врач, ит, мушук.) ҳаракат, юз ифодаси, овоз билан тасвирлайсиз. Бола ўйин қондасини тушуниб олгач, галма–галдан топишга ўтишингиз мумкин. «Мен кимман?» ўйинини турли кўринишларда ташкил этинг. Уни турли ёш гуруҳидаги болаларга мослаб мураккаблаштириш мумкин.

### “Қайси катта, қайси кичик”

**Мақсад:** болаларда таққослаш кўникмаларини шакллантириш.

Ўйинда бир неча киши иштирок этиши мумкин. Унда болалар антоним сўзлар билан танишадилар. Баланд–паст. Болалар доира ҳосил қилиб юришади. Бошқарувчи айтади: Хозир биз дарвозадан ўтамиз. Агар мен «дарвоза —баланд» десам, туғри ўтиб кетаверасизлар. «Дарвоза паст» десам, энгашиб ўтасиз. Ким вақтида эгилмаса, уйиндан чиқади.

Оғир—енгил. Ўйиннинг ҳар бир иштирокчисига халтача ёки сумка берилади. Болаларга айтилади: — Сиз сумка кўтариб кетяпсиз. Сумка оғир ёки енгил бўлиши мумкин. Енгил сумка қандай кўтарилади? Болалар кўрсатиб беришади. Энди оғир сумканинг қандай кўтарилишини кўрсатинг. Энди диққат қилинг. Мен сизнинг сумкангиз «оғир» ёки «енгил» лигини айтаман, Сиз уни қандай кўтаришни кўрсатинг.

### “Мевалар фазилати”

**Мақсад:** болаларда меваларни таққослаш, уларнинг фойдали томонларни билиш кўникмаларини ривожлантириш.

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар топишмоқ жавобини топадилар.

– Тўни силлиқ, туки йўқ,  
Ҳаммаси тўқ, нўки йўқ,  
Ичи қизил, кўки йўқ,  
Уни чўқолмас чумчуқ,  
Бу нима, қизим Қундуз?  
– Буми, дадавой? Тарвуз.

– Малла тукли, сап–сарик,  
Мураббоси мазалик.  
Паловга босса бўлар,  
Подвалга осса бўлар.  
Тишлаб кўриб, айт, Меҳри,  
– Буми дадавой? Беҳи.

– Маржон–маржон юмалоқ,  
Япроқлари шапалоқ,  
Қора, қизил, сарик, оқ,  
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.  
Сен айт, Мамлакат қизим  
– Буми дадавой? Узум.

– Майда ёқутдай қизил,  
Ширин, нордон, хилма–хил,  
Қалин, тахир нўсти бор,  
Ҳамма ерда дўсти бор,  
Сен айт–чи, қизим Гулнор.  
– Буми, дадавой? Анор!

(Ғафур Ғулом).

### “Қўнғизлар ва чивинлар”

**Мақсад:** предметларни гуруҳларга ажратиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи: икки гуруҳга бўлинамиз. Биринчи гуруҳ болалари чивинлар бўлишади, иккинчи гуруҳ болалари қўнғизлар бўлишади. Қачон мен: “Чивинлар учиб кетишди” деб айтсам, чивинлар хона бўйлаб учадилар ва “ззз...” деб айтишади. Қачон мен: “Қўнғизлар учиб келишди” деб айтсам, чивинлар ўз жойига югуриб кетишади ва қўнғизлар “жжж...” деб хона бўйлаб учадилар.

### “Самолёт”

**Мақсад:** предметларни гуруҳларга ажратиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи: биз ҳозир самолёт ўйинини ўйнаймиз. Ҳаммамиз самолётнинг моторини “РРР”деб юргазамиз. Болалар “РРР”деб талаффуз этадилар, қўллари билан моторнинг ҳаракатини кўрсатадилар ва хона бўйлаб югурадилар. Моторни юргаздик ва самалёт баланд–баланд учиб кетди. У бизга кўринмайди. Фақат “ЛЛЛ”деб гувиллаши эшитилади. Болалар “ЛЛЛ”деб талаффуз этадилар.



## “Ўйинчоқлар”

**Мақсад:** предметларни гуруҳларга ажратиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи: “Болажонлар, қаранглар, бизнинг гуруҳимизда ўйинчоқлар, жуда кўп. Улар ҳар хил. Санжар, сизнинг ёқтирган ўйинчоғингиз қайси? Бизга кўрсатинг?” (Санжар машинани кўрсатади).

Санжар, Сиз бу ўйинчоқ ҳақида гапириб беринг. Унинг номи нима? Нималари бор? Нимадан ясалган? Машина яхшими, ёмонми? Сабабини тушинтиринг. У билан қандай ўйнаш мумкин? (Болалар сўзлайдилар. Шу тариқа бошқа ўйинчоқлар ҳам кўриб чиқилади ва 3–4 боладан сўралади).

Тарбиячи: Энди уйингиздаги ёқтирган ўйинчоғингиз ҳақида гапириб беринг. Ёқтирган ўйинчоғингиз ҳақида шундай гапириб беришингиз керакки, ўйинчоғингизни кўрмаган болалар ўйинчоғингизни кўргандек бўлишлари, у билан қандай ўйнаш кераклигини тушуниб олишлари керак (Агар болалар таърифлашда қийналсалар, тарбиячи намуна беради. Ўйинчоқни кўрсатиб, таърифлаб беради).

## “Гулдаста”

**Мақсад:** предметларни гуруҳларга ажратиш кўникмасини шакллантириш.

Болалар давра бўлиб ўтирадилар. Тарбиячи болаларга 4–5 та гулнинг номини (атиргул, райҳон, чиннигул, настарин) навбат билан айтишни ва айтган гулини номини эслаб қолишлари лозимлигини айтади. 1–бола атиргул, 2–бола райҳон, 3–бола чиннигул, 4–бола настарин, 5–бола яна атиргул, 6–бола райҳон... шу тариқа болалар сонига қараб ҳар бир гулнинг номини 4–5 та бола олади. Ҳамма болалар гул номини олиб бўлганларидан кейин ўйин бошланади. Тарбиячи гул номларидан бирини айтади, масалан атиргул. Атиргул номли болалар ўринларидан туриб тезликда бир–бирларининг жойларига ўтириб олишлари керак. Тарбиячи ҳам турганларнинг бирортасининг жойига ўтириб олиши керак. Ўтиролмайд қолган бола тарбиячининг ўрнига бошловчилик қилади. Бу жараён такрорланиб боради. Кимдир “гулдаста” деб айтса ҳамма болалар ўринларидан туришлари ва жойларини алмаштиришлари керак.

### 1.4. Ҳаракатли ўйинлар

Маълумки, ҳар бир халқ бой ўйин заҳираларига эга. Ўзбек халқи ҳам бундан мустасно эмас. Халқ бағрида минглаб, ҳаммага маълум ўйинлар билан бир қаторда, айрим минтақаларга хос ўйинлар ҳам бўлган. Баъзан бир қишлоқ ўйинлари кўшни қишлоқ ўйинларидан фарқ қилган. Булардан ташқари ўзбек халқининг анъаналари орасида турли ёшдагилар, турли жинсдагилар, йил фасллари, шаҳар ва қишлоқларга хос ўйинлар тизими ҳам бўлган.

Ўзбек халқ ўйинлари орасида бошқотирма, сўз, қўшиқ, рақс ўйинлари, воқеабанд, ҳаракатли ўйин, завқ–шавқли қимор ўйинларининг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Хуллас, халқ ҳаётида минглаб ўйин турлари мавжуд бўлган.

Миллий ҳаракатли ўйинлар болаларнинг қизиқишини оширади, уларга завқ бағишлайди, иш қобилиятларининг тезроқ тикланишини таъминлайди.

Ўйин туфайли чарчашни унутадилар, машқларни диққат билан бажариладилар. Ҳамма ўйинлар болаларнинг организмларига комплекс таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўйинларга умумий жисмоний таъсир кўрсатувчи машқ сифатида қараш лозим.

Миллий ҳаракатли ўйинлар болада қуйидаги қобилиятларни тарбиялайди:

*Тезкорликни тарбиялаш.* Сигналга биноан тезликда жавоб берилишини муайян вақт бирлиги ичида кўп ҳаракатлар бажарилишини ҳамда бутун тана ёки унинг бир қисмини фазода тезлик билан ҳаракат қилишини талаб қиладиган ўйинлар болаларда тезкорлик сифатини ривожлантиради. Тезкорликни тарбиялаш учун машқлар максимал суръатда бажарилиши лозим. Шунинг учун ҳам икки томоннинг актив мусобақалашшига олиб келадиган ўйинлар ўтгазилгани маъқул. Ҳаракатдаги объектга нисбатан бўлган реакцияни тарбияловчи ўйинлар бу ўринда яхши натижа беради. Тезкорликни тарбиялаш учун қуйидаги ўйинлар тавсия этилади: «Рақамларни чақириш», «Ҳужум», «Овчилар ва ўрдаклар», «Тўп учун кураш» ва бошқалар.

*Чаққонликни тарбиялаш.* Аксар ўйинларда ниҳоятда жадал бажариладиган машқлар туфайли тезкорлик ва чидамлик сифатлари тарбияланади. Бундай ўйинларда нагрузкалар ҳам аста–секин ошириб борилади. Чунончи: майдонни катталаштириш; майдонни кичрайтирмай туриб ўйинчиларнинг сонини камайтириш; спорт жиҳозлари сонини кўпайтириш; югуриш масофасини узайтириш; тўсиқлар сонини ошириш, мураккаб машқларни қўллаш ва уларнинг сонини кўпайтириш ва ҳоказо.

*Эгилувчанликни тарбиялаш.* Бунда айрим мушак группалари ва бўғинларига таъсир кўрсатувчи ўйинлар танлаб олинади. Бу ўйинлар, асосан, махсус спорт жиҳозлари ёрдамида ўтказилади. Оғирликлар ўрнида шуғулланувчиларнинг ўзлари ҳам қатнашиши мумкин. Актив эгилувчанлик мушакларнинг кучига боғлиқ. Мушакларнинг чўзилувчанлик хусусиятлари эса марказий нерв системасининг таъсирида ўзгаради. Шунинг учун ўйинларда завқ–шавқ билан қатнашилганда эгилувчанлик юқори бўлади. Эгилувчанликни талаб қиладиган ўйинлардан олдин тегишли машқлар бажарилиши лозим.

Бироқ, илмий адабиётларда ҳанузгача қабул қилинган умумий таснифни топиш қийин. Шундай бўлса–да, биз ўйинлар ва уларга хос айрим анъаналарни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганамиз.

**Табиий–мавсумий ўйинлар.** Табиатдаги ўзгаришлар, йил фасллари асосида вужудга келган. Шу сабабли доимий ўтказиладиган ўйинлар билан бирга ҳар–бир фасл ўйинлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар куртак чиқарганда – “Тол баргак”, дала гуллари очилганда – “Гулўйин”, табиат билан инсон руҳияти уйғонганда ўзига хос кўшиқли–рақсли, тез ҳаракатли “Ёмғир ёғолоқ”, “Оқ теракми – кўк терак” каби ўйинларга эҳтиёж туғилган. Ёзда эса салқин жойларда, дарахтлар сояларида, сой ва ариқ бўйларида кам ҳаракат қилинадиган ўйинлар ўйналган. Айниқса, сувда чўмилиш вақтида “Сувда қувлашиш” (Қувлашмачоқ), “Тез сузиш”, “Сув остида сузиш” каби ўйинлар авжга чиққан.

Ёз охири, куз боши – пишиқчилик, тўқчилик вақтида данак, ёнғоқ ўйинлари, арғимчоқ учишлар севилиб ўйналган. Кеч куз – қишда ёғингарчилик

бошланиб, ер юмшаганда қозик, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган. Қор ёққанда “Қор хат”, “Қор бўрон”, ёмғир ёққанда “Ёмғир ёғолоқ”, кучли шамол эганда “Бўрон–бўрон” кабиларни ўйнаш анъаналари бўлган. Совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб: “Топишмоқ топ”, “Тез айт”, “Ким айтди”, “Оёғингни торт” каби ўйинлар ўйналган.

**Турли ёшларга хос ўйинлар.** Маълумки, ўйин инсоннинг шаклланишида ва айниқса, ёш боланинг ривожланишида ўта муҳим ўрин тутди. Ўйинга эҳтиёж ва қизиқиш бола табиатида бор. Боланинг биринчи “фаолияти” ўйин билан бошланади. Бола ҳаётни аввалига ўйин орқали ўрганади, ҳис қилади, тушунишга ҳаракат қилади, ўйин ёрдамида катта ҳаётга тайёргарлик кўради.

Ҳар бир ёшга хос ўйинлар бор. Турли ёшларга оид феъл–атвор, фазилатлар ўйин шакли ва мазмунини белгилаб беради. Масалан, чақалоқ йиғламаслиги учун унга овунчоқ беришади ва уни овутадиган ўйинларга жалб этишади. Ундан сўнг бола гўдак даврида–манипуляцияли (ўйинчоқ–қўғирчоқ) ўйинларни хуш кўрадиган бўлиб қолади. Ундан сўнг болалар тақлид қилиш ва сюжетли ўйинларга, яъни “Уй–уй”, “Она бола”, “Қўшни–қўшни”, “Ов–ов”, “Иш–иш” каби ўйинларга талабгор бўлишади. Шу ёшдаги қизлар орасида, айниқса, “Хола–хола”, “Бола боқиш”, “Овқат пишириш”; ўғил болалар ўртасида “Овга чиқиш”, “Меҳнат қилиш”, “Уруш–уруш” ва ҳоказолар ривожланган. Бу ўйинлар болаларга ҳаётини машқ вазифасини ўтаган.

**Ўғил ва қиз болалар ўйинлари.** Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда ўғил болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эркак ва аёллар ўйинлари бўлган.

Ўғил ва қиз болаларга хос инстинкт 2–3 ёшдан намоён бўла бошлайди. Масалан, ёш қизчаларда қўғирчоқ ўйинига мойиллик сезилса, ўғил болалар эса иш ва уруш қуролларига ўхшаш ўйинчоқлар танлаб ўйнашади. Ёш болаларнинг умумий ўйинлари бўлса–да, тахминан 13 ёшдан сўнг қизлар ва йигитлар алоҳида ўйнашади.

Натижада йигитларнинг “Подачи”, “Чавандоз”, “Чўнка шувок”, “Оқ суяк”, “Оқ таёқ”, “Бўрон жинни”, “Кўрпа ёпинди”, “Тева кураш”, “Елкада кураш”, “Қирқ тош”, “Соққа”, “Қулоқ чўзма” каби ўйинлари шаклланган.

Қизлар эса “Дурра”, “Чори–чанбар”, “Тортишмачоқ”, “Болқон–болқон”, “Анақай”, “Бакки (Чекимотош, Тўппа тош)”, “Ғоз–ғоз” каби ўйинлар ўйнашган.

**Воқеабанд ўйинлар.** Театрлаштирилган (сюжетли) ўйинлар тарихий, воқеаларни ҳаётнинг таъсирли, қизиқарли дақиқаларини бадиий ижодий ифодалайди. Бундай ўйинларга “Подшо вазир”, “Ов ўйин”, “Уруш ўйин”, “Асир олиш”, “Эчки–чўпон”, “Бўри ва қўйлар” ва бошқалар мисол бўла олади.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Эпчиллик, чаққонлик, кўпчилик мусобақаси сифатида бир неча томонлар ўртасида ўтказилади. Буларга мисол қилиб, “Тева кураш”, “Кўриқчи”, “Айланиб теп”, “Қирқ тош”, “Чунка шувок”, “Чиркаш” (ёки “Чири кас”) кабиларни кўрсатиш мумкин.

**Ҳаракатли ўйинларни тўртга бўлиш мумкин:**

**1.Бир кишилик ўйинлар** (масалан, “Қозик ўйин”, “Сакра” кабилар). Улар инсоннинг хусусий, жисмоний фазилатларини тараққийэттиришга кўмак берган.

**2. Икки кишилик ўйинлар** (масалан, “Кураш–олишув”, “Ағдариш”, “Шахмат” кабилар). Улар яккама–якка курашиш, мақсадга эришиш, ғалаба қозонишга интилиш ҳисларини шакллантирган.

**3. Гуруҳ, жамоа бўлиб, ўйналадиган ўйинлар** (масалан, “Айланма дарра”, “Сичқон–мушук”, “Чўпон ўйини” кабилар). Улар иноқлик, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик каби ҳислатларни вужудга келтиришга хизмат қилади.

**4. Тарафма–тарарф (команда–команда) бўлиб, ўтадиган ўйинлар** (масалан, “Оқ теракми–кўк терак”, “Ботмон–ботмон” кабилар). Бу ўйинлар рақибга қарши ҳалол курашиш ва жамоа аъзоларини ҳурмат қилиш, мақсадга ҳамжиҳат бўлиб, эришиш каби фазилатларни тарбиялаган.

**Турли воситали ўйинлар.** Бу ўйинларни иккига бўлиш мумкин: моддий воситалар (овунчок, кўғирчок, ўйинчок ҳамда таёк, тош, тўп, ёнғоқ кабилар) ёрдамида бажариладиган ўйинлар; маънавий, бадий–ифодали воситалар (фикр, сўз, кўшиқ, рақс, театр кабилар) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар.

Моддий воситалар билан бажариладиган ўйинларда тўп, тош, таёк, суяк (ошиқ), арқон, белбоғ кабилардан фойдаланилади. Кўпинча фойдаланиладиган восита ўйин номини белгилаган. Тўп ёрдамида “Пода тўп”, “Қочар тўп”, “Тўп девор”, “Штанба”, “Тўп ўйин” каби, тош ёрдамида “Чекимотош”, “Бекки”, “Уч тош”, “Беш тош”, “Қирқ тош”, “Юз тош”, “Лаппар” каби, таёк ёрдамида “Чиллак”, “Дастак”, “Қадама таёк” каби, ёнғоқ ёрдамида “Тоқми–жуфт”, “Дулки” каби, суяк ёрдамида “Оқ суяк”, “Ошиқ ўйин” каби, арқон ёрдамида “Арқон тортиш”, белбоғ ёрдамида “Белбоғ тортиш”, “Белбоғ устида кураш” каби ўйинлар ўйналган.

Ўйин қуролларини (атрибутиларини) тайёрлаш – болаларнинг ўсиб–улғайиши учун ҳам муҳим бўлган, у меҳнат ва маҳоратни талаб қилган. Масалан, тўпни–мол жунидан, чиллик, ёғоч от кабиларни дарахт новдасидан тайёрлаш жараёни болаларда меҳнатсеварликни ривожлантирган. Болалар ўртасида ўйин қуролларини тайёрлаш бўйича норасмий мусобақалар ҳам вужудга келган.

Маънавий, бадий, ифодали ўйинларда номоддий воситалардан фойдаланилган. Масалан, агар ўйин ақли, бош қотиришни тақозо этса, “Бошқотирма ўйин”; агар ўйинда асосий восита сўз бўлса, “Сўз ўйинлари”; агар ўйин ҳаётий ҳодисалар, воқеалар, сюжет, образ орқали ифодаланган бўлса, уларни – «Воқеабанд» (театрлаштирилган) ўйинлар; агар ўйинда кўшиқ асосий восита бўлса, уларни “Кўшиқли ўйинлар” деб аташ мумкин.

Асосий восита ўйин мазмуни, характери, шакли, кўпинча тури ва номини белгилаб беради. Шу сабабли ифодали, воситали ўйинлар ичида сўзли, кўшиқли, баҳсли, воқеабанд (театрлашган) ўйинлар алоҳида ўрин тутади.

**1. Бошқотирма ўйинлар.** Бу ўйинларга ақлий салоҳият керак бўлади, улар болаларнинг ақлини ишга солишга. Ўстиришга, мантиқли ва тез фикр қилишга, фаросатли, топқир бўлишга хизмат қилади. Масалан, “Тахтда жанг”, “Чизиқ ўйин”, “Шахмат”, “Топқир” каби ўйинларни бош қотирмасдан ўйнаб бўлмайди.

**2. Сўз ўйинлари.** Асосан, оғзаки нутқдан ташкил топиб, уларга “Тез айтиш”, “Топишмоқ топ”, “Қирқ ёлғон”, “Баҳру байт”, “Гулдир гуп” кабилар

киради. Бундай ўйинларда ақлий фаолият асосий ўрин тутгани учун, уларни баъзида “ақлий ўйинлар” ҳам дейишади.

**3. Кўшиқли ўйинлар.** Куй ва ашула, айтишув асосида вужудга келиб, уларга “Як–як”, “Ум–уфу”, “Бўшама”, “Кичкина”, “Юрмана–юрман”, “Сидирча”, “Ёзи–кал”, “Ботмон–ботмон”, “Оқ теракми–кўк терак” кабилар киради.

**4. Рақсли ўйинлар.** Асосан, рақсли ёки пантомимали ҳаракатлар асосида ижро этилиб, уларга “Бешқарсак”, “Чўпон ўйин”, “Хўш–хўш”, “Лака–лак” ва бошқалар киради. Шуни таъкидлаш керакки, воситали ўйинлар кўпинча соф ҳолда учрамайди, улар бошқа ўйинлар билан аралаш ҳолда, яъни турли ёшлилар, турли жинсдаги кишилар орасида йилнинг турли даврларида ҳам ўйналади.

Хуллас, халқ ҳаётида минглаб ранг–баранг ўйинлар мавжуд бўлиб, улар минг йилликлар ичида бойиб борган ва аجدодларимизнинг маънавий ва жисмоний ҳаётида муҳим ўрин тутган. Кўп асрлар давомида халқ ўйинлари авлодларни тарбиялашда “хаёт мактаби” вазифасини ўтаган. Улар аجدодларимизни ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишида муҳим ўрин тутиб келган.

Ўйинлар болалар учун “Ҳаётга тайёрланиш мактаби” бўлиб, уларни жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қилади. Ўйин бола онги, тафаккурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлайди, жисмоний, руҳий, ҳиссий (эмоционал) тараққий эттиришга хизмат қилади. Шунингдек, ўйин болани катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётга дуч келинадиган турли ҳолатларга маънавий тайёрлайди. “Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади” ёки “Боланинг ўйиндаги ҳаракатига қараб, уни қандай одам бўлишини айтиш мумкин”, деган нақллар бекорга айтилмаган. Қисқа қилиб айтганда, ўйин болаларда ижодий фаоллик, ташаббускорлик, ташкилотчилик ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўйинлар туфайли болаларда уларни ўраб турган дунёни тушуниш ва унга таъсир қилиш эҳтиёжи шаклланади, ақлий, ахлоқий, иродавий ва жисмоний сифатлари шаклланади, бир сўз билан айтганда, ўйин ёрдамида инсон тарбияланади, шахс шаклланади.

### **“Қўлларимиз чакқон”**

**Мақсад:** Болаларда эшитиш, қўл ва оёқ ҳаракатларини ривожлантириш.

Эшитиш диққати ва жисмоний ҳаракатларини ривожлантириш мақсадида ҳам шеър, ҳам ҳаракатлар болалар томонидан бажарилади. Тарбиячи қуйидагича шеър ўқиши мумкин:

Оёғимиз тақ– тақ – тақ,

Қўлимиз чапак – чапак.

Бошимиз сарак – сарак

Қўлимизни кўтардик,

Секингина туширдик.

Энди эҳтиёт бўлиб,

Жойимизда айландик.

Қўлни ёнга туширдик,  
Доира бўйлаб югурдик.

Бу ҳаракатли ўйин орқали болалар чаққонлик, чидамлилиқ ва эгилувчанлик малакасига эга бўлишади.

Қўл бармоқчалари моторикасининг ривожланиши куйидаги ҳолатларни юзага келтиради:

- Тафаккурнинг ривожланиш;
- Ҳаракат координациясининг ривожланиши;
- Хотира ва диққатнинг ривожланиши;
- Ёзиш кўникмаларининг шаклланиши;
- Нутқнинг ривожланиши.

### “Қувноқ тилча” ҳақида эртак

**Мақсад:** Болаларда оғиз, лаблар, тил моторикасини ривожлантириш.

Болаларда оғиз, лаблар, тил моторикасини ривожлантириш мақсадида оғиз, лаб ва тилни ҳаракатга келтирадиган ўйин.

Тарбиячи куйидагиларни айтади, болалар бажаришади:

Бир бор экан, бир йўқ экан. Битта тилча бор экан. Унинг яшаш уйчаси бир ажойиб ғор экан. Қани, болажонлар, а–а–а–а деб ғорнинг эшигин очамиз. Тилча ўнгга, тилча чапга, тилча юқори пастга... тилча чапга, тилча ўнгга, тилча паст–у юқорига.... Тилча ғордан чиқди, тилча ғорга кирди (Болалар тилини иложи борица чиқаришади, кейин ичкарига тортади). Ғордан ў–ў–ў–ў деган овоз чиқди, кейин э–э–э–э деган овоз чиқди.

### “Бўри ва эчкилар”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва оёқ моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи: болалар сиз “эчкилар” бўласизлар. Эчкилар ўтлоқда сакраб–сакраб ўтлаб юришади. Бир бола “бўри” бўлади. Қачон мен: “Эчкилар ўтлоқда юришибди” деб айтсам, эчкилар хона бўйлаб сакраб юрадилар ва “мэ–мэ...” деб айтишади. Қачон мен: “Бўри” деб айтсам, эчкилар ўз жойига югуриб кетишади. Бўри уларни тутишга ҳаракат қилади, ўйинда шу сўзлардан фойдаланилса бўлади.

Эчкилар сакраб юрар  
Кўм–кўк майса ўтлоқда  
Қўрқувдан жони ҳалак  
Назар солар атрофга

Матндаги сўзларга қараб болалар ҳаракат қилишади. Шундан сўнг бўри эчкиларни қувлаб кетади. Ушланган бола бўри ролини ижро этади.

### “Шохдор эчки”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва бармоқ моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи болалар билан бармоқлар машқини ўтказди. Бунинг учун болалар икки гуруҳга бўлиниб турадилар, тарбиячи шеърни ўқиб туради ва болалар ҳаракатни бажарадилар. Тарбиячи куйидаги шеърни ўқийди, болалар бажаришади.

Шоҳдор эчки келмоқда,  
 Болаларни кўрмоқчи.  
 Ким ичмаса сутини,  
 Ким емаса ошини,  
 Сузиб олади уни.



Қўлнинг кўрсаткич бармоғи ва жимжилоғидан бошқалари букилган. Бу "эчки". "Сузиб олади уни" қатори айтилганда, болалар бир– бирларига қараб бармоқларини қимирлатадилар.

### “Тоза ҳаво”

**Мақсад:** Болаларда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

**Тарбиячи:** Ҳозир ўлкамизда қандай фасл? Куз фаслида табиатда қандай ўзгаришлар юз беради? Келинглр, сиз билан ҳовлига айланишга чиқамиз.

Болажонлар, қаранг ҳаво қандай тоза экан. Мана шу ҳаводан тўйиб–тўйиб нафас оламиз. Нафасни айтилган тартибда олинади:

Бурнимиздан чуқур нафас оламиз, оғзимиздан чиқарамиз (3–4марта) такрорланади. Нафас олганимизда бурнимиз ўпкамиз, оғзимиз иштирок этади. Аниқ кўрсатган ҳолатда. Ана энди нафас олиб қуйидаги сўзларни талаффуз қиламиз:

Ҳаво тоза, тоза ҳаво

Ҳаво жуда тозадир.

Келинг, азиз болажонлар

Тоза ҳаво оламиз.

(Болаларнинг нафас олиб, чиқаришларини назорат қилинади).

Энди қўлларимизни тепага кўтариб нафас оламиз, қўлларимизни тушуриб нафас чиқарамиз.

### “Учиш”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва оёқ моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи	Болалар ҳаракатлари
Баланд – баланд	Қўлларни «қанот» қилиб
Учамиз – учамиз,	ҳаракатлантиришади.
Чарчаш нима	Қўлларни олдинга узатиб, «қайчи»
Билмаймиз – билмаймиз.	ҳаракатини бажаришади.
Ўтириб дам оламиз,	Бир тиззага чўккалаб ўтириб туриш.
Яна учиб кетамиз.	Қўлларни «қанот» қилиб
	ҳаракатлантиришади.

### “Ширин мураббо”

**Мақсад:** тилнинг кенг қисмини юқорига ҳаракат қилдиришга ўргатиш.

Тарбиячи: Болажонлар, мураббони яхши кўрасизларми?

Болалар: Ҳа.

Тарбиячи: Қандай мураббони?

Болалар: олмали, кулупнайли.....

Тарбиячи: Келинглар, маза қилиб кулупнайли мураббо еймиз. Мана бундай қилиб...

Болалар оғизни бир оз енгил очиб, тилнинг олдинги кенг қирраси билан юқориги лабни ялашади. Тил билан лабни ялаш ҳаракати бир томондан иккинчи томонга қараб эмас, балки юқоридан (юқори лабнинг ўнг томонидан чап томонга айлана шаклида ҳаракат қилдириш) пастга қараб бажарилиши керак.

### “Найча”

**Мақсади:** лабни олдинга томон ҳаракат қилишини ҳосил қилиш.

Болалар лабларни юмган ҳолда найчага ўхшатиб олдинга чўзишади. Шундай ҳолатда 1 дан 5 гача ёки 10 гача санаб туришади. Бу ҳаракатни бажаришда қуйидагиларга аҳамият бериши керак:

Лабни олдинга чўзганда оғиз очилмасин, тишлар жипслашган бўлиши керак. Агар бола лабларини олдинга найчага ўхшатиб чўза олмаса (лаблардан 1,5–2 см узоқликда турган) конфетга лабларини чўзишни ва уни лаблари билан олишни таклиф этинг.

### “Бўёқчилар”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва оёқ моторикасини ривожлантириш.

Бу ўйинда тарбиячи болаларни ярим доира шаклида туриб олишларини сўрайди. Сўнг шеърга жўр бўлган ҳолда ҳаракатлар бажарилади.

Биз чакқон бўёқчилар,

Бўйимиз расмларни.

Зумда бўяб кўямиз,

Девор ва дарчаларни.

### “Копток”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва оёқ моторикасини ривожлантириш.

Бу ўйинда тарбиячи болаларни ярим доира шаклида туриб олишларини сўрайди. Сўнг шеърга жўр бўлган ҳолда ҳаракатлар бажарилади.

Шўх, ўйноқи коптогим,

Кўп узоққа қочмагин.

Яшил, қизил, ҳаворанг,

Сенга етаман аранг.



## “Ҳайвонлар”

**Мақсад:** Болаларда оғиз, лаблар, тил моторикасини ривожлантириш.

Бу ўйинда тарбиячи болаларни ярим доира шаклида туриб олишларини сўрайди. Болаларнинг қулоқларига беш хил уй ҳайвонларининг номини кетма–кет айтиб чиқади. Ҳайвонларнинг номлари ҳар учта болага бир хил айтилади. Болалар ўзларига мансуб бўлган турдаги шерикларини излайдилар. Бунда ҳамма ўзича овоз билан бир–бирини чорлаши керак (масалан, ба–а, ба–а, му–му ва ҳоказо) ва бир хил “ҳайвонлар” бир–бирини топиб оладилар.

Ўйиндан сўнг тарбиячи болаларга ҳоҳлаган бир сурат бўйича ҳикоя тузишни таклиф этади.

Аввал ҳайвонларнинг болалари билан қандай ҳодиса юз берганлиги, кейин нима билан тугалланганлиги ҳақида ҳикоя тузасизлар, деб тушунтиради. Болалар, ҳикоя қизиқарли, қисқа ва тугалланган бўлиш шарт. Бошқа болаларга ўртоқларининг ҳикоялари мазмунли ва тўғри тузилганлигини назорат қилиб бориш топширилади (3–4 боладан сўралади).

Агар бирор бола ҳикояни тугаллашга қийналса, тарбиячи бошқа болалардан ҳикояни қизиқарли тугатишни таклиф қилади. Бунда ҳикояни бошлаш ёки тугаллаш намунасини бериш, йўналтирувчи саволлар бериш билан ёрдамлашиш мумкин.

## “Мушукча”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва бармоқ моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

### Мушукча

Мушукман эпчил, чаққон,  
Мендан қутилмас сичқон.  
Беринг менга сут, қаймоқ,  
Бўламиз қалин ўртоқ.  
Қаймоқ қолмагандир–ов,  
Эҳ! Афсус, миёв–миёв.



Ўрта, номсиз ва бош бармоқ бирлаштирилади. Кўрсаткич ва жимжилоқ бармоқлар юқорига кўтарилади.

## “Овоз оҳанггини топ”

**Мақсад:** Болаларда эшитиш, кўриш, оғиз, лаблар, тил моторикасини ривожлантириш.

Стул устида сигир, бузоқ, эчки, қўй, сичқон. Тарбиячи ўйинчоқни кўрсатади, болалар товушларини аниқроқ талаффуз қилиб айтшади.

### “Келинг, куёнчани уйғотамиз!”

**Мақсад:** Болаларда эшитиш, кўриш, оғиз, лаблар, тил моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи	Болалар ҳаракатлари
Биз кетма–кет турамыз, Далаларга чиқамиз. Мана бундай, мана бундай Биз доира турамыз. Ана қаранг куёнча, Ухлаб қолибди пича. Мана бундай, мана бундай Ухлаб қолибди пича. Сурнай чалиб барчамиз, Куённи уйғотамиз. Ту – ту – ру, ту – ту, Куённи уйғотамиз. Уйғонмаган куёнвой, Чаламиз ноғорани. Бум–бум, така–тум, Чаламиз ноғорани. Эринмасдан куёнвой, Уйқудан турақолгин. Бизлар билан даврага, Келиб қўшилақолгин.	–қўл ушлашиб доира бўйлаб айланадилар.  – куёнча қандай ухлашини кўрсатадилар.  – «сурнай» чалишни имитация қилишади.  – «дўмбира» чалишни имитация қилишади.  – ўртага йиғилиб, «куёнчани» қўлларидан ушлаб турғизишади.  – «куёнча» сакрайди, болалар чапак чалади.

### “Ғоз”

**Мақсад:** Болаларда эшитиш, кўриш, оғиз, лаблар, тил, қўл ва бармоқлар моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар ва бирга айтишади.

Беш бармоқ бўлса бирга  
Ўхшар худди ғозларга,  
Ғозлар ғозни кўрганда,  
Дейишади ға–ға, сиз қайга?

#### Ғоз



Тирсакни тик тутиб, кафт бармоқлари тўғри бурчак шаклида букилади. Кўрсаткич бармоқ бош бармоққа тегиб туради. Бармоқлар жипс ёпишган.

### “Капалакжон капалак”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва бармоқлар моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
<p><i>Капалак</i> <i>З.Диёр</i></p> <p>Уч, уча бер, уча бер, Гўзал боғчам – гулшанда. Сира озор бермайман, Севгим, фикрим ҳам санда. Капалакжон, капалак, Дўст бўлайлик иккимиз, Тўхта, сўзлайин андек!</p>	<p>Болалар капалакка ўхшаб қўлларини силкитадилар, бир жойга ўтириб дам олгандай бўладилар, тарбиячининг олдига учиб боришади.</p>

### “Қуёнча”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва бармоқлар моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
<p><i>Қуён</i> <i>И. Муслим</i></p> <p>Хай, қуён, оппоқ қуён, Кел, мен билан ўйнагин. Чопқиллаб у ён – бу ён, Боғчамизда қувнагин. Ётсиратма ўзингни, Боғда яйраб, дамнинг ол! Сенга очай кўксимни Қуёнжон кел, кела қол!</p>	<p>Болалар қуёнчага ўхшаб сакрайдилар, бир жойга ўтириб дам олгандай бўладилар, тарбиячининг олдига сакраб боришади.</p>

### “Тикан–тикан–типратикан”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва бармоқлар моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
<p><i>Типратикан</i></p> <p>Чопоним тикан–тикан Боғда олма бормикин Териб олай устимга Олиб борай дўстимга Дўстим хурсанд бўлади, Менинг кўнглим тўлади.</p>	<p>Болалар типратиканга ўхшаб аста–аста чуккалаб эмаклайди, бир жойга ўтириб дам олгандай бўладилар, тарбиячининг олдига боришади.</p>

### “Учрашишди”


**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш.

Тарбиячи	Бармоқлар ҳаракатлари
Икки мушук учрашса, Сўзлашади «миёв–миёв» Сичқончалар учрашса, Саломлашар «чи–чи»; Тоғда тойчоқлар кишнашар; Кўзичоқлар маърашар; Бузоқчалар онасин «Му–му»лашиб излашар.	– галма–гал ўнг ва чап қўл бармоқларини бирлаштириш; – ҳар бир тактга бармоқлар галма–гал бош бармоқ билан бирлашади; – ўнг ва чап қўл бармоқлари «қулф» бўлиб жипслашади; –шоҳлари кўрсаткич ва кичкина бармоқ билан кўрсатилади.

### “Бармоқлар саломлашадилар”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Салом деймиз ҳаммага  
Тоға, хола, аммага.  
Ҳатто қўшни ховлида  
Юрган товук холага.



Ўнг қўл бош бармоғининг учи навбатма–навбат аввал кўрсаткич, сўнгра ўрта, номсиз бармоқ ва жимжилоқ учларига теккизилади

### “Турналар каби учамиз”

**Мақсад:** Болаларда қўл, оёқ моторикасини ривожлантириш.

Болалар табиячининг “арқон бўлиб учинглар”, “учбурчак бўлиб учинглар” деган топшириқлари асосида ҳаракат қиладилар.


### “ Дарахтлар”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

#### Дарахтлар

Салом, эй, яшил ўрмон,  
Сен эртақларга макон!

Чап ва ўнг қўллар кафт бармоқларни кенг очган ҳолда ўзига қаратиб кўтарилади.



## “Қуёнча”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

### Қуёнча

Диқир–диқир сакрайди  
Узун қулоқ қуёнча.  
Маҳкам ушлаб қўлида  
Сабзисини қуёнча.



Бармоқлар тугилади. Кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқ кўтарилиб у ён–бу ён қимирлатилади.

## “Тиш ювиш”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш ва гигиенага риоя қилиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи: Фараз қиламиз қўлимизда тиш ювиш чўткаси бор. Чўткани эринмай пастга, тепага қараб юргамамиз. Олдин ўнг томондаги тишларни, сўнг чапдаги тишларни ювамиз. Тишларнинг орқа тамонини ҳам тозалаймиз.

Болажонлар, бу шеърни эшитиб, тишимизни ювамиз.

### *Тишлар қўшиғи*

Ўттиз икки ўртоқмиз,  
Дурдонамиз, оппоқмиз.  
Пасту баланд жойлашиб,  
Турамиз иш пойлашиб.  
Биз тишлармиз, тишлармиз.  
Бизлар ўткир ишчимиз,  
Ўз ишига изчилмиз.  
Айтайлик шартимиздан  
Асранглар совуқ муздан!  
Биргаликда ишлармиз,  
Тишлармиз ишлармиз.  
Аскарлардай саф тортиб,  
Сақлаймиз одоб, тартиб.  
Хизматдамиз соғлиққа –  
Шодликка, дил чоғлиққа.  
Учратганмиз баъзини  
Ювмас тишу, оғзини...  
Тоза тутса эгамиз,  
Дилдан хизмат этамиз.  
Биз тишлармиз, тишлармиз  
Биргаликда ишлармиз,  
Тишлармиз– ишлармиз.

## “Вертолёт”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

### Вертолёт

Қани уч, эй вертолёт,  
Паррагинг тез айлантир.  
Ортда қолсин самолёт,  
Паррагинг тез айлантир.



Иккала қўлнинг бармоқлари (кўрсаткич ва бош бармоқдан ташқари) тўқилган сават шаклида чирмаштирилади. Кўрсаткич бармоқларни олдинга чўзиб учлари бир–бирига теккизилади (бу вертолётнинг думи). Бош бармоқлар билан вертолётнинг паррагига ўхшаш тез–тез айланма ҳаракатлар бажарилади.

## “Ҳарбийлар машқи”

**Мақсад:** Болаларда қўл, оёқ моторикасини ривожлантириш. Ҳарбийларга ўхшаб юриш: олдинга, орқага, ўнга, чапга.

Тарбиячи болалардан ватанпарварлик ҳақида билган мақолларини айтишларини сўрайди. Тарбиячи болаларнинг талаффузини, жумла тузишларини назорат қилади:

1. Она юртинг омон бўлса, ранг–рўйинг сомон бўлмас.
2. Ҳар қуш ўз уясига қараб учади.
3. Булбул чаманни севар, одам Ватанни севар.

Тарбиячи: Айтган мақолларингиз, ўқилган ҳикояга мос келадими?

Бувасининг биринчи нияти ҳақида қандай мақол айтиш мумкин?

Буванинг иккинчи нияти ҳақида қандай мақол айтиш мумкин? (Ҳар қуш ўз уясига қараб учади).

3. Она билан бола – гул билан лола.

## “Қушлар”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

### Қушлар

Қушлар шоҳда сайрайди,  
Учиб, қўниб яйрайди,  
Шамол эсади ғир–ғир  
Япроқлар шилдир–шилдир.



Иккала қўл бармоқлари қуш қаноти сингари паст–баландга ҳаракатлантирилади, сўнгра кафтлар очилиб бир–бирига қаратилган ҳолатда эгилиб, шамол эсанга ўхшаш ҳаракат бажарилади.

### “Кичкина кушча”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
<p><i>Кичкина кушча</i> <i>Ш. Садулла</i> Ҳай, ҳай чумчук, Жажжи куш, Шохда турма, пастга туш! Эрта–ю кеч тинмайсан, Чарчамоқни билмайсан. Чирқиллайсан излаб дон, Мана чумчук, сенга дон! Қорнинг тўйса айтасан, Сўнг уйингга қайтасан!</p>	<p>– галма–гал ўнг ва чап қўлларини кўтаришади; – қўлларини силкитишади, худди учишаётгандай; – худди дон еяётгандай ҳаракат қиладилар.</p>

### “Қарға”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
<p><i>Қарға</i> <i>Д.Икромова</i> Қорлар ёғдиргим келар Аёзда учгим келар Қор–қор, қани ёғ дейман Оппоқ бўлсин боғ дейман. Гупиллаб қор ёғади Менга жуда ёқади.</p>	<p>– галма–гал ўнг ва чап қўлларини кўтаришади; – қўлларини силкитишади, худди учишаётгандай.</p>

### “Ниначи”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
<p><i>Ниначи</i> <i>З.Диёр</i> Боғда учар ниначи, Гулни қучар ниначи. Шиша каби кўзи бор. Юм–юмалоқ юзи бор. Ёзганда икки қанот Худди кўкда самолёт.</p>	<p>– галма–гал ўнг ва чап қўлларини кўтаришади; – қўлларини силкитишади, худди учишаётгандай.</p>

### “Кафт ва мушт”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Кафт ва мушт  
Сен ҳам бажар  
Ҳой ўртоқ,  
Гоҳ муштум  
Гоҳ шапалоқ.



Қўллар стол устида: 1) кафтни стол устига босилади; 2) бир вақтнинг ўзида иккала қўлда ҳам мушт тугилади "мушт–мушт ҳолати"; 3) бир қўлнинг мушти очилиб кафт столга босиб турилади "кафт–мушт" ҳолати Машқнинг бажарилишини мураккаблаштириш учун ҳаракатлар тезлиги оширилади.

### “Асалари”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

#### Асалари

Асалари кўниб гулга,  
Шарбат йиғар тугунига.



Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи олдинга чиқарилган ва у доира шаклида айлантриб ҳаракатлантирилади, сўнгра худди шу ҳаракат чап қўлда бажарилади.

### “Булбул”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

#### Булбул

Куйлайман тонг–сахарда,  
Ҳоҳ қишлоқ, ҳоҳ шаҳарда.  
Куйимдан янграйди дил,  
Барча дер: яша булбул!



### “Соғлом бўлай десанг озода бўл”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш ва гигиенага риоя қилиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи: Мен эрталаб уйқудан туриб, юз–қўлимни совунлаб ювдим. Қўлларимни ювганимда бармоқларимни яхшилаб ишқаладим. Қўлимда совун кўпиғи қолмагунга қадар чайдим. Тишларимни тозаладим. Ювиниб бўлгач сочиққа артиндим. Доимо озода юрганим учун мен соғ юраман.

Болалар тарбиячининг гапларини ҳаракатлар билан бажарадилар.



### “Яша, совун, яша сув!”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш ва гигиенага риоя қилиш кўникмасини шакллантириш.

Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ювиниш ҳаракатини бажарадилар.

Микроблар бўлар жуда қув, Яшириниб юрар у. Унга қарши курашган Яша совун, яша сув! Ишқаганда кўпирган, Доғларни ҳам ўчирган, Чарчамаган хизматда, Яша совун, яша сув!	Озодалик асоси, Буюмларнинг аълоси, Микробларни қирувчи, Яша совун, яша сув! Юзларимни юваман, Ялқовликни қуваман. Соғлиқ берган танамга Яша совун, яша сув!
--	---

### “Копток билан ўйин”

**Мақсад:** Болаларнинг копток илиб олиш малакаси ошади.

Болалар нутқи ривожланади, фикрлаш доираси кенгаяди. Қайфияти кўтарилади.

Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи коптокни қўлига олиб, ўйинни бошлаб беради. У “Қўлни совунлаб ювиш – фойдали одат” ёки “Қўлни ювмаслик – зарарли одат” деб тўпни хоҳлаган бир болага отади. Коптокни илиб олган бола охириги жумла “фойдали одат” дейилиши билан бирор бир фойдали одатни айтиши керак. Аксинча “зарарли одат” дейилган бўлса, бола бирор бир зарарли одатни айтади–да, коптокни бошқа болага отади. Коптокни отаётган пайтда у ҳам албатта “фойдали одат” ёки “зарарли одат” дейиши керак. Ўйин шу тарзда давом этади.

**Изоҳ:** Тарбиячи ўйин давомида копток ҳар бир болага боришига ва жавоблар қайтарилмаслигига аҳамият бериши керак.

### “Қуёш”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

#### Қуёш

Эрта тонгда  
Қуёш туриб  
Болаларни эркалайди,  
Бошларини силайди.



Билаклар ички тарафи билан бир–бирига теккизилади. Бармоқлар қуёш нурлари каби кенг ёйилган ҳолатда бўлади.

### “Пуфак”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

#### Пуфак

Катталашар пуфласангиз  
Худди катта коптокча.  
Биз уларни ўйнаймиз,  
Қувлаб, қочиб, қувнаймиз.  
Ёрилди–ю"пақ"этди,  
Ҳавоси чиқиб кетди.



Иккала қўлнинг барча бармоқлари ораси кенг очилиб, бир–бирига теккизиб турилади. Шу ҳолда уларга қараб ҳаво пуфланади ва бармоқлар бироз букланиб шар шаклига келтирилади. "Ҳаво чиқиб кетгач " бармоқлар яна аввалги ҳолатга қайтади.

### “Кучукча”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

#### Кучукча

Соқчиман уйингизга,  
Қўриқчи кўйингизга.  
Кучукман мен вафодор,  
Ҳамма мендан миннатдор.  
Хурсанд қилсангиз керак,  
Бўлмаса, ташланг суяк.



Бармоқлар зич, бош бармоқни юқорига кўтариш. Жимжилок юқорига–пастга ҳаракатлантиради.


Тарбиячи болаларга “Олапарни чақир” топшириқ ўйинини ўйнашни таклиф этади. Бу ўйинда болалар ўйинчоқ кучукчани жиддий, жаҳл билан, мулойим овозда чақира олишлари керак: “Олапар, менинг олдимга кел”.

### “Гул”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

## Гул

Атиргул эди ғунча,  
Очилибди тонг отгунча.



Иккала қўл бармоқ учлари жипслаштирилади. Кафтлар бироз букилган ҳолатда. Бунда ғунча шакли ифодаланади.

Кафтларнинг пастки қисми бир–бирига жипслаштирилади, бармоқлар доира шаклида кенг очилган ва бироз букилган. Бунда очилиб турган атиргул ҳосил бўлади.





## “Узук”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар. Навбат билан ҳар бир бармоқда тез–тез узук ҳолатини кўрсатиш. Аввал бир томонга кейин тескари томонга амалга оширилиши лозим.



### “Уй парандалари”

**Мақсад:** Болаларда қўл, бармоқлар моторикасини ривожлантириш. Тарбиячи шеърни ўқиб туради. Болалар ҳаракатни бажарадилар.

Бизнинг ўрдакчалар эрталабдан Ғақ–ғақ–ғақ!	
Бизнинг ғозлар қўл бўйида Ға–ға–ға!	
Бизнинг товукчалар дераза олдида Қу–ку–ку!	
Хўроз–хўроз–хўрозбой Тонг сахардан Куйлаб берар қу–қаре қу!	

### “Қишда”

**Мақсад:** Болаларда қўл ва оёқ моторикасини ривожлантириш.

Бу ўйинда тарбиячи болаларни ярим доира шаклида туриб олишларини сўрайди. Сўнг шеърга жўр бўлган ҳолда ҳаракатлар бажарилади.

Тарбиячи	Болалар ҳаракати
Қор ёғди–ю, қор ёғди, Юмшоққина пар ёғди. Дарахтлар–у далага, Томга баробар ёғди.	Қўлнинг кафтлари билан қор парчаларининг йиғишини кўрсатиш. Қулочини кенг ёзиб атрофни кўсатиш, оёғини баланд кўтариб юриш.
Қоптоқ қилиб отаман, Югураман, ботаман. Юмшоқ парга ўралиб, Мазза қилиб ётаман.	Қорни кафт билан думалоқ қилиш. Қорга ботиб югуриш ҳаракати. Қорда юмалаб ётиш ҳаракати, қорда юмалашдан завқланиш.
Вой, мунча совуқ экан, Ер ойнадек музлаган. Юмшоққина пар десам, санчиб олди–я тикан.	Қўлларни иситиш, оёқ учида юриш, қўллар белди. Бир–бирига ажабланиб қараш, бутун танани иситишга уриниш.

## “Келинг, русча гапирамиз”

<p style="text-align: center;">Дождик</p> <p>Дождик–дождик          Полно лить,          Малых детушек,          Мочит!</p>	
<p style="text-align: center;">Зайчик</p> <p>Зайка серый скачет ловка,          В лапке у него морковька.</p>	
<p style="text-align: center;">Коза рогатая</p> <p>Идет коза рогатая,          Малыми ребятами.          - Кто кашку не есть,          Кто молоко не петь,          Забодаю, забодаю!...</p>	
<p style="text-align: center;">Улитка</p> <p>У улитки крошки          Подрастают рожки,          Научу её ходить,          Если будут ножки...</p>	

## “Сават ёки яшикка тўп тушуриш”

**Мақсад:** “Сават ёки яшикка тўп тушуриш” ўйини орқали болаларда тезкорлик, эпчиллик ва нишонни аниқ олиш сифатларини тарбиялаш.

Ўйинчи биттадан бўлиб, 3–4 қаторга сафланадилар. Қаторлар сони қанча бўлса, шунча сават (катталиги 50 см) ёки яшиклар ўрнатилади. Саватлар қаторидан 3–4 метр наридаги устунларга ёки дарахтларга ўрнатилади. Қаторлар бошида биринчи бўлиб турганларнинг оёқлари олдидан чизик ўтказилади. Қатор бошида турганларга биттадан тўп берилади.

Онабоши ишора қилиши билан қатор бошида турганлар тўпларини отиб саватга тушуришга ҳаракат қиладилар. Қатор охирида турганлар эса тушган тўпни олиб келиб, навбатдаги ўйинчиларга берадилар. Тўпни отганлар тўпни олиб келувчилар ўрнига бориб турадилар. Саватга кўпроқ тўп тушурган гуруҳ ғолиб чиққан ҳисобланади.

Тўпни саватга ташлаганда чизикдан ўтиш мумкин эмас. Чизикдан ўтган ҳолда саватга тушурилган тўп ҳисобга олинмайди. Ҳамма ўйинчилар навбат билан саватга тўп ташлашлари лозим.

### “Картошка экиш”

**Мақсад:** “Картошка экиш” ўйини орқали болаларда чаққонлик ва тезкорлик сифатларини тарбиялаш.

Ўйинчилар ўзаро тенг 2 ёки 3 гуруҳга бўлиниб, бир–бирига параллел қаторларга сафланадилар. Ўйин учун 5 тадан картошка солинган 2–3 халта бўлиши керак. Қаторлардан 20–30 метр нарига кетма–кет 5 тадан доирачалар чизилади.

Раҳбар «Дикқат!», «Марш!», – деб бўйруқ бериши билан қатор бошида турган ўйинчилар ўз доирачаларига югурадилар, картошкаларни доирачалар ичида қолдириб, югурганларича қайтиб келадилар ва халтачаларни навбатдаги ўйинчиларга берадилар. Бу ўйинчилар ҳам югуриб бориб, картошкаларни халтачаларга соладилар ва яна ўз қаторларига қайтиб келадилар ва ҳоказо. Барча ўйинчилари олдинроқ югуриб бўлган гуруҳ ютган ҳисобланади.

Картошкаларни фақат доирачалар ичига қўйиш керак. Агар бирон картошка доирача ичидан ташқарига думалаб чиқиб кетса, ўйинчи қайтиб бориб, уни доирачага қўйиши ва шундан кейин ўз жойига келиши лозим. Шеригидан халтани қабул қилиб олгандан кейингина югуриб кетиш мумкин. Югуриб қайтиб келган ўйинчи қаторнинг охирига бориб туради.

### “Тортишмачоқ”

**Мақсад:** “Тортишмачоқ” ўйини орқали болаларда кучлилиқ, чидамлилиқ сифатларини тарбиялаш.

Ўйинни спорт майдончасида, спорт залида ёки ўтлоқ жойда ўтказиш мумкин. Ерга катталиги 6 x 10 метрли тўртбурчак чизилади. Ўйинчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Улардан бирининг ўйинчилари «қурбақа»лар тўртбурчак ичида, иккинчи гуруҳ ўйинчилари тўртбурчак ташқарисида турадилар. Ҳамма ўйинчилар чўққайиб ўтирадилар. Ўйин раҳбарининг ишораси билан ичкаридаги «қурбақа»лар чўққайиб ўтирган ҳолда қўллари билан қулоқларини ушлаб “вақ–вақ–вақ” деб сайраб, қарши гуруҳ томонига сакраб–сакраб кетадилар. Улар қарши гуруҳ ўйинчиларига яқинлашгач, икки гуруҳ ўйинчилари ўртасида бир–бирини ўз томонига тортиб ўтказиш учун кураш бошланади. Ўйин ичкари ёки ташқарига тортиб ўтказилган ўйинчиларнинг сонига қараб яқунланади.

Ўйинчи раҳбарнинг ишораси билан қарши гуруҳ томонга чўққайиб ўтирган ҳолдагина сакраб–сакраб келиши мумкин. Ўйинчилар рақибларини ўз томонларига тортиб олишда бир–бирларига ёрдам беришлари мумкин. Бир–бирини тортиш вақтида ўриндан туриб кетиши мумкин эмас. Ўйин гуруҳларнинг бири иккинчи гуруҳ ўйинчиларининг кўпчилигини ўз томонига тортиб ўтказгач тўхтатилади.

## “Овчи”

**Мақсад:** болаларда кучлилик, чидамлилиқ сифатларини тарбиялаш.

Ўйинчилар тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ерда катталиги 8 метрли айлана чизилади. Биринчи гуруҳ ўйинчилари – «Овчи»лар айлана атрофида, иккинчи гуруҳ ўйинчилари – «Қуш»лар айлана ичида турадилар. Айлана атрофида турган ўйинчиларнинг бирида волейбол тўпи бўлади.

Раҳбарнинг ишорасидан кейин айлана атрофида турган ўйинчилар тўпни олиб, ўртадаги ўйинчиларга текизишга ҳаракат қиладилар. Агар тўп бирор ўйинчига тегса, у айлана ташқарисига чиқиб туради. Тўпни ичкаридагилардан бирортаси олиб олса, тўпни олган ўйинчи ўртага тушади. Ўйин 3–4 дақиқа давом этганидан сўнг гуруҳлар ўрин алмашадилар. Кўпроқ ўйинчини айлана ичидан ташқарига чиқарган гуруҳ ютган ҳисобланади.

## “Қутқариш ва югуриб ўтиш”

**Мақсад:** “Қутқариш ва югуриб ўтиш” ўйини орқали болаларда эпчиллик ва чаққонлик сифатларини тарбиялаш.

Майдонча чизик билан тенг икки қисмга ажратилади. Қарама–қарши томонлардан майдон чегарасидан 2 метр берига чизиклар ўтказилади. Ўйин чизикларининг орқаларига бир хил масофада 10 тадан чиллак териб қўйилади. Ўйинчилар иккита тенг гуруҳга бўлиниб, ўз майдончаларига эркин жойлашадилар.

Раҳбарнинг ишораси билан иккала гуруҳнинг ўйинчилари рақиб томонга югуриб бориб, чиллакларни олиб ўз майдонларига қочишга, шу билан бирга рақибларни тутишга ҳам интиладилар. Чиллак ёнига югуриб ўтган ўйинчи фақат битта чиллакни олиб кетиши керак. Тутилган ўйинчини унинг гуруҳидаги ўртоғи қўлини текизиб қутқариши мумкин. Қутқарилган ўйинчи ўйинга қўшилиб кетаверади.

Белгиланган вақт ичида ўз томонига кўпроқ чиллак олиб ўтган гуруҳ ғолиб чиқади.

Ўйинчилар рақибларини ўз майдончаларида тутишга ҳақлилар. Чиллакни олиб қайтган ўйинчи фақат биттагина чиллак олиб қайтиши мумкин.

## “Ўғлачаларни уриб, йиқитиш”

**Мақсад:** “Ўғлачаларни уриб йиқитиш” ўйини орқали болаларда нишонни аниқ олиш ва чаққонлик сифатларини тарбиялаш.

Ўйинчилар икки гуруҳга бўлиниб, майдоннинг ён томонларида чизиклар олдида тизилиб турадилар. Гуруҳларнинг ўртасига 0,5 метрдан ораликда 6–10 та (баландлиги 20–30 см. ли) ўғлачалар турғизиб қўйилади.

Раҳбарнинг ишорасидан кейин ҳар бир гуруҳнинг ўйинчилари биттадан теннис тўпини оладилар. Олдин биринчи гуруҳ ўйинчилари ўғлачани уриб йиқитишга ҳаракат қиладилар, сўнгра иккинчи гуруҳ ўйинчилари уриб йиқитадилар. Ўйин 3–4 марта такрорланади. Кўпроқ ўғлачани уриб йиқитган гуруҳ ютган ҳисобланади.

Ўйинчилар ўйинни бошлаганларида чизикни босмасликка аҳамият беришлари керак. Акс ҳолда уларга жарима очкоси ёзилади. Биринчи гуруҳ

ўйинчилари ўйинни тугатмай туриб, иккинчи гуруҳ шошиб ўйинни бошлаши мумкин эмас.

### **“Чакқон қўллар”**

**Мақсад:** “Чакқон қўллар” ўйини орқали болаларда чакқонлик ва тезкорлик сифатларини тарбиялаш.

Ўйинчилар тенг икки гуруҳга бўлиниб, карама–қарши икки қаторга сафланадилар. Гуруҳлар орасидаги масофа 7–10 метр бўлиб, биринчи турган ўйинчилар эстафета таёқчасини олиб, уни арқоннинг иккала учига боғлайдилар. Арқончанинг ўртасига эса қизил лента боғланади.

Ўйинчилар қўлларини олдинга узатиб арқонни таранг тортиб турадилар. Тарбиячининг ишорасидан кейин арқонни таёқчага ўрай бошлайдилар. Ким биринчи бўлиб қизил лентагача ўраса, ютган ҳисобланади. Ютган ўйинчига бир очко берилади. Ўйин шу тарзда давом этаверади. Кўп очко тўплаган гуруҳ ғолиб бўлади. Икки томон куч жиҳатдан тенг бўлиши керак. Ўйин раҳбарнинг ишорасига қатъий амал қилган ҳолда бошланади.



## II–БОБ. НУТҚ ЎСТИРИШ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Нутқ ўстириш машғулотларида тарбиячи нутқ воситаларидан фойдаланиши, нутқ ўстириш методларини тўғри қўллаши, болаларнинг нутқни эгаллаш иштиёқларини ошириши лозим. Шу боис машғулот мактабгача таълимда нутқ ўстиришнинг асосий шакли бўлиб, тарбиячи ва болаларнинг ўзаро ўқув ва тарбия фаолиятидир. Яъни нутқ ўстириш тушунтириш, ўргатиш, биргаликда бажариш каби амалий фаолиятлар орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълимда илк гуруҳда тарбияланувчи болаларда катталарнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиш; “рахмат”, “марҳамат” каби илтифотли сўзлардан фойдаланиш; боланинг ёшини сўраганда бармоқлари билан кўрсатишга ва оғзаки айтишга ўрганади. Кичик гуруҳларда болалар мавзули расмлар бўйича 2–3 та гапдан иборат тасвирий хикоя, ўрта гуруҳларда расмга қараб сўз бирикмалари, 2–3 та сўздан иборат гап тузиш, катта гуруҳларда содда ва қўшма гапларни грамматик жиҳатдан тўғри 3–5 гап тузиш, нутқда антоним, синоним ва омоним сўзлардан фойдаланиш каби кўникмаларга эга бўлади.

Мактабгача таълимда машғулотни тарбиячи бошқаради. Шунинг учун тарбиячи таълимнинг барча босқичида болаларнинг ёш хусусиятлари, фаолият даражаси, тушуниши ва билими, уддалай олиши, нутқий малакаси кабиларни назарда тутиши, топшириқларни бажариш усулини кўрсатиш, болалар билан ҳамжиҳатликда ишлаш орқали таълим беришни назарда тутиши талаб этилади. Натижада болалар билимни осон, аниқ тушуниб олади, идрок қилади, уларнинг эшитиш, кўриш, амалда бажариш каби ҳис–туйғулари шаклланади, нутқий баркамолликни эгаллайдилар. Шу боис тарбиячи машғулотларда болаларни топшириқларни бажаришга кўпроқ жалб этиши лозим. Бу эса машғулотларда болалар фаолиятини эркинлаштириш, фаоллигини ошириш, нутқни осон ва қулай эгаллаш имконини беради, болаларни ривожлантиришни таъминлайди. Масалан, **илк ёш гуруҳларда** “Кўғирчоқни кийинтирамиз”, “Овозидан топ”, “Ким қандай қичқиради” каби дидактик ўйин машғулотлар, **кичик гуруҳларда** “Бизнинг оила”, “Қушлар бизнинг дўстимиз”, “Айиқча меҳмонга келди”, “Расмни тасвирла” каби, **ўрта гуруҳда** “Қувноқ тилча ҳақида эртак”, “Ўлкамизда куз”, “Ўзбекистон–менинг Ватаним”, **катта гуруҳда** “Бизнинг жонли бурчагимиз”, “Ўзбекистон–мустақил давлат”, “Она шаҳрим Тошкентим”, “Бизнинг маҳалла” каби машғулотлар муҳимдир.

Машғулотларда болалар нутқнинг товуш томонини – нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш, сўзда товушнинг ўрнини аниқлаш, нутқ оҳанги, тўхтамига риоя қилиш, сўз бойлигини ошириш, янги сўзларни билиб олиш, гап тузиш уни ифодали айтиш, расм, ўйинчоқ, буюм, кўрган–кузатганлари асосида сўзлаб бериш, саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб бериш каби билимларни эгаллаш билан бирга нутқ одобини ҳам ўрганади.

Нутқ ўстириш машғулотларининг дидактик мақсади болаларни теварак–атроф билан таништириш, бадиий адабиёт билан таништириш, нутқнинг товуш

томонини, грамматик томонини шакклантириш, сўз бойлигини ошириш, тасвирий, ижодий, ҳикоя тузишга ўргатиш кабилардан иборатдир.

Нутқ ўстириш машғулотларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, болалар машғулотлар орқали она тилининг лексик, грамматик хусусиятларини, талаффуз меъёрини, сўзлашув нутқи талабларини, монологик нутқни амалий ўрганиб борадилар, ўзи ва ўртоқлари нутқини кузатиш, нутқни тинглаш каби нутқ одобини эгаллайдилар, “фикрни она тилида мустақил, равон, гўзал ва лўнда ифодалаш”га ўргана борадилар.

Умуман олганда, ҳар бир машғулот болаларнинг билиши, тафаккури, ахлоқий малакаларини шакллантиришга ёрдам бериши лозим. Бу эса машғулотга қуйилган дидактик ва методик талабларни пухта билиш ва уни бажаришни тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Машғулотни ташкил этишга пухта тайёргарлик кўриш: машғулотнинг мазмуни, метод ва усулларини аниқлаш, машғулотни ташкил этишга доир воситаларни танлаш.

Машғулотда болаларнинг қизиқиши, билиши, фаоллигини оширишга аҳамият бериш, тарбиячининг ўз нутқи, нутқий одоби билан болаларга ўрناк бўлиши, машғулотни осондан қийинга, соддадан мураккабга тамойилида ташкил этиш.

2. Машғулот жараёнида болалар эгаллаши лозим бўлган таълим–тарбия ҳажми, меъёри, болалар ақлий, жисмоний, нутқий ривожланишини назарда тутган ҳолда таълимнинг энг қулай узлуксиз шаклини танлаш, қиёслаш, солиштириш, умумлаштириш каби усулларни қўллашга эришиш.

3. Машғулотнинг таълим берувчи, тарбия берувчи ва ривожлантирувчи вазифаларини биргалликда бажариш, уларнинг узвийлигини таъминлаш.

4. Машғулотнинг қизиқарли бўлиши, болалар фаолиятининг тез алмашиниши, завқли, ўзаро ҳамкорлик асосида бўлишини таъминлаш.

5. Машғулотнинг қурилиши, вазифалари, ҳар бир топшириқнинг аниқ бажарилишини назарда тутиш.

6. Болаларнинг қизиқиши, фаоллигини таъминлаш учун дидактик ўйин, йўлловчи саволлар, тез ва осон бажариладиган топшириқлар беришга диққат қилиш.

7. Машғулот жараёнида болаларга яқка ва жамоа тарзида таълим–тарбия бериш, бунда болалар иқтидорини назарда тутиш. Боланинг хоҳиш–истаги, қизиқиши, хотираси, интилишларини ҳисобга олиш.

8. Машғулотни ўз вақтида бошлаш, унда гигиеник талабларга риоя қилиш, машғулотнинг моддий таъминотини (кўргазма, дидактик материаллар) назарда тутиш, замонавий технологияларни қўллаш.

9. Гуруҳ тарбияланувчиларининг машғулот жараёнидаги ўқув фаолиятини кузатиш, назорат қилиш, камчиликларни бартараф этиш йўллари белгилаш.

10. Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш, ўқув материалларини болаларнинг турли фаолиятларида мустаҳкамлаб бориш, болалар нутқий баркамоллигини ошириш.

## Нутқ ўстириш ишларининг режаси

Режада қуйидагиларни инобатга олиш лозим бўлади:

1. Болаларнинг тасаввури ва нутқининг қай ҳолдалигини аниқлаш:

а) сўз бойлиги;

б) саволларга жавоб бериши;

в) ўз уйидаги ҳаёти, ўйинлари, меҳнати ҳақида гапириши;

г) эртак ва шеър айта олиши;

д) нутқидаги нуқсонларни аниқлаш (товушларни нотўғри талаффуз этиши, дудуқланиши ёки тилининг чучуклиги).

2. Болаларга гап ва сўзларни аниқ, тушунарли ва ўртача овоз билан талаффуз этишни машқ қилдириш: гапни сўзларга, сўзни бўғинларга, бўғинни товушларга тўлдириш.

3. Луғат иши:

а) ўқувчиларнинг сўз бойлигини аниқлаш ва кенгайтириш;

б) нарсаларни уйдаги ва боғчадаги буюмлар; ўйинчоқ ва ўқув қуроллари; сабзавотлар деб турларга ажраттириш;

в) нарсаларнинг ранги ва шакли билан таништириш;

г) кузатиш ва саёҳат жараёнида ўқувчилар луғат бойлигини кенгайтириш;

д) шеър, топишмоқ, эртаклар айттириш жараёнида ўқувчилар луғатини аниқлаш ва бойитиш;

е) ўқувчиларга ўйин номларини айттириш; ўйин давомида қўлланиладиган яқин–узоқ, эрта–кеч, юқори–паст, чаққон, сезгир, топқир, топағон, толмас, иродали ва бошқа ўз нутқида онгли равишда қўллашларига эришиш;

ж) ёзув ва ҳисоблаш жараёнида ўқувчиларнинг фаол луғат бойлигини ошириш.

4. Ўқувчиларни гап тузишга ўргатиш, гапда сўзлар тартибига алоҳида эътибор этишни таъминлаш:

а) эртак ёки шеър ўқиганда ундан гапларни онгли равишда ажрата билиш;

б) саволларга тўлиқ гап билан жавоб бериш;

в) расмлар ёрдамида ва шахсий кузатишлар асосида гап тузиш.

### 2.1. Сўз бойлигини ошириш

Халқ оғзаки ижодида энг бой ва ранг–барангдир. Халқ оғзаки ижоди халқ ҳаёти, миллий маънавияти, урф–одатлари, удумлари, анъаналари, орзу–умидларини акс эттириб, болаларга маънавий, ахлоқий ва бадиий озика беради.

Халқ оғзаки ижоди тарбиявий жараённи яхлитлигича ташкил этиш, яъни ахлоқий, маънавий, экологик, эстетик ва ақлий ривожланиш чегараларини кенгайтириш имконини беради. Инсон болалигидан бошлаб яхшиликка, эзгуликка доимо интилиб яшайди. Ҳар бир бола эртак тинглаётган чоғида қаҳрамонлардан бирига ўхшашни, уларга тақлид қилишни орзу қилади. Китоблардаги расмларни қизиқиш билан томоша қилиш, катталарнинг нутқини қандай мароқ билан тинглаш болаларнинг эртакларга ижобий муносабатда эканлигидан далолат беради. Эртаклардаги образлар ҳис–ҳаяжонга бой, рангдор ва шу билан бирга кичкинтойларнинг тушунишлари учун содда бўлиб, ҳақиқатга яқинлиги билан уларни ўзига ром этади. Халқ оғзаки ижоди ёрдамида

болаларнинг хотираси, диққати, тафаккури ривожлантирилади, тасаввур ва фантазиялари уйғотилади. Фантазиянинг уйғотилиши ҳар хил ҳайвонларнинг кесилган таналарини бирлаштириш орқали турли ажойиботларни яратишда яққол кўринади. Шу билан бирга боланинг нутқи, тафаккури ўсиши билан бир қаторда дунёқараши ҳам кенгайиб боради. Халқ оғзаки ижодини тинглаш, ўқиш – она тилида тил ва нутқнинг тараққий этишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

**Эртак.** А.Суюмовнинг «Болалар адабиёти» кўлланмасида бундай дейилади: «...эртакда меҳнатсеварлар тақдирланади, ялқовлар жазоланади. Бу ҳол болаларни меҳнатсевар, қаҳрамон қилиб тарбиялайди.

Эртакларда табиат манзаралари ҳам тасвирланади. Бола бепоён, гўзал, мусаффо далаларни, сершовқин ўрмонларни, баланд–баланд тоғларни, ажойиб «оқ олтин» майдонларини, тез оқар дарё–анҳорларни кўради, улардан завқланади<sup>1</sup>. Ҳар бир эртакнинг ўз ғояси бор. Масалан, «Шолғом» ўйин эртаги болаларни фикрлашга, воқеаларни муайян кетма–кетликда айтишга ундайди, "Куч – бирликда" деган нақлнинг мазмунини англаб етишларига ёрдам беради.

Эртак қаҳрамони дуч келадиган ўхшаш вазиятларнинг алмашилиб бориши орқали юзага келадиган такрорлар болаларнинг нутқини ўстиришга, нутқ маданиятини (нутқни тўғри тушуниш, тўғри сўзлаш, оҳангига риоя этиб ифодали гапириш) эгаллашларига ёрдам беради. Бугина эмас, эртакдаги воқеалар бир–бирига боғлиқ равишда содир бўлар экан, болалар ана шу алоқадорликни, одамлар ўртасидаги муносабатларни ҳам англай бошлайдилар.

Мактабгача ёшдаги болаларга эртаклар ҳикоя қилиш, яъни эртак айтиш йўли билан, шунингдек, уларни ўқиб бериш орқали етказилади. Лекин бугунги кунда янги педагогик технология талабига кўра бу каби иш турлари етарли эмас. Айниқса, ахборот технологиялари кенг оммалашаётган даврда компьютер экранлари орқали эртакни кўрсатмали эшиттириш имкониятлари юзага келганлиги туфайли ҳам янгидан янги усулларга йўл очилмоқда. Эртак сўзлаб берилгандагина матн «жонланади». Ҳикояловчининг хатти–ҳаракатлари, имо–ишоралари, оҳанги ва белгиланган баён ритмикаси эртакни кичик тингловчилар учун янада тушунарли қилади. Н.С.Карпинская эртакни «кўргазмали фаол метод» деб атайдиган<sup>2</sup>.

Матнни ўқиб беришдан олдин унинг сарлавҳаси айтилади ва болалардан шу номдаги эртакни эшитган–эшитмаганликлари сўралади.

Шубҳасиз, болаларга хос бўлган ташаббускорлик, билган нарсалари ҳақида ўз ўртоқлари билан бўлишиш истаги мавжудлиги туфайли кўпгина ижобий жавоблар олиш мумкин.

Сарлавҳа асосида эртакнинг нима ҳақида эканлигини айтиб бериш сўралади. Мақсад шуки, биринчидан, сарлавҳа ёрдамида болаларни ўйлашга мажбур этиш, иккинчидан, эркин мулоқотга қатнаштириш. Улар кўпинча ўз фикр–мулоҳазаларини билдирган ҳолда қаҳрамонларга тавсиф бера

<sup>1</sup> А.Суюмов. Болалар адабиёти: Педагогика ва мактабгача тарбия билан юртлари ҳамда маданий оқартув техникумлари учун кўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1973. - 21-бет.

<sup>2</sup> Карпинская Н.С. Художественное слово в воспитании детей: ранний и дошкольный возраст. – М.: Педагогика, 1962. - 152с. С. 13.

бошлайдилар. Масалан, Зумрад – меҳнатсевар қиз. Қиммат эса ялқов. Бундай суҳбатлар болаларда кўпроқ эртак тинглаб бориш керак, экан деган хулосанинг шаклланишига олиб келади.

Мактабгача ёшдаги болалар битта эртакни қайта–қайта эшитишни ёқтирадилар. Шунга кўра ҳам уни бир марта эмас, бир неча марта ўқиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тарбиячи: «Болалар, эртак ёқдимиз? Мазмунини тушундингларми? Яна бир марта ўқиб берайми?» деб мурожаат этиб туриши керак.

Одатда, айрим тарбиячилар эртакни биринчи маротаба эшиттирганидан кейиноқ болаларга саволлар бериб, жавоб олишга интиладилар. Бироқ бунга кичкинтойлар ҳали етарлича тайёр бўлмайдилар. Чунки болалар эртак мазмунини юзаки тушунган бўлишлари мумкин. Шунинг учун дастлабки идрокни чуқурлаштириш мақсадида болаларни эртак мазмунига олиб кириш лозим бўлади. Бунга ёрдам берувчи усуллардан бири расмлар (иллюстрациялар) орасидан керагини, яъни эртак кетма–кетлигини сақлайдиган ва мазмунига кўпроқ мос келадиганини танлаш даркор. Бундан ташқари, турли мавзуга тегишли эртак қаҳрамонлари тасвирланган расмлар (иллюстрациялар) танланилиб, навбат билан стол олдига келган болалардан эртак мазмунига мос келадиган расмларни танлаш таклиф этилади. Расм идрокни яна ҳам чуқурлаштиради. Болалар эртак тинглаш пайтида кўз олдларига келтиришга улгурмаган жиҳатлар: қаҳрамонларнинг кийинишлари, ўзларини тутишлари ва бошқа ҳолатлар расм ёрдамида жадал англанади.

Мактабгача ёшдаги болаларга эртак асосида расмлар чизишни ҳам топшириш фойдали. Расм чизиш пайтида болада ахборот етишмаслиги сезилади. У тарбиячидан баъзи нарсаларни сўраб билишга интилади. Натижада эртак мазмунига янада чуқурроқ кириб бориш учун имконият пайдо бўлади. Шу боис эртак асосида бола томонидан чизилган расмларда ахборот кўпроқ бўлади. Улар чизган расмларга чуқур назар ташланса, унинг мазмуни, тасвирнинг тавсифи, ифодалилиқ воситалари таҳлил қилинса, болага қайси эртак қаҳрамони ёққани, унда қандай ҳис–ҳаяжон уйғотганини билиш мумкин.

Эртакнинг болаларда туғилаётган ҳис–ҳаяжонга таъсири нечоғлик жадал бўлса, улар чизган расм шунчалик қизиқ ва ранг–баранг бўлади. Бундан ташқари, болалар ўзлари чизган расмларни (одам, ҳайвон) қирқиб олиб эркин мавзуларда ўйин ўйнашни маъқул кўрадилар.

Катталар болаларга эртак ўқиб бериш мобайнида эртак элементлари орқали уларнинг атроф–муҳит ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирган ҳолда образли тафаккурининг ўсишига маълум даражада таъсир этадилар. Секин–аста боланинг ўзи ҳам бу жараёнда иштирок эта бошлайди, яъни аввал расмларни томоша қилади, сўнгра овозга тақлид қилиш орқали эртак қаҳрамонларининг номини айтишга, таниш жумлаларни давом этгиришга ҳаракат қилади ва, ниҳоят, эртакни қайта сўзлаб беради.

Кейинги жараёнларда у бир неча эртакни қиёслаш, таққослаш, эртак қаҳрамонларига тақлид қилиш ва тавсиф бериш, мавзули йўналишда ўзгаришларни сезиш қобилиятига эга бўлади.

Эртакнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, қаҳрамонлардан бири

ижобий, иккинчиси салбий бўлади. Асар қаҳрамони кучли ва жасур бўлса, у атроф оламни гўзаллик билан бойитади. Албатта, кучли бўлиш учун гавдали одам, паҳлавон бўлиш шарт эмас. Кичкина болалар ҳам кучли ва жасур бўлишлари мумкин. Эртақда митти типратикон ҳам саҳоватли, қалбан мард, тиришқоқ бўлгани учун кучли ва жасур қаҳрамонга айланади.

Эртақ ўқиб бўлингандан кейин болаларни умумлашма, хулоса чиқаришга ундаш, «Агарда сен унинг ўрнида бўлганинда нима қилган бўлар эдинг? Сенингча, эртақ қаҳрамони яхшими ёки ёмонми? Агарда у қилиши керак бўлган ишни бажара олмаганда нималар юз бериши мумкин эди?» каби саволлар билан эркин мулоқотга чақириш уларнинг фаоллигини янада оширишга ёрдам беради.

Тарбиячи томонидан маҳорат билан етказилган эртақлар болада кўтаринки, қувноқ кайфиятни юзага келтиришга, кичкинтой билан ҳис–ҳаяжонли, дўстона мулоқотни ўрнатишга, сездирмай, осонлик билан тарбиявий таъсирни ташкил этишга, атроф–муҳит ҳақидаги билим ва маълумот захираларини самарали тўлдиришга имкон яратади.

Мактабгача ёшдаги болалар бадиий матн билан асосан эшитиш орқали танишадилар. Шу боис асосий диққатни матнни ифодали ўқиш маҳоратига, керакли жойларда мантикий урғу бериш, тўхтамларга амал қилиш, шунингдек, матнни қабул қилишга ёрдам берадиган рангли иллюстрациялар танлашга қаратмоқ лозим.

Мазкур ёшда болалар ҳамма нарсани тўғридан тўғри қабул қиладилар. Шунинг учун таклиф этилаётган иллюстрациялар имкони бориша ҳаётга мос (реалистик) бўлиши, яъни куён бўридан катта бўлмаслиги, қарға чумчуққа ўхшаб қолмаслиги лозим ва ҳоказо.

Агарда бола саволларга жавоб бериш ва матнни диққат билан эшитиш қобилиятига эга бўлса, демак, унинг нутқи меъёрида ривожланаётган бўлади. Матн билан ишлаш икки босқичда олиб борилиши керак: дастлаб болалар битта матнни бир неча кун давомида эшитадилар (бунда қабул қилишдаги яхлитлик сакланиши учун матнни ҳар гал охиригача ўқиш лозим), сўнгра матн юзасидан бериладиган саволлар ҳам, жавоблар ҳам ҳар хил бўлиши керак.

Нутқ ўстириш ҳақида гапирилар экан, камида икки ҳолатни ҳисобга олиш зарур бўлади. Биринчидан, одатда, бола эшитганларининг ҳаммасини хотирада сақлаб қола олмайди ва ҳар бир қайта тинглаш жараёни унга эртақнинг янги қирралари билан танишиш имконини беради. Иккинчидан, мактабгача ёшдаги болага ахборотнинг ўзи эмас, балки самарали ахборот олиш жараёни, шу жараённинг модели муҳимдир.

Таниш бўлган адабий матнни ўқиётган ёки яхши эслаб олган матнни ёдга тушираётган киши ахборотни қабул қилиш каналлари орқали бошқатдан узатади, тасодифий жараён таҳлилини қайта моделлаштиради ва бунга мос келадиган рағбатлантириш тизимини қайта ишга туширади.

Эртақ мазмунини қайта ҳикоя қилиш жараёнида болаларда оҳангга (ифодалилиқка) эътибор бериш малакасини шакллантириш лозим. Бунда эртақ қаҳрамонларининг овози қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида суҳбат ўтказиш йўли билан, уларда тегишли билим ҳосил қилиш талаб этилади.

«Эртақ нимаси билан бизни қизиқтиради?» деган савол туғилади. Биринчидан, тимсолга айланиш орқали болалар ҳайвонларнинг хулқ–атвори ва юриш–туриши, нутқи, ҳаракати, овози, имо–ишоралари билан кенгроқ танишадилар. Иккинчидан, эртаққа киритилган шеърларни ифодалилиққа риоя қилиб айтиш, уларни куйлаш болаларнинг товушлар талаффузини эгаллашлари, муסיқий билимларини ривожлантиришлари осон кечади. Учинчидан, саҳналаштиришда биз асосий мақсадга: мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантириш ва овоз бериш, тегишли оҳангни танлаш орқали ифодали нутққа эришамиз.

Болаларнинг сўз бойлигини ошириш мақсад қилиб олинар экан, албатта, эртақлар тасвирланган расмлар асосида суҳбатлар уюштирилади. Расм асосида суҳбатда эътибордан четда қолган жойларга турли йўналтирувчи саволлар орқали болалар диққатини қаратмоқ лозим. Масалан, «Шолғом» эртаги асосида болаларга куйидаги саволларни бериш тавсия этилади: Шолғомни биринчи бўлиб ким тортиди? Чол кимни чақирди? Кампир кимнинг орқасидан турди? Кампир кимни чақирди? Кампирнинг олдида ким турибди? Кампирнинг орқасида ким турибди? Эртақда яна нималар содир бўлди? Ҳаммалари биргалиқда шолғомни тортиб ололдиларми? Бу эртақда кимнинг бўйи энг баланд? Кимнинг бўйи энг паст? ва ҳоказо.

Бундан ташқари, эртақларнинг мазмунини ҳикоя қилишга ўргатиш, шу жараёнда болаларнинг сўз бойлигини ошириш ишини тасвирий фаолият ҳамда лой иши билан узвийлиқда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, лой ишида айиқ, илон, тошбақа, қуён, уйча каби эртақ персонажларини яшаш орқали болаларда сезиш ва идрок қилиш тажрибаси, тасаввур, хотира, диққат ривожланади, ақлий қобилияти янада камол топади. Шунингдек, кичкинтойнинг нутқий фаоллиги ортиб, нутқни тўғри тушуниш малакаси мустаҳкамланади.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда, эртақлар асосида болаларнинг сўз бойлигини ошириш юзасидан куйидаги усул ва таълимий ўйинларни қўллаш тавсия этилади:

1. «Пиктография» таълимий ўйини. Мазкур ўйинни ташкил этишдан асосий мақсад болаларни асар матни асосида чизилган пиктография бўйича бошланган эртақни давом эттиришга ўргатиш.
2. «Нима ортиқча?» ўйини. Эртақ қаҳрамонларидан қайси бири бошқа мавзуга тегишли эканлигини топиш.
3. «Кластер» усули.
  - Эртақнинг асосий мавзуси ўртага жойлаштирилади. Мавзу асосида эртақ қаҳрамонларини топиб, мавзу атрофига доира шаклида қўйиб чиқиш талаб этилади.
  - Эртақ қаҳрамонларидан бири марказга жойлаштирилиб, унинг юриши, овози, ҳаракати, озикланиши, яхши–ёмонлиги, ранги, катта–кичиклиги ҳақида тавсифлаб бериш вазифаси топширилади.
  - Қаҳрамонларнинг суратлари доира шаклида ёпиштириб чиқилади ва эртақ қайси мавзуга хос эканлигини аниқлаб марказга жойлаштириш таклиф этилади.

4. Болалардан эртакни расм асосида бошлаш ёки давом эттириш талаб этилади.
5. «Ким қайси эртакда яшайди?» ўйини.
6. Эртакдан бирор парчани ёддан ифодали айтиб бериш.
7. Эртак асосида расм чиздириш.

8. «Менинг сеvimли эртак қаҳрамоним» мавзуда лойдан персонажлар яшаш.

9. Эртакларни сахна кўринишида ташкил этиш.
10. Расмда акс эттирилган эртак қаҳрамонини таърифлаш.
11. Икки мавзудаги эртакдан битта эртак яратиш.
12. "Пантомимо" ўйини. Болалар доира шаклида жойлашадилар. Уларга расмлар тарқатилади. Ҳар бир боладан эртак қаҳрамонларининг юриш–туришларини бажариб кўрсатиш талаб этилади. Қолган болалар эса қайси қаҳрамон роли ўйналаётганлигини топишлари керак.

**Топишмоқ.** Топишмоқлар асрлар давомида яратилиб, авлоддан–авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган фольклорнинг мустақил жанридир. Маълумки, топишмоқ кўнгилхушлик ёки фақат эрмак учун эмас балки топишмоқ орқали атроф, муҳит, табиат яқиндан таништирилиши билан бирга ақл–заковат, зехн, фикр ўткирлигини синаш қуроли ҳамдир. Чунки топишмоқ кишиларни ҳозиржавобликка ўргатади.

У инсон, ижтимоий ҳаёт, табиат ҳодисаларининг мавжуд барча томонлари билан кенг боғланган бўлиб, ҳамма вақт реал заминга асосланади. Унда атрофимизни қуршаб турган реал, моддий дунёдаги турли объектлар акс этади. Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бир бутун бадиий асардир. Унда фалсафий, тарихий этнографик белгилар, тушунчалар, ҳодисаларнинг моҳияти гўзал образли ифодаларда акс этади.

Топишмоқ бола психологиясининг ривожланишида муҳим ўрни бўлиб, топишмоқни топиш, уни доимий ечиб бориш натижасида болада системали, давомли, режали идрок қилиш қобилияти, кузатувчанлик ривожланади. Бу қобилият топишмоқлар ёрдамида болада ҳаёт тажрибаси ва илмий билишнинг тараққий этишига олиб келади.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда, топишмоқлар асосида болаларнинг сўз бойлигини ошириш юзасидан қуйидаги усул ва таълимий ўйинларни қўллаш тавсия этилади:

1. «Топ» таълимий ўйини. Мазкур ўйинни ташкил этишдан асосий мақсад болаларни топишмоқ матни асосида чизилган расм асосида жавобни топиш. Ўркач–ўркач оқ туя, Бирдан келиб қолади.



Бир лаҳза ўтмасданок, Кўкни қоплаб олади.



Тўрт фаслда бир хил либос кийиб яшнар мевасиз.  
Айтсам, боғнинг кўрки дерсиз, Сиз ҳам уни севасиз.



2. Топишмоқ асосида расм чиздириш.

3. Лойдан топишмоқ жавобидаги буюмларни яшаш.

4. "Пантомимо" ўйини. Буюмлар ҳаракатлар орқали тушунтирилади.

Болалар кўрсатилаётган ҳаракатлардан нималигини топишади.

## 2.2. Луғат иши

Мақтабгача таълим муассасаларида луғат устида ишлаш методикаси тўрт асосий йўналишни кўзда туттади:

**1. Болалар луғатини бойитиш, яъни янги сўзларни, шунингдек, болалар луғатида бўлган айрим сўзларнинг янги маъноларини ўзлаштириш.** Она тилининг луғат бойлигини билиб олиш учун бола ўз луғатига янги сўзни қўшиши, яъни шу сўзлар маъносини ўзлаштириши лозим.

**2. Болалар луғатига аниқлик киритиш.** Бу ичига қуйидагиларни олади: 1) бола пухта ўзлаштирамаган сўзларнинг маъносини тўлиқ ўзлаштириш, яъни шу сўзларни матнга киритиш, маъноси яқин сўзларга қиёслаш, антоним танлаш йўллари билан уларнинг маъносига аниқлик киритиш; 2) сўзларнинг синонимларини, антоним сўзларни ўзлаштириш.

**3. Луғатни фаоллаштириш, яъни болалар маъносини тушунадиган, аммо ўз нутқ фаолиятида ишлатмайдиган нофаол луғатидаги сўзларни фаол луғатига ўтказиш.** Бунинг учун шу сўзлар иштирокида сўз бирикмаси ва гаплар тузилади, улар эшитганларини қайта ҳикоялаш, суҳбатда ишлатилади.

**Болалар луғати қуйидаги манбалар асосида бойитилади ва такомиллаштирилади:**

1. Атрофни ўраб олган муҳитни: табиатни, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, болаларнинг ўйини ва ўқиш фаолиятини, катталар билан муносабатни кузатиш.

2. Болалар луғатини ва нутқини бойитишда энг ишонарли манба бадий асарлар, эртақлар ҳисобланади.

Сўзларни тушунтиришнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланилади:


**1. Сўзни гуруҳлаш асосида тушунтириш.** Бунда болалар тушунмайдиган сўзларни ўзи мансуб гуруҳлар асосида тушунтирилади.



Масалан:

Гуллар	Ҳайвонлар	Қушлар
		
		
		

**2. Сўз маъносини эртақ, мақол, топшимоқлардан фойдаланиб тушунтириш.**

Масалан:

Бир фасл бор тенгсиз чирой, Қуртак, гуллар, довучча. Ўйлаб айтгин Сен пича!		Очилдими бойчечак, Энди ҳар ён гул демак, Чунки баҳор элчиси – Шу митти гул– бойчечак (З.Диёр)
Тўкинликда ноз–неъмат, Қайси фасл, айт, Ҳикмат?		Келди кўклам каби соз, Бизлар севган иссиқ ёз. Экин ўсди ерларда, Буғдой пишди

		қирларда... Полиз тўла бодринг, Боғбон, тез узиб беринг! Сабр қилинг сиз андек, Сўйиб берай хандалак (З.Диёр).
Дарахтларнинг барглари, Сарғаяр олтин мисол. Қай фаслда, айт, Муслим, Юз беради шундай ҳол!		
Оқ чойшаб, кўрпа ёпар, Дов–дарахтлар, дала–қир. Борлиқ дилга хуш ёқар, Бунда бордир ажиб сир. Ер илмида тўхтар иш, Бу фаслни дерлар (...)		Келди меҳмон бўлиб қиш. Қиш эмас, у – қорбобо, Совғалари бор бобо... Худди ёздай, бахордай – Илиқ, кузги наҳордай.. Қор ёғар, кеча– кундуз, Сув совқотиб кийган муз (З.Диёр).

**3. Сўз маъносини шу сўзнинг маънодоши ёрдамида тушунтириш.**  
Масалан, *созанда – мусиқачи, диёр – ватан, само – осмон* каби.

**4. Таниш бўлмаган сўз билан ифодаланган тушунчани таниш бўлган сўз билан ифодаланган тушунчага (унинг антонимига) таққослаш орқали тушунтириш.** Масалан, *ишчан* тушунчасини *дангаса* тушунчасига, *ростгўй* сўзини *ёлгончи* сўзига таққослаб тушунтириш мумкин.

 <p style="text-align: center;"><b>Ўрдак оқ</b></p>	 <p style="text-align: center;"><b>Товук қора</b></p>
 <p style="text-align: center;"><b>Хўроз катта</b></p>	 <p style="text-align: center;"><b>Жўжа кичик</b></p>
 <p style="text-align: center;"><b>Дарахт паст</b></p>	 <p style="text-align: center;"><b>Дарахт баланд</b></p>

5. Сўзни ўзига яқин тушунча билан, яъни бошқача ифода этиш билан тушунтириш. Унда тушунтириладиган сўзнинг изоҳи қисқа ва аниқ бўлиши керак. Масалан, *ўзбошимчалик* – ўз хоҳишича иш тутиш, ишни ўзи хоҳлаганича бажариш; *мутахассис* – бирор ҳунар эгаси; *шунқор* – узоқ учадиган кўзи ўткир куш; *меш* – мол терисидан тикилган идиш; *гулдон* – гул солиб қўйиладиган идиш ва бошқалар.

### 2.3. Расмлар ёрдамида гап тузиш

Ўқувчиларни гап тузишга ўргатиш, гапда сўзлар тартибига алоҳида эътибор этишни таъминлаш мақсадида эртак ёки шеър ўқиганда ундан гапларни онгли равишда ажрата билиш; саволларга тўлиқ гап билан жавоб бериш; расмлар ёрдамида ва шахсий кузатишлар асосида гап тузиш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Кичик гуруҳларда битта расмни кўрсатиш орқали предметнинг номини тушунтиради. Сўнг сўз товушлар ва бўғинларга бўлиб талаффуз қилинади. Бу орқали болаларда луғат бойлиги, товушларнинг эшитилиши, тўғри талаффуз қилиш кўникмалари шаклланади.

Масалан, болаларга расм кўрсатилади. Тарбиячи: Бу нима?






Болаларга тушунчаларнинг аввал номи, яъни от сўз туркумига оид сўзларни, сўнг ранг, хусусияти – сифат дарахт катта, дарахт яшил, дарахт шохли. Ҳаракати – феъл: дарахт ўсади, дарахт тебранади. Болалар дарахт ҳақидаги тушунчаларни ўргангандан сўнг ёмғир сўзи билан таништиради.

Бу нима? Дарахт. Бу–чи? Ёмғир.

Ўрта гуруҳларда болаларнинг луғат бойлигини кенгайтирамыз. Бошқа сўзларни қўшиб борамиз. Масалан,



Малика // саватни олди // ва ўрмонга // қўзиқорин учун борди.

Ёки



Бу нима?(сичқон)



У қаерда яшайди? (тешиқда)



У нима ейди? (пишлоқ)



У нимадан қўрқайди?(мушукдан)



Хуллас, бола кичик ҳикояча тузади: “Бу сичқонча. У тешиқда яшайди. Сичқонча пишлокни ейди. У мушукдан қўрқади”.

Катта гуруҳ болаларнинг луғат бойлиги анча бойдир. Улар тушунчаларнинг фарқини биледи, бир–бири билан таққослайди. Уларнинг нутқи эмоционал жихатдан буёқдор бўлади.

5–7–ёшдаги болаларни нутқини ўстиришда расмлар ва рамзлардан фойдаланилади:

1. Шеър ва ахборотларни эсда сақлаш.
2. Турли мавзудаги ҳикоя, бирор ҳодиса ва тушунчаларга изоҳ бериш.
3. Ўйинчоқларни кийинтириш ва гигиена қоидаларига риоя қилиш.


Қуйидаги мнemoжадвалдан (мнemo – грекча, эсда сақлаш санъати) фойдаланилган ҳолда болалар кичик ҳикояча тузишади.



Бола расмлар асосида ўз фикрларини айтади. Кейинги босқичда расм мураккаблашади. Масалан,


		
шоҳда	кўрди	қизил майка
		
қуш	патларини таради	қуёшда тобланади
		
бошини қимирлатди	учишни хоҳлайди	мушук пойлади

Ёки:




Болаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш мақсадида турли рамз ёки белгилардан иборат жадвалдан фойдаланиш мумкин. Уларни янада қизиқтириш учун кичкинтойларнинг ўзлари чизган расмлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан,





Ёки:



Бола нутқини шакллантиришда таълимий ўйинлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан,


### “Лолахон уйига қандай етиб боради?”

**Мақсад:** Боланинг нутқи ва тафаккурини шакллантириш.

Бир Лолахон деган қизалоқ бўлган экан. У доим ойижонисини айтганини қилмай ўз билгича иш қилар экан. Ойижониси доим унга танбех берар, у эса кичкина бўлса—да ўз айтганидан қолмас экан. Бир куни боғчадан ҳеч кимга



айтмай чикиб кетибди. Уйи томон кетаман деб, ўтлоқдаги гуллар ва капалакларни кўриб уларни кетидан югуриб адашиб қолибди. Ўтлоқда ҳар хил гуллар ўсарди. У гуллардан терибди. Кейин .... (расм асосида матнни давом эттиринг).




### “Қуён туғилган кунга бормоқчи”

**Мақсад:** Боланинг нутқи ва тафаккурини шакллантириш.

Ўрмонда бир қуён ва айиқ дўст экан. Бир куни қуён айиқнинг туғилган кунига бормоқчи бўлибди. Йўл анча узоқ экан, у кўлдан, боғдан ва қалин ўрмондан ўтиши керак экан. Шундай қилиб йўлга тушибди. Йўл юриб, йўл юриб, кўлга келибди. У ерда ..... (расм асосида матнни давом эттиринг).





**Мнemoжадваллардан фойдаланиш болаларда қуйидаги кўникмаларни шакллантиришда хизмат қилади:** – бадий асарни айтиб бериш; – ҳикоя тузиш; – топишмоқларни топиш; – шеърларни ёд олиш кўникмаларини шакллантиради.

#### 2.4. Сухбат орқали нутқ ўстириш

Кичик ёшдаги болалар нутқи аввало кундалик турмуш фаолиятида бажариладиган ишларни бажариш орқали шакллана боради. Болалар ювиниб, кийиниб кўп марта такрорлайдиган кундалик ҳаракатлар уларга тушунарли, бажаришларига қулай бўлиш билан бирга улар сўзларни ҳам ўргана борадилар. Унинг бу ёшда ҳам нутқий, ҳам жисмоний, ҳам гигиеник, ҳам ақлий, ҳам ахлоқий кўникмалари шаклланади. Масалан, катталар болаларни ювиниш кўникмаларини ҳосил қилиш билан бирга уларни маданий, ахлоқий, нутқий кўникмалари, ижобий ўзаро муносабатларнинг энг содда шаклларига ўргатишади. Тарбиячи аввало кичкинтойларга ювиниш, ухлаш, ечиниш хоналарида ўзларини тартибли тутишлари: бир–бирларини туртмасликлари, шовқин солмасликлари, бошқаларга халақит бермасликлари зарурлигини тушунтиради: “Лолаой, Аҳмаджоннинг ёнидан сал нари тур, унга бунчалик яқин турма, сен унинг ювинишига халақит бераяпсан”, “Комилжон ювинмоқчи, ундан кейин Салимжон, бир–бирларингизни итарманглар” кабилар.

Болаларнинг эътиборини тўғри хатти–ҳаракатларга қаратиш, кичкинтойларни рағбатлантириш, белгиланган хатти–ҳаракат, тенгдошлари билан ўзаро муносабат қоидаларига риоя этиш истагини ўйғотиш орқали нутқини ўстирамиз: “Илтимос, қўлингни тоза юв, энди арт”, “Яшавор,

Олимжон! Ҳамма шундай иш тутиш керак”, “Собиржоннинг яхшилигини қаранг! Тушиб кетган сочикни олиб Яйрага берди, баракалла”, “Анваржонни қаранглар, стулчасини тўғри қўйди”, “Фаттоҳжон кийимларини чиройли тахлаб қўйди” ва бошқалар.

**Сухбат** – диалогли (юнонча: dialogos – икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув), таълим бериш ва ўрганишнинг савол–жавобли йўли.

Усулнинг етакчи вазифаси – қизиқтириш: мақсадга йўналтирилган ва мохирона қўйилган саволлар ёрдамида болаларда берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини эслаш ва баён қилишга ҳаракат қилинади, тарбиячи раҳбарлигида бошқа болалар билан муҳокама қилинади.

Сухбатнинг афзаллиги яна шундаки, у болалар фикрлашини фаоллаштиради ва билим кучини ривожланишига ёрдам беради.

Сухбат турли мавзуларда бўлиши мумкин. Масалан, хулқ–атвор қоидаларини бўйсундиришга ўргатиш, итоаткорликни тарбиялаш, атрофдагиларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, хушмуомала бўлиш, батартиблик ва тежамкорликни ўргатишни тарбиялаш орқали нутқ ўстириш мумкин. Сухбат тафсилотини келтирамиз:

**Сухбат мазмуни:** буюм ва ўйинчоқлар қаерда сақланишини билиш, ўйнаб бўлгандан кейин уларни йиғиштириш, янги сўзларни ўрганиш.

Тарбиячи: Болалар, ухлашга ётиш учун ечинаётганингизда шз кийимларингизни қаерга қўясиз?

Анвар: Стулнинг суянчиғига.

Лола: Стулчага.

Тарбиячи: Нима учун кийимингизни стулчага қўясиз?

Анора: Нарсаларимизни сочиб ташламаслик учун...

Санобар: Ифлос бўлмаслиги учун.

Муҳайё: Ёғим бўлмаслиги учун.

Тарбиячи: Тўғри, болалар, лекин фақат шунинг учун эмас. Кийимимизни кейин қаердалигини излаб юрмаслик учун ҳам тахлаб қўйишимиз керак.

Сухбат орқали бола буюмларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, батартиблик, масъулият, мустақиллик ва ёғим, ифлос, кийим каби сўзларни ўрганади.

Сухбат машғулотида намуна келтирамиз:

Тарбиячи: Болажонлар, эсларингизда бўлса, мен сенга ўзимнинг ўғил бола кўғирчоғим ҳақида гапириб берган эдим. Эсингиздами? Унинг исми Акмал эди.

Болалар: Ҳа.

Тарбиячи: Унинг кўғирчоқ ўртоғи ҳам бор эди. Оти нима эди?

Болалар: Лола.

Тарбиячи: бир куни Акмал Лолага янги кийимлар сотиб олиб бермоқчи бўлибди. Айтинглари–чи, буларни қаердан сотиб олса бўлади?

Болалар: Дўкондан...

Тарбиячи: У ўртоғига дўппи олиб бермоқчи бўлиб қаерга боради?






Болалар: Бозорга...

Тарбиячи: Дўконга бориб кийим–кечак бўлимидан Акмал нималар сотиб олади?

(Болалар расмлар асосида кийим–кечакларни айтиб ўтишади).



Тарбиячи: Оёқ кийимлари бўлимидан нималар олишибди?





Тарбиячи: Ширинликлар бўлимидан нималар сотиб олишибди?







Тарбиячи: Энди, сизлар билан “Харидор ва сотувчи” ўйинини ўйнаймиз.  
 Болалар ролларга бўлиниб, дўконда бўладиган жараённи кўрсатишади.

Тарбиячи: Уйга вазифа сифатида Абдурахмон Акбарнинг шеърини ёд олиб келинг.

Қўғирчоғим Лолахон,  
 Ой юзлари ширмой нон  
 Қоп–қора қош кўзлари.  
 Пальтоси хўб ярашган,  
 Ҳамма кулиб қарашган.  
 Ана шундай Лолахон,  
 Кулишлари бир жаҳон.

## 2.5. Бадиий адабиёт орқали нутқ ўстириш

Болалар билан ишлашда бадиий сўз катта ўрин тутлади. Болалар халқ эртаклари, шеър, ҳикоялар эшитишни яхши кўрадилар. Болалар адабиёти, аввало, ўзининг қизиқарли мазмуни, бадиий образларининг гўзаллигига, тилнинг ифодалилиги, шеърининг сўзларнинг мусикавийлиги билан болаларга қувонч бахш этади. Айни вақтда у болаларга тарбиявий таъсир кўрсатади. Буюк рус демократик В.Г. Белинский болалар китоби тарбия учун ёзилади, «Тарбия – буюк иш, у инсоннинг тақдирини ҳал қилади» – деган эди.

Бадиий адабиётнинг қиммати боланинг ҳар бир жиҳатдан ўсишига таъсир кўрсатишидир. Бадиий адабиёт болага жонажон ўлка табиатининг кишиларнинг меҳнати ва ҳаётини, уларнинг қилаётган ишлари ва кўрсатаётган қаҳрамонликларини, болалар ҳаётдан олинган воқеалар, болаларнинг ўйинлари, эрмаклари ва қилаётган меҳнатларини ҳимоя қилиб беради. Кишиларнинг ички дунёсини ёритиб, уларнинг характерлари, ҳис–туйғулари, хатти–ҳаракатларини, шунингдек, тасвирланган ҳодисаларга ёзувчининг муносабатини кўрсатиб, бадиий адабиёт асарлари болани ҳаяжонланишга, асар қаҳрамонларига ачинишга ёки уларни қоралашга мажбур қилади. Энг яхши бадиий адабиёт асарлари болаларда бирор нарсага яхши–ёмон, адолатли–адолатсиз, тўғри–нотўғри деб, ўзларига хос бир ёрдам беради. Болалар китобининг қизиқарли мазмуни дўстлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ўртоқлик намуналарини кўрсатади. Болалар бадиий адабиёт асарлари эстетик жиҳатдан тарбиялашга ҳам катта таъсир кўрсатади. Бадиий асарларнинг ёрқин образлари, жонажон табиатнинг шоирона манзаралари, шеърларнинг мусикавийлиги, тилнинг ўткирлиги, ифодалилиги болаларга ёқади. Болалар бадиий сўз қудратини ҳис этадилар, унча катта бўлмаган эртаклар, халқ ашула ҳамда

шеърларини тез ва осонгина эслаб қоладилар.

Бадиий сўзга муҳаббатни илк ёшдан бошлаб тарбиялаб бориш зарур, бола боғчадан мактабга ана шу муҳаббат билан ўтади ва кейинчалик Ватан адабиётини севадиган бўлиб қолади. Халқ, оғзаки ижоди – эртақлар, топишмоқлар, мақоллар, кўшиқларнинг кўплари узок ўтмишда ва ҳозиргидан тубдан фарқ қиладиган воқелигидан тубдан фарқ қиладиган турмуш шароитида яратилган халқ ижоди асарларидан фақат тарбия вазифаларига жавоб берадиганлари танлаб олинади.

Ақл–идроки ёки жасурлиги билан, сабр–тоқати ёки меҳнати билан ҳар қандай қийинчиликларни енгадиган довюрак, виждонли қаҳрамонлар иштирок этадиган эртақлардан болалар жуда хайратланадилар, бундай эртақлар болаларни ижобий қаҳрамонларга ниҳоятда хайрихоҳ бўлишга, ёвузликка, ноҳақликка, қизғанчиқликка, макр–хийлага нисбатан муросасиз бўлишга мажбур этади.

Болаларга ўқиб бериладиган асарлар доирасига ҳар хил жанрдаги асарлар: ҳикоя ва повестлар, проза ҳамда шеър шаклидаги эртақлар, достонлар, ҳазил шеърлари, топишмоқлар, масаллар киради.

Тарбиячи болаларда адабий асарни идрок қилиш кўникмасини таркиб топтиради. Бола асарни тинглаётиб, унинг мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, балки муаллиф тасвирлаётган ҳис–туйғулар ва кайфияларни ҳис этиши ҳам лозим.

Болаларда эшитиш малакаларини, уюшқоқлик билан саволларга жавоб бериш ва ўқиб берилган асар асосида саволлар бериш, иллюстрацияни диққат билан кўздан кечириш, китобга яхши муносабатда бўлиш, нутқини ўстириш кўникмаларини тарбиялаш зарур. Болаларда китобга берилиш, билишга қизиқиш, ўқиганган асар ҳақидага таассуротларни ўртоқлашиш истаги ва кўникмасини тарбиялаши лозим.

Болалар китоби болага тушунарли бўлган, унинг ақли ва қалбига етиб борган, яъни бола ёзувчининг ҳикоя қилаётган нарсасини тушунади, ҳамда ҳис эта олган тақдирдагина у ўзининг тарбиявий ролини бажаради.

Ҳар бир асарни теварак–атрофдага маълум ҳодисалар билан боғлаш ва ўша вақтдагина ўқиб бериш лозим, деб ўйлаш нотўғри. Албатта, китобдаги ҳодисаларга боғлиқ мавзуни ўқиб бериш керак. Лекин бошқа вақтда ҳам бундай китоб ўқишни ўтказиш лозим.

Ш.Саъдулланинг шеърини ўқигандан сўнг ўтказиладиган суҳбатда ўқувчиларга инжиқ қизнинг хулқ–атворини баҳолашга кўмаклашадиган саволлар бериш керак.

Тарбиячи: Гулбодомни яхши қиз деб бўладими?

Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи: Нима учун?

Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи: Сиз бундай қиз билан дўст бўлишни истармидингиз? Нега?

Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи: Гулбодомни учратсангиз унга нима деган бўлар эдингиз?

Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи: Гулбодомга қандай ғамхўрлик қилишингиз ва ёрдам беришингиз ҳақида нималарни айтиб берар эдингиз?

Болаларнинг жавоблари.

Билим берувчи характердаги китоблар, масалан, меҳнат ҳақидаги китоблар муқаддима суҳбати ва ўқигандан кейинга суҳбатни бошқача мазмунда бўлишини талаб этади. Меҳнат ҳақидаги китоб болалар учун кишиларнинг касблари, машиналар ва меҳнат қуроллари ҳақидаги билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Билим берувчи китоблар ҳар хил билимлар манбаи бўлибгина қолмай, балки кишиларнинг меҳнатига ҳурмат, табиатга нисбатан муҳаббат ва ҳоказо фазилятлар тарбиялаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун китоб билан ишлашни шундай йўлга қўйиш ғоят муҳимки, у болаларда юксак ахлоқий сифатлар тарбиялаш имконини берсин (масалан, катта гуруҳда Қ.Муҳаммадийнинг «Этик» шеърини ўқишда).

**Монологик нутқ** – диалог нутққа нисбатан анча мураккаб бўлиб, бу битта одам томонидан амалга ошириладиган нутқдир. Монологик нутқ (ҳикоя қилишда)да битта киши гапирди, қолганлари эса тинглайдилар. Монологик нутқ кўпчиликка қарата айтиладиган нутқ бўлгани учун, у ҳар доим мантиқий жиҳатдан изчил, грамматик жиҳатдан шаклланган, ҳаммага тушунарли ва равион бўлиши керак.

Монологик нутқ (ҳикоя қилиш) яхши хотирани, нутқнинг шакл ва мазмунига диққатни йўналтиришни талаб этади. Шунинг билан бир вақтда, монологик нутқ тафаккурга таянади. Болаларда монологик нутқнинг шаклланиши уларда мантиқий тафаккурнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, бола нутқи монологик нутққа айланиши учун у тилнинг луғатини ва грамматик томонини эркин эгаллаган бўлиши керак.

Рухшуносларнинг айтишича, болаларда монологик нутқ беш ёшдан бошлаб пайдо бўлади. Биринчи марта ўқиб берилган кичик эртак ва ҳикояларнинг мазмунини қайта ҳикоя қилишга, ўртоқлари ҳикоя қилаётганда эътибор билан тинглашга, турли буюмлар ва йил фасллари тавсифловчи (аввал тарбиячининг саволлари, сўнгра намуна ва режа асосида) ҳикоя тузишга ўргатилади. Кейинчалик уларга таниш эртак ва ҳикояларни тинглашни, уларда иштирок этувчи персонажларнинг гапларини, ўзига хос хусусиятларини тушунишни, асар мазмунини ҳикоя қилаётган ўртоқларининг нутқини диққат билан эшитишни, асар матнини бузиб ҳикоя қилган жойларини пайқашни ўргатиш давом эттирилади.

Болаларда суратлар бўйича ҳикоя тузишни ўргатаётганда, аввало, уларнинг мустақил фикрлашларига, суратда тасвирланган воқеаларга ўз муносабатларини билдиришларига имкон яратиш керак. Шу билан бирга, расмда акс этирилган мавзули воқеага қараб илгари нима бўлгани ва кейин нима бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритишга ундаш. Табиат манзаралари акс этирилган суратга қараб, ундаги гўзалликни, нафисликни ифодалай оладиган тасвирий сўзлар, ўхшатиш ва сифатлашлар иштирокида гап тузишга ўргатиб бориш ҳам амалга оширилади.



Болалар монологик нутқни ўстиришнинг қуйидаги турларини эгаллашлари лозим:

1. Эшитган эртак ва ҳикояларни қайта ҳикоя қилиб бериш.
2. Кўриб турган нарса–буюмлар: ўсимликлар, кийимлар, идиш–товоқлар, мебеллар ва ҳоказолар бўйича тасвирий ҳикоя тузиш.
4. Воқеавий–сюжетли расмлар бўйича тасвирий ҳикоя тузиш.
5. Ўз хотираларидан ҳикоя қилиб беришлари.

Болаларни ҳикоя қилишга ўргатишда махсус усуллардан фойдаланилади. Улардан асосийларини айтиб ўтаемиз:

**1. Ҳикоя намунасини бериш усули.** Бунда қандайдир буюмни (предметни) ёки воқеани жонли ва қисқа тасвирланади. Бу усул бирмунча енгил усул бўлиб, тарбиячи болаларга нарса–буюм, расм, воқеа ҳақида тайёр ҳикоя айтиб беради, болалар ҳикояни тинглаб, ўз ҳикоялари учун мазмун танлайдилар, унинг ҳажмини, изчиллигини белгилаб оладилар.

Тарбиянинг намуна ҳикоясидан болаларни ҳикоя қилиб беришга ўргатишнинг дастлабки босқичларидан, шунингдек, янги вазифа қўйилганда ёки ҳикоя қилиб бера олмайдиган болаларга ёрдам беришда фойдаланилади. Тарбиячининг намуна ҳикоясини ёмон ҳикоя қиладиган 1–2 бола такрорлаши мумкин.

**2. Ҳикоя режасини бериш усули.** Ҳикоя режаси 2 – 3 асосий саволдан иборат бўлиб, фикрнинг кетма–кетлигини ва мазмунини белгилайди. Намуна усулидан фойдаланиб ҳикоя қилиб бериш билан боғлиқ 2–3 машғулотдан кейин ҳикояни режа асосида сўзлаб беришга ўргатиш мустақил етакчи усуллардан бири бўлиб қолади. Болалар ҳикояси хилма–хил бўлиши учун тарбиячи олдиндан асосий ва қўшимча режа тайёрлаб қўйиши керак. Бу машғулот жараёнида саволларни алмаштириш болалар диққатини фаоллаштиради.

Тарбиячи ҳикоя қилувчининг мавзудан ёки режадан четга чиқиб кетганини ўзи кўрсатибгина қолмай, балки болаларни ўртоғининг ҳикоясини назорат қилиб боришга жалб қилиши керак.

**3. Режани жамоа бўлиб муҳокама қилиш усули.** Режа асосида ҳикоя тузиш ва унинг мазмунини бойитишни енгиллаштириш мақсадида, режани жамоа бўлиб муҳокама қилиш тавсия этилади. Бу усулдан мактабга тайёрлов гуруҳларида режа асосида ҳикоя қилишга ўргатишнинг дастлабки босқичида фойдаланилади. Масалан, тарбиячи болаларга шундай йўлланма беради: "Биз қандай қилиб жўжа боққанимизни гапириб беринг. Жўжалар қаердан пайдо бўлади? Уларни қандай парвариш қилдингиз? Жўжалар катта бўлганда, улар қандай бўлишди?"

Ҳикояни тузишга қадар тарбиячи болалар билан биргаликда режадаги айрим саволларни муҳокама қиладди, яъни ҳикоя мазмунининг хилма–хил бўлиши имкониятларини кўрсатади. Режадаги бир саволга (масалан, "Бола қандай мушукча топиб олди?") бир неча бола жавоб беришини таклиф этади. Ҳикоя режасини жамоа бўлиб муҳокама қилиш усули эса болаларнинг ташаббускорлигини жонлантиради, фаоллаштиради, болаларни мураккаб жараён ҳисобланган мустақил ҳикоя тузишга ўргатади.

**4.Жамоа бўлиб ҳикоя тузиш усули.** Бу усул ўзига хос бўлиб, ундан болаларни ижодий ҳикоя тузишга ўргатишда фойдаланилади. Олдиндан белгилаб қўйилган ҳикоя режасини кетма–кет муҳокама қилиш жараёнида тарбиячи ва болалар айрим жавобларни тинглайдилар, улардан қайси бири яхшироқ эканлигини муҳокама қиладилар. Тарбиячи уларни ўйлаб топилган ҳикоянинг бошланиши сифатида такрорлайди. Сўнгра навбатдаги энг яхши савол танланади, тарбиячи эса айтилган энг яхши жумлаларнинг ва ўзининг гапини бирлаштириб, кичик ҳикоя тузади.

Охирида ҳикоя тарбиячи томонидан такрорланади, сўнгра 2–3 бола такрорлайди. Бу усулнинг моҳияти шундаки, болалар фаоллик кўрсатишади, уларнинг хаёллари аста–секинлик билан шаклланади.

**5.Ҳикояни қисмлар бўйича туздириш усули.** Айрим машғулотларда ҳикояни қисмлар бўйича туздириш усулидан фойдаланиш мумкин, бу усул ҳикоя тузишни енгиллаштиради, чунки топшириқ ҳажми камаёди. Шунингдек, машғулот анча қизиқарли ва хилма–хил бўлиб, ҳикоялар тўлиқ ва чуқур мазмунга эга бўлади, кўп болалар билан ишлаш имконияти вужудга келади.

Мазмуни алоҳида қисмларга енгил ажраладиган расмларни қисм бўйича тасвирлаш мумкин. Масалан, ўқувчилар ушбу расмларни қисм бўйича тасвирлашлари мумкин: "Товуқлар", "Мушук болалари билан", "Ечки болалари билан", "Сигир бузоғи билан", "Қишки ўйинлар" ва ҳоказо.

Тарбиячи тасвири ҳикоя учун мавзу таклиф этишдан аввал расмни кичик–кичик қисмларга ажратиб чиқади. Масалан, "Қуёнлар" деган мавзуда тасвирий ҳикоя тузишда тарбиячи болаларни шундай огоҳлантиради: "Қуён ҳақида ҳикоя қиламиз, аммо ҳаммасини бир йўла эмас, балки қуёнлар ҳақида ҳамма нарсани хотирлаш (эсга тушириш) учун тартиб билан гапирамиз". Сўнгра ҳар бир қисм учун режа таклиф этиш мумкин. Масалан: "Ҳозир, ўқувчилар қуённи танаси нима билан қопланганлигини, унинг тумшуғи қандай эканлигини, у қандай ҳаракат қилишини (юришини) эслаймиз".

Бу режа асосида 2–3 бола ҳикоя қилиб бергач, навбатдаги қисмга ўтилади: "Бизнинг қуёнларимиз қаерда яшашини, катагида нималар борлигини, улар нима учун кераклигини гапириб беринг". Сўнгра қуённинг озиқлари, ким уларга ғамхўрлик қилиши ва ҳоказолар ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Машғулотлар охирида нутқи яхши, ҳикоя қилиш малакаси ривожланган бир бола расмда тасвирланган нарсалар ҳақида батафсил гапириб бериши мумкин.

**6. Саволлар бериш усули.** Бу усул ҳикоя қилишга ўргатишда иккинчи даражали аҳамият касб этади. Саволлар, асосан, ҳикоя айтиб берилгандан кейин аниқлик киритиш ва тўлдириш мақсадида берилади.

**7.Айтиб туриш усули.** Ҳикоя қилиш жараёнида бола қандайдир хатога йўл қўйиши ёки айрим жойини эсдан чиқарганда сўз ёки гапни айтиб туришдан фойдаланиш ўринли. Боланинг хатосини тўғрилаш ёки ҳикоянинг эсдан чиқарган жойини айтиб туриш етарлича баланд овозда, самимий бўлиши керак. Бола тарбиячининг тузатишини такрорлаши шарт эмас, акс ҳолда у ўз ҳикоясининг давомини йўқотиб қўяди. Болалар ҳикоя қилиб бераётганларида улар нутқидаги хатоларни эътиборсиз қолдириш керак эмас – хатони ҳикоя қилиш жараёнида тўғрилаш мумкин, агар кўпчилик болаларда хато учрайдиган

бўлса, тарбиячи улар билан луғат устида ишлаш ёки грамматик тўғри нутқни, нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш учун ташкил этиладиган машғулотларда шуғулланади. Машғулотдан намуна келтираемиз:

### “Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон”

**Машғулотнинг бориши:**

**1–босқич. Ташкилий қисм.**

Саломлашиш, болаларни жалб қилиш.

**Тарбиячи:** Болажонлар ҳозир қайси машғулот?

**Болалар жўр бўлиб:**

Одоб ахлоқдан таълим олғаймиз,

Устоз ўғитин ёдда сақлаймиз.

**Тарбиячи:** машғулотимиз шиори нима?

**Болалар жўр бўлиб:**

Одобли бола ҳаммага манзур,

Уни кўрганда қиласан хузур.

**Тарбиячи:** Болалар, бугун биз “Эртақлар оламига”га саёҳат қиламиз. Сиз қандай эртақларни биласиз?

*Болалар билган эртақларини санашади.*

### *Маънавият дақиқаси.*

**Тарбиячи:** Ҳозир мен сизга рус халқ эртақларидан “Бўғирсоқ” эртагини айтиб бераман.


Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда чол билан кампир бор экан. Чол бир куни кампирга:

–Кампиржон, бўғирсоқ пишириб бер, – дебди.

–Пишириб бермайман, – дебди кампир.

–Нима учун пишириб бермайман деяпсан? – дебди чол.

–Агар мана бу болалар одобнома машғулотни нималарни ўргатишини айтиб берсагина пишириб бераман, – дебди кампири.



Болалар, бобога ёрдам берамизми? Қани одобнома машғулотда нималарни ўрганаётганлигимизни айтиб беринглар.

***Болалар билганларича жавоб беришади. Масалан:***

**Бола:** бу бизга саломлашиш, кийиниш, юриш, сўзлашиш одобларини ўргатади.

**Тарбиячи:** Баракалла, болалар. Шундай қилиб кампир бўғирсоқ пиширишга кетибди. Бўғирсоқ нимадан тайёрланади?

**Болалар билганларича жавоб беришади. Тарбиячи жавобларни тўлдириб боради.**

Болалар, онахон сизга яна бир топшириқ бериб кетди. Бўғирсоқ пишгунича ўқувчилар мана бу бўғинлардан сўзлар тузсин деб шарт қўйди.

«Бўғинларни йиғ» ўйини.

Ва, бу, му, го, бе, ре, ди, ё, қад, юк, тан.

**Болалар бўғинлардан сўзлар тузишади.**

**Тарбиячи:** Сизлар сўз тузгунингизча кампир мана бу бўғирсоқни пишириб

келибди ва уни дераза тоқчасига қўйиб

кетибди. Чол бобони иши тугайвермабди.

Бўғирсоқ туравериб зерикибди ва деразадан

бир сакраб пастга тушибди. Ўрмон оралаб,

қўшиқ куйлаб кета бошлабди.

**Дам олиш дақиқаси**

Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ, сурпадаги ун–урвоқ.

Супуришиб олдилар, хамир қилиб қордилар.

Пиширдилар товада, совутдилар ҳавода,

Қочиб кетдим бобомдан, қочиб кетдим бувимдан.

**Болалар ушбу қўшиқни жисмоний ҳаракатлар билан бажаришади**

Шунда олдидан куён чиқиб қолибди ва бўғирсоққа:

– Салом бўғирсоқжон яхшимисан? Қорним очиб турибди сени ейман,– дебди.

– Мени емагин, сенга қўшиқ айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ.

– Қошиқ керак эмас, болалар мана бу конвертдаги саволларга жавоб беришса сени емайман,– дебди куёнча.

Болалар бўғирсоққа ёрдам берамизми?

**Ўтилган мавзулар юзасидан саволлар:**

1. Инсон ўз оиласини нима учун яхши кўради?

2. Одобли бола қандай бўлади?

3. Ватан деганда нимани тушунасиз?

**Болалар саволларга жавоб беришади.**

**Тарбиячи:** Бўғирсоқ йўлида давом етибди, олдидан айиқ чиқибди:

Бўғирсоқжон яхшимисан? Жуда вақтида учрадингда, қорним очиб турганди сени ейман,– дебди.

–Мени емагин, сенга қўшиқ айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ.


–Қошиқ керак эмас, болалар мана бу



топшириқларга жавоб беришса сени емайман,— дебди айиқ. Болалар бўғирсоққа ёрдам берамизми?

– Одобли болалар қандай бўлишади?

–Одобсиз болалар қандай бўлишади?



***Болалар топшириқни бажаришади.***

**Тарбиячи:** Шундай қилиб айиқ ҳам бўғирсоқни емабди. Бўғирсоқ яна йўлида давом этибди. Юриб–юриб чарчабди. Ўтириб дам олмоқчи бўлибди. Болалар ҳам дам олишсин.

**Дам олиш дақиқаси.**  
Ассалом, Қуёш бобо,  
Ҳаммага керак бобо.  
Доим кулуб турасиз,  
Ерга ҳаёт берасиз.  
Таъзим айлаймиз сизга,  
Нурли Қуёш бобожон,  
Сирингиз очинг бизга.  
Сирли Қуёш бобожон.



### ***Қўшиқ жисмоний ҳаракатлар билан куйланади***

**Тарбиячи:** Бўғирсоқ йўлида давом этибди, унинг олдидан бўри чиқиб қолибди ва бўғирсоққа:

– Бўғирсоқ яхшимисан? Очқаб тургандим сени ейман,– дебди.

– Мени емагин, сенга қўшиқ айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ.

– Қўшиқ керак эмас, болалар Ватан сўзининг маъносини айтиб беришса сени емайман,– дебди бўри.

Тарбиячи: Болалар саволларга жавоб берамизми?



### ***Болалар топшириқни бажаришади.***

**Тарбиячи:** Баракалла, болалар. Бўғирсоққа жуда катта ёрдам бераяпсиз. Шундай қилиб бўғирсоқ яна йўлида давом этибди. Олдидан тулки чиқиб қолибди ва бўғирсоққа шундай бебди:

– Бўғирсоқ яхшимисан? Қорним очиб турибди сени ейман.

– Мени емагин, сенга қўшиқ айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ.

– Қўшиқ керак эмас, болалар мана бу конвертдаги топшириққа жавоб беришса сени емайман,– дебди тулки. Бўғирсоққа ёрдам берамизми?



### ***Конвертдаги топшириқ қуйидагича:***

***Турсунбой Адашбоевнинг “Ватан– Она” шеърини ифодали ўқиб, саволларга жавоб беринг.***

***Ватан– Она***  
Сен туғилган  
Қутлуғ хона.  
Азиз диёр

Пок остона.  
Қиёси йўқ  
Бу ягона.  
Сену менга  
Ватан – Она.  
Шундай гўзал  
Улуг юрт–ким,  
Тупроғини  
Кўзга суртгин.

1. Шоир Ватанни нимага ўхшатган?
2. Қиёси йўқ деганда нима назарда тутилган деб ўйлайсиз?

**Тарбиячи:** Бўғрсоқ айланиб–айланиб яна чол билан кампирнинг уйига келибди ва шундай дебди:

– Салом бобожон, салом бувижон, мен яна қайтиб келдим. Болалар менга ёрдам берганлиги учун ўрмондаги ҳайвонлар мени ейиша олмади. Энди мен сизнинг дастурхонингиз кўрки бўламан. Менга ёрдам берган болаларга эса мана бу бўғирсоқчаларимдан бераман.



Фаол қатнашган болалар бўғирсоқчалар билан рағбатлантирилади.

**Уйга вазифа.**

Ватан ҳақида мақоллар ёдлаб келиш.



## МАШҒУЛОТ ИШЛАНМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1–мавзу:	Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир
 <b>Кутилаётган натижа:</b>	<b>Тарбияланувчилар фаолият давомида:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мустақил Ўзбекистон ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради;</li> <li>• Давлат герби ва Байроғи билан танишади;</li> <li>• Ўзбекистон мадҳиясини эшитишади;</li> <li>• Ўзбекистон харитаси билан танишади;</li> <li>• болаларнинг оғзаки нутқ, бўёқ билан ишлаш қобилиятини ўстиришади;</li> <li>• бадий дидини такомиллаштиради.</li> </ul>
 <b>Ресурс:</b>	Ўзбекистон харитаси. Давлат байроғи. Давлат герби. Рангли бўёқ, қоғоз, мўйқалам, лой ва сув.

### Ватанни севмоқ иймондандир Ҳадисдан



**Тарбиячи:** Болажонлар, ўлкамизда қандай фасллар бор? (Болалар жавоблари тингланади).

- Жуда тўғри, сиз ўлкамиздаги фасллар ҳақида фикр юритдингиз.

- Тўғри, Ўзбекистонда 4 фасл муттасил бир маромда давом этади. Ҳеч бир мамлакатда 4 фасл бундай ўз тароватини намоиш этмайди. Ўзбекистонимиз ана шундай гўзал ва бетакрордир. Дунёда шундай меҳр–муҳаббат туйғулари борки, уни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Шулардан бири Ватан туйғусидир. Пайғамбаримиз



Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Хуб–бул–ватани минал иймони” дебдилар, яъни “Ватанни севмоқ иймондандир”. Ота–онанинг фарзандига меҳр–муҳаббати чексиз бўлгани каби ҳар бир инсон боласининг она Ерга, туғилиб ўсган Ватанига муҳаббати чексиздир. Биз – ҳаммамиз Ўзбекистон Республикасида яшаймиз. Мана болалар, Ўзбекистон Республикаси жуда катта жойни эгаллаган. (Болаларнинг диққати харитага қаратилади).





Ўзбекистон 1991 йил 31 августдан "Мустақил Ўзбекистон" деб аталади. Мана 23 йилдан буён биз 1–сентябрни – Ўзбекистон Мустақиллиги куни сифатида байрам қиламиз. Чунки биз шу кундан бошлаб мустақил бўлдик. Республикамиздаги барча ер, сув, иморатлар ҳамма–ҳаммаси ўзимизники. Энди ўзимизнинг янги Байроғимиз, Гербимиз, Мадҳиямиз бор. (Болаларга байроқ, герб кўрсатилади ва яхшилаб таърифлаб берилади. Мадҳия ифодали ўқиб ва тушунтириб берилади. Сўнг куйга солиб айтиб берилади).



### Саволларга жавоб беринг!

1. Ватан нима?
2. Байроқда қандай ранглар бор?
3. Гербимизда нималар тасвирланган?

Ўзбекистон – ер юзининг жаннати. У бизнинг жонажон Ватанимиздир.

Ўзбекистон табиати инсонга фақат тоза сув, ҳаво, озиқ–овқат, кийим–кечаккина эмас, балки соғлиқ, аъло кайфият ҳам беради. Инсон ана шу бойликларни табиатдан тайёр ҳолда олмайди, албатта. У ўзининг меҳнати, ақл–заковати, билимини ишга солади.





### **Келинг ясаймиз!**

Лойдан ёки пластилидан Ҳумо қушини ясанг. Бунда тарбиячининг кўрсатиб бериши, тушунтириши, болаларнинг ишини кузатиши, айрим болаларга ёрдам бериши муҳимдир. Машғулот якунида болаларнинг бажарган ишлари кузатилади, ишнинг бажарилиши таҳлил қилинади, энг яхши бажарган болалар ишлари рағбатлантирилади.



### **Қўшимча маълумот!**

#### **Ватан**

Ватан ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ёки мамлакат шу кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилиб ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бирор ҳайвонни уйдан айирса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас, дилини бир чеккасига ўз Ватанининг муҳаббати турар. Биз туркистонликлар ўз Ватанининг муҳаббати турар.

*Абдулла Авлоний “Туркий гулустон ёхуд ахлоқ”*



### **Ёд олинг!**

*Эл борки, Ватан бор, Ватан борки, эл бор.*

*Элсиз Ватан биебон. Ватансиз эл – дарбадар.*

*Китоб – кенг дунё*

*Сўз нур – зиё.*

*Кўйсанг меҳрингни,*

*Очар зеҳнингни.*

*Илму фан бори.*

*Ҳаёт булоғи.*

*Азиз умрнинг*

*Суянган тоғи.*

*Сендан олиб дарс,*

*Ўсдик ҳар нафас.*

*Ватан хизматин–*

*Ўташ бизнинг қарз (Қудрат Ҳикмат).*

### **Мулоҳаза қилинг!**

#### **Лайлак билан тулки**



Бир лайлак билан тулки дўст бўлган экан. Қимматчилик вақти келиб, иккиси бола–чақаси билан оч қолибди. Бир кун лайлак тулкига: — Тулкибой, сен уйга қараб ўтир. Мен учиб бориб ўзимизга ва болаларимизга овқат топиб келай,— дебди. Тулки рози бўлиб, уйда болаларга қараб қолибди. Лайлак овга кетибди. Тулки уйда ўзининг ва лайлакнинг болаларига қараб ўтираверибди, орадан беш кун ўтибди, олти кун ўтибди, лайлакдан дарак бўлмабди. Тулкининг қорни ниҳоятда очиб, ҳолдан кетай

деб қолибди, очдан ўлар ҳолга келибди. Тулки у ёқ–бу ёққа қараб, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, лайлакнинг битта боласини таппа босиб еб қўйибди. Болани еб бўлгандан кейин қараса, лайлак икки тошбақа, бешта қурбақа, икки илонни кўтариб олиб, овдан келяпти. Тулки ўзича:

– Эй, аттанг, бир кун қарасам бўлар экан, дўстим анча озиқ олиб келар экан, энди нима деб жавоб бераман,— деб йиғлай берибди. Лайлак уйга келса, тулки дўсти йиғлаб ўтирган эмиш. Лайлак:

– Эй тулки дўстим, нега йиғлайсан? – деб сўрабди. Тулки йиғи аралаш:

– Хай, хай, лайлак дўстим, бўйни узунжоннинг бири касал бўлиб ўлиб қолди, шунга йиғлаяпман, деб суяқларини кўрсатибди. Лайлак хафа бўлибди, йиғлабди ва боласини олиб, тулкидан яшириб бошқа ўлкаларга учиб, уйдан кетишга мажбур бўлибди.

### Саволларга жавоб беринг!



1. Хўш, болажонлар, лайлак нега уйдан кетди?
2. Тулки яхши иш қилибдимиз?



**“Қайси қўл билан тезроқ?” ўйини.** Бунда икки иштирокчи тошларни (тугма, ёнғоқ, ўйинчоқларни) олдин бир (ўнг) қўл билан, кейин иккинчи (чап) қўл билан тезроқ териши талаб этилади.

Тарбиячи болаларга қайси қўл эпчил эканлигини ўзлари аниқлашларини, катта ёшдаги болаларга тошлар нечта эканлигини санашни ҳам таклиф қилиши мумкин.

Машқнинг амалий аҳамияти: болалар ўнг ва чап қўлларни фарқлишни, тезроқ ҳаракат қилиш, эпчилликни ўрганадилар.

### Гаплашамиз?

**“Ким қандай қичқиради?” ўйини.** Бунда тарбиячи ит, мушук, мол, хўроз, жўжа каби ҳайвонларнинг ўйинчоқларини стол устига қўяди. Аввал ўзи ҳар бир ҳайвон ёки қушни кўрсатиб номини айтиб, қандай овоз чиқаришини талаффуз қилиб кўрсатади. Масалан, ит – вов, вов, мушук – мияв, мияв, мол – му, му, хўроз – кукареку ва бошқалар.

Сўнг ҳар боладан сўраб чиқади: Хўроз қандай қичқиради? Мол қандай қичқиради? ва бошқалар.

Машқнинг амалий аҳамияти: тинглаш, товуш ва бўғинларни талаффуз қилиш кўникмасини шакллантиради.

Бўянг!



## Апликация!



### Уйга вазифа.

“Ўзбекистон – менинг тасавурида” мавзусида расм чизинг.



### Ясаймиз!

Кушларнинг ин қуриш жараёнини кўз олдингизга келтиринг. Бошқа кушнинг ин қуриш жараёнини тасвирланг. Қандай куч уларни яна ўз инларига қайтишга мажбур қилади. Ўзингиз яратган матнни номланг.





### Қўшимча ўқиш учун маълумот!

#### Қушлар ҳам «Ватан» дейди

Ўшанда баҳорнинг гўзал кунларидан бири эди. Бувимларникига бордим. Айвонда уя қурган икки қалдирғочга кўзим тушди. Болалари ҳам бор экан. Уларнинг ҳаракатларини кузата бошладим. Бувим эса қалдирғочларга қизиқиб қолганимни кўриб, улар ҳақида сўзлай бошлади. Қалдирғочлар бу ерга ин қурганларидан сўнг, яна уларнинг жажжи болачалари туғилганини, ота қалдирғоч азонлаб учиб кетиб, кеч қайтиши, она қалдирғоч уясидан узоққа бормай, яқин орадан болаларига егулик олиб келиб бериши ҳақида айтиб берди. Мен эса ўша кунги кузатишлардан сўнг қалдирғочлар худди бувим айтганидек, ҳаёт кечиришига амин бўлдим.

Ёз бошланди. Бир неча кунга яна бувимларникига бордим. Қизик, қалдирғочлар йўқ–ку. Бувим ёзда қалдирғочлар бошқа ўлкаларга кетишини, аммо тез–тез келиб уяларини кўздан кечириб кетишини айтдилар. Ўз уйини севиш, уни ватан деб билиш фақатгина одамзотга хос хусусият эмас (*Зилола Рустамова*).



2–мавзу:	Одоб ва ахлоқ – эгизак
 <b>Кутилаётган натижа:</b>	<b>Тарбияланувчилар фаолият давомида:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• камтарлик, сабр–тоқат, қаноат, дўстлик, одоб ва ахлоқ ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради;</li> <li>• Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқишади, уларнинг мазмуни билан танишади;</li> <li>• оғзаки нутқини ривожлантиради;</li> <li>• бўёқ билан ишлаш қобилиятини ўстиришади;</li> <li>• бадий дидини такомиллаштиради.</li> </ul>
 <b>Ресурс:</b>	Алишер Навоий расми. Мавзуга оид расмлар. Рангли бўёқ, қалам, қоғоз, мўйқалам ва сув.

***Сўздадир ҳар яхшиликнинг имкони бор.  
Алишер Навоий.***



Буюк мутафаккир, улуғ шоир, олим ва давлат арбоби бўлиш билан бирга турк, форс, араб тилларини мукамал билган, одоб, ақл–заковат, зехнда улуғ А.Навоий ўзининг асарлари, ғазал, рубоийларида таълим–тарбия ҳақида нодир фикрлар айтганлар. Навоий асарларидаги таълим–тарбия ғоясининг негизи инсон ва унинг камолотини ифода этишдан иборат бўлиб, уларда инсоний фазилатлар: инсонпарварлик, одамийлик, дўстлик, биродарлик, ўзаро ёрдамлашиш, меҳр–оқибат, хайр–эҳсонли бўлиш ҳақида, одобли–аҳоқ, инсоф–диёнатли бўлиш, сабр–тоқат, қаноат, камтарлик ҳақида чуқур фалсафий фикр юритганлар. Алишер Навоий наздида “Одоб инсонни маънавий камолотга етказувчи жараёндир. Одоб одамнинг маънавий етуклиги. Одобли бўлиш эл ўртасида одоб сақлаш, насихатларна амал қилиш инсоф ва имонли бўлишнинг асосий омилларидандир”.



### Саволларга жавоб беринг!

1. Қуйидаги сўزلардан қайси бири одоб сўзига мазмунан яқинроқ келадиган сўзларни ёд олинг:

- ор
- андиша
- тарбияли
- ҳурмат
- бурч
- маънавий баркамоллик
- ширинсўзлик



### Ҳозирги кун ҳақида ўйланг!

Бир хотин сабзавотлар солинган оғир тўр халтасини кўтариб келаётганди.

Орқадан кетма–кет икки бола, уларнинг кетидан бир чол келмокда эди. Бир маҳал тўр халтадан картошка тушди.

–Хола картошкангиз тушди – деб биринчи бола ўтиб кетаверди. Иккинчи бола ҳеч нарса демади–ю, ердаги картошкани олиб, тўр халтага солди.

–Барака топ болам, – деди чол. Шунда биринчи бола тўхтаб:

–Бобо менга ҳеч нарса демадингиз? Ахир мен ҳам холага "картошкангиз тушди" деб айтдим–ку, – деди.

Бобо унга жавоб бериш ўрнига иккинчи боланинг елкасига қоқди:

- Ота–онангга раҳмат, болам.

### Саволларга жавоб беринг!



1. Бобо нима учун биринчи болага жавоб бермади?
2. Сиз кимга ёрдам бергансиз?
3. Сизнингча, "ихтиёрий" ёрдам нимани англатади?
4. Бу ёрдамнинг бир турими? Одобнинг бир кўринишими?



Мусиқани тинглаб, тасаввурингизга келган нарсалар ҳақида гапиринг.



### Ўтмиш ҳақида ўйланг!

Бобурнинг 5 ёшли қизи Гулбадан одоб билан бош чайқади, у подшоҳ отасининг олдига овқат чайнаб ўтиришдан ийманар эди. Лекин дадасининг зар қўшиб тўқилган қимматбаҳо либосидаги олтин тугмачалар уни жуда қизиқтириб қўйди.

Бобур камарга осилган қиндан қаламтарош олди–ю, ўша тугмани ипидан қирқиб олиб, қизчасига берди.

- Лекин йўқотма. Бу қуш Хумо. Илоҳим сенга бахт келтирсин.

Гулбадан қувониб ва ҳаяжонланиб: – Раҳмат, ҳазрати .... – деди–ю, лекин жумланинг охирини унча келиштиролмади. Гулбадан кейин Мохим бегим ўргатган шеърларни ўқиди. “Қўлчалари билан отасининг бўйнидан кучди – Отажон!” – деб унинг ёноғидан ўпди. Бобур кўпдан бери хис қилмаган болаларча бир поклик ва масъумлик борлигига гўё нур бўлиб таралади.

*П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”.*

### Саволларга жавоб беринг!



1. Бобур билан қизи ўртасидаги одоб–ахлоқ қайси жумлада кўринади?
2. Бола тарбиясига неча ёшдан киришиш лозим?
3. Боланинг ахлоқий жиҳатдан шаклланиши қандай бошланади?



**“Муомалаани ўрганинг” ўйини.** Муомала одобига оид маълумотларни мустаҳкамлаш, болада муомала одоби кўникмаларини шакллантириш мақсадида ушбу таълимий ўйиндан фойдаланиш тавсия этилади. Ўйинда болалар бир–бирига муомала одобига оид сўз ёки гапларни такрор қўллагандан айтишлари керак бўлади. Масалан:

- 1– ўқувчи: *Хуш келибсиз!*
- 2- ўқувчи: *Яхши келдингизми?*
- 3- ўқувчи: *Раҳмат!*
- 4- ўқувчи: *Миннатдорман.*
- 5- ўқувчи: *Яхши боринг.*
- 6- ўқувчи: *Омад сизга ёр бўлсин!*

Ушбу ўйинни бошқачароқ ташкил этиш ҳам мумкин. Бунда болалар икки гуруҳга бўлингани ҳолда, 1– гуруҳ иштирокчилари муомала одобига оид сўз ва бирикмаларни, 2–гуруҳ вакиллари эса шу гапларнинг қаерда қўлланилишини айтиб беришлари керак бўлади. Гуруҳ иштирокчилари навбатма–навбат бир–бирларига мурожаат қиладилар. Гуруҳнинг тил билиш даражасига қараб рус ва чет тилларида ҳам ушбу ўйинни ташкил этиш мумкин бўлади.



**Топширик.** Қоғоз ва турли табиатдаги нарсалардан одоб ва ахлоқни акс эттирувчи ижодий бирор буюм яратинг.



### **Ёд олинг!**

*Ёмон нафсингни одобга гулом қил,  
Одобсизни одобинг бирла ром қил. Хисрав Деҳлавий.  
Одобли бола элга манзур. Мақол.*





## Гугурт үйини

Гугурт чўпларидан тўртбурчакни ясанг. Учта тўртбурчак ясанг.



Бўянг!



<b>3–мавзу:</b>	<b>Соғ танда – соғлом ақл</b>
 <b>Кутилаётган натижа:</b>	<b>Тарбияланувчилар фаолият давомида:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• соғлик, ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради;</li> <li>• Ибн Сино ҳикматларидан намуналар ўқишади, уларнинг мазмуни билан танишади;</li> <li>• оғзаки нутқини ривожлантиради;</li> <li>• бўёқ билан ишлаш қобилиятини ўстиришади;</li> <li>• бадий дидини такомиллаштиради.</li> </ul>
 <b>Ресурс:</b>	Ибн Сино расми. Рангли бўёқ, қалам, қоғоз, мўйқалам ва сув.



Бизнинг Турон заминда Ал–Фаробий, Ал–Беруний, ибн Сино, Улуғбек, А.Навоий каби буюк сиймолар яшаганлар. Ибн Сино беқиёс табиб, ҳассос шоир, улкан мусиқашунос, йирик файласуф, физиолог олим бўлиши билан бирга, араб, форс, турк, лотин, суғд тилларининг билимдони, ажойиб тилшунос ҳам эди. Ўрта асрлар фанининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк файласуф сифатида фаннинг турли соҳаларида қалам тебратиб, улкан муваффақиятларга эришган. Қомусий олим сифатида фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбда ҳам маълум ва машҳур бўлди. Унинг илмдаги буюк хизматларига маҳлиё бўлган Микеланжело: «Бошқа олимларни маъқуллаб ҳақ бўлгандан кўра, Гален ва Ибн Синолар орқасидан эргашиб хато қилган яхшироқдир», –деган эди.

Унинг "Тиб қонуни" китобида одамларнинг касал бўлиш сабаблари, касални тузатиш учун зарур бўлган дорилар, дори тайёрлаш ҳақида ёзганлар, ўзлари ҳам доривор ўтлардан дори тайёрлаганлар. Жумладан, “анор пўстининг қайтнатмаси милк шамоллаши, қизариб қолишини, оддий макка соқолини дамлаб ичиш жигар ишини яхшилашини, сариқ касалликка дори” эканлигини таъкидлаган.



Ибн Сино соғлом бўлиш учун "овқатни маҳалида ейишни, қадди–қоматни тўғри тутишни, кийимларни тоза, қулай кийинишни” насиҳат қилганлар. Демак, кўчада, юрган йўлимизда овқатланиш яхши одат эмас экан, бу соғлиққа зарар бўлиши билан бирга увол, яъни юриб нон еганда, унинг ушоғи ерга тушади, увол бўлади, чунки ноннинг ушоғи ҳам нон, – дейди, халқимиз.

### Саволларга жавоб беринг!



1. Ибн Синонинг яна қандай соғлик ҳақидаги ҳикматларини биласиз?
2. “Соғ танда – соғлом ақл” деганда нимани тушунасиз?
3. Бола соғлом бўлиши учун нималар қилиши лозим?
4. Овқатланиш ва соғлиқ ўртасида қандай алоқа мавжуд?



**“Сўз топ” ўйини.** Ушбу ўйин боланинг луғат бойлигини бойитиш ва турли тушунчаларни билиш кўникмаларини ҳосил қилишда қўлланилади. Тарбиячи бир сўз айтади, болалар эса давом эттиришади. Ўйин қондасига кўра, биринчи айтилган сўз қайси ҳарф билан тугаса, кейинги ўқувчи шу ҳарфдан бошланган сўзни айтиши керак. Масалан, *соғлик – кураш – шаффоф – фасл – лола...*

Жараёнда барча болаларнинг фаол иштироки таъминланади. Сўзларни такрор қўлламаслик шарти болаларни бир–бирини диққат билан кузатишга, қайси сўзлар айтилганини хотирасида сақлаб туришга, муҳими, ҳозиржавобликка ўргатади.

Шунингдек, бу ўйин турини бирор мавзуга оид сўзлар бўйича ҳам ўтказиш мумкин. Болаларга муайян соҳа ёки мавзуга тааллуқли сўз топишлари айтилади. Масалан, тиббиётга оид сўзларни айтиш топшириғи берилганда, 1–бола: *шприц*; 2–бола: *пахта*; 3–бола: *бинт*; 4–бола: *жисмоний машқ* ва ҳоказо тарзида ўйинни давом эттиради. Бунда айтилган сўзнинг қайси ҳарф билан тугаши эмас, айнан шу мавзуга алоқадор бўлиши бош мезон қилиб белгиланади. «Сўз топ» ўйинининг барча турида ҳам тезкорлик билан жавоб бермаган бола ўйинни тарк этади, ўйинда охиригача иштирок этганлар голиб бўлади.



**Топшириқ.** Мавзу юзасидан матн яратишга ҳаракат қилинг. Уни изоҳланг.





## Қўшимча ўқиш учун маълумот!

### Инсон одоби билан

Ҳар бир соҳанинг ўз одоб меъёрлари мавжуд: нутқ одоби, кийиниш одоби, овқатланиш одоби.

Овқатланиш ҳам бир маданият. Унга ҳам одобга риоя этиш зарур. Овқатга катталардан олдин қўл узатмаслик, овқат еганда чалпилламаслик, овқат пайтида гаплашмаслик лозим.

Бирор нарсани узатиб юборишларини сўрашдан олдин оғзингиздагини ютуб, салфетка ёки сочиқча билан оғзингизни артинг.

Дастурхон атрофида қаттиқ кулиш, бақириб гаплашиш ҳам одобдан эмас. Таомни қошиқ ёки санчқи билан олиб ейиш керак.

Умуман, овқатланаётиб ҳам киши ўзининг маданияти даражасини намоёиш этади.




## Бўянг!



### Гугурт ўйини

Гугурт чўпларидан учбурчакни ясанг. Бешта учбурчак ясанг.







### Уйга вазифа.



Лапар, саҳна ва бошқа кўринишлари тайёрланг.

### Ёд олинг.

*Ёмғир ёғалоқ  
Ям–яшил ўтлоқ  
Енди екинлар  
Чиқарар қулоқ...  
Ёмғир тинганда,  
Чиқар камалак,  
Ёмғирдан фойда  
Майсага, донга  
Юрт сероб бўлар,  
Оқ бугдой, донга (Зафар Диёр).*

### Апликация!



4–мавзу:	Очиқ осмон остидаги музей
 <p><b>Кутилаётган натижа:</b></p>	<p><b>Тарбияланувчилар фаолият давомида:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• қадимий шаҳарларимиздан бири бўлган Самарқанд билан танишади;</li> <li>• XIII асрда қурилган буюк Шоҳи–Зинда, Бибихоним, Гўри–Амир, Регистон каби ёдгорликлар ҳақида тушунча олади; суҳбат қилиш орқали қалбларида она–Ватан тарихига ва Амир Темурга нисбатан чуқур ҳурмат ҳисси уйғонади;</li> <li>• сўз бойлиги ошади;</li> <li>• бадий диди ўсади;</li> <li>• ранг, мўйқаламдан тўғри фойдаланиб, чиройли расм чизишга ўрганади.</li> </ul>
 <p><b>Ресурс:</b></p>	<p>Самарқанд шаҳрининг кўркем манзараси.</p> <p>Тарихий обидаларни акс эттирувчи расмлар.</p> <p>Амир Темур, Улуғбек сурати.</p> <p>Ҳаворанг жилвали қоғоз, буёқ, мўйқалам, латта, сув.</p>



Самарқанд ер юзининг энг гўзал, энг қадимий шаҳарларидан биридир. Шаҳар пайдо бўлганига 3500 йилдан кўпроқ бўлди. Вилоят дегани – мамлакат ёки Ватаннинг кичик бир қисми бўлиб, у ерда бир хил иш билан шуғулланувчи бир – бирини озми – кўпми танийдиган кишилар яшайди.

Шаҳар 1222 йилда мўғуллар томонидан бутунлай бузиб юборилган ва бир оз вақт ўтгач, шаҳар ўрнининг ёнига қайтадан янги шаҳар қурилган. Шаҳарнинг эски ўрни ҳозир Афросиёб деб аталадиган тепалик. Қайта қурилгандан сўнг Самарқанд илгари пойтахт бўлган. Самарқандда жуда кўп тарихий ёдгорликлар бор. Бу ёдгорликлар ичида Шоҳи – Зинда, Регистон майдонидаги уч мадраса– Бибихоним, Гўри Амир мақбараси қабила шох асарлар ҳисобланади. Самарқанднинг энг қадимий ёдгорлиги Шоҳи Зинда номли мақбара туркумидир. Ривоятларга кўра бу ерга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари Аббоснинг авлодларидан бири кўмилган экан. Саҳоба – пайғамбаримизга яқин киши деганидир. У кишининг таҳаллуслари Шоҳи Зинда, яъни тирик шох бўлган экан. Ривоятда айтилишича, у кишига қабр тайёрланган бўлса–да, у киши аслида вафот этмаган эмишлар. Шунинг учун ҳам бу жойларни шу ном билан атаган эканлар. Бу мақбаралар қаторида кўплаб машҳур тарихий шахсларнинг қабри бор. Шоҳи –Зиндадаги мақбаралар ниҳоятда гўзал қилиб қурилган.

Самарқанддаги энг йирик ёдгорлик – Бибихоним ёдгорлигидир. Ёдгорлик 1380 йилда қурилган. Қурилишга Амир Темур бобомизнинг рафиқалари Сарой

Мулкхоним раҳбарлик қилганлар. Ёдгорлик масжид, мақбара, мадраса, қорихона каби қисмлардан иборат бўлган.

Бинонинг катта қисми бир неча асрлар олдин zilzilalar оқибатида бузилиб кетган. Ҳозир бу ёдгорлик қайтадан тикланган.

Самарқанднинг яна бир гўзал ва машҳур ёдгорлиги – Регистон майдонидаги уч мадрасадир.

Улардан бири Мирзо Улуғбек бобомиз томонидан қурилган, шунинг учун у Улуғбек мадрасаси деб аталади. Мадраса деган сўзнинг маъноси сизларга таниш. Мадраса дарс ўтиладиган ўрта ва олий ўқув юртидир. Бу мадрасада Мирзо Улуғбекнинг ўзлари ҳам осмон, юлдузлар ҳақидаги билимлардан дарс берганлар. Регистон майдонининг тўғрисида Тиллакори мадрасаси қад кўтарган. Мадрасанинг безакларига олтин – тилло қўшиб нақш берилганлиги учун шундай ном берилган. Улуғбек мадрасасининг қаршисида ниҳоятда гўзал Шердор мадрасаси бор. Унинг олд қисми– пештоқига шер расми туширилганлиги учун ҳам шундай ном берилган.

Юқорида санаб ўтилган мадрасалар нафақат Самарқанднинг балки бутун ер юзидаги мамлакатларнинг кўркидир.

Гўри Амир мақбараси бу ёдгорликлар ичида энг гўзал мустаҳкам қурилган.

Мақбара – бу қабрнинг усти ва атрофига қурилган бинодир.

Гўри Амир мақбараси 1390 йилда қурилган.

Амир Темур ўзлари вафот этганларида сўнг ўрниларига ўтқозишни мўлжаллаб қўйган набиралари Муҳаммад Султон

жанглardan бирида вафот этадилар. Амир Темур суюкли набираларига атаб мухташам мақбара қурдирадilar. Мақбарага дастлаб Муҳаммад Султон, сўнгра амирнинг пирлари, машҳур уламо Шайх Сайид барака дафн этиладилар. 1404 йилда Амир Темур Хитой сафарига кетаётиб, Ўтрор шаҳрида вафот этадилар, сўнг у кишини ҳам ушбу мақбарага дафн этадилар. Шундан сўнг мақбара "Гўри Амир" деб ном олган. Амир Темурдан сўнг бу мақбарага у кишининг ўғил ва набиралари Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек ва бошқалар дафн этиладилар. Мирзо Улуғбек узоқ Хитой шаҳридан олиб келган улкан қимматбаҳо тош ҳам мақбарага қўйилади. Бу тош халқимизда "Кўктош" номи билан машҳурдир. Мақбара икки қаватли бўлиб, асосий қабрлар биринчи қаватда, яъни ертўла қисмида жойлашган.



### Саволларга жавоб беринг!

1. Самарқанд шаҳри ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоҳи Зинда ёдгорлиги қайси шаҳарда қурилган?
3. Бибиҳоним ёдгорлиги ҳақида нималар биласиз?
4. Регистон майдонида қандай мадрасалар бор?
5. Гўри Амир мақбараси ҳақида нималарни биласиз?



**Топшириқ.** Болалар истаган ёдгорликлари расмини чизадилар. Расм чизиш давомида тарбиячи болалар билан якка тартибда ишлайди. Болаларнинг ишлари кузатилади.



**“Ким кўп сўз билади?” ўйини.** Бу ўйин болаларнинг луғат бойлигини ўстиришга ёрдам беради. Бунинг учун иштирокчилар икки гуруҳга бўлинади ва 1–гуруҳ болаларига бошланиши ва тугалланиши бир хил унлидан ташкил топган, иккинчи гуруҳга эса худди шундай: бир хил ундош билан бошланиб, шу ундош билан тугалланган сўзларни айтиш топширилади. Масалан, 1– гуруҳ «икки», «алла», 2– гуруҳ эса «қизиқ», «катак» каби сўзларни айтиши мумкин. Ўйин шартига кўра, гуруҳлардаги ўқувчилар навбат билан вазифани бажарадилар. Сўз тополмай айтишдан тўхтаган гуруҳ ютказган ҳисобланади.



**Бўянг!**



**1–топшириқ.** Тарихий ёдгорликларни бирини пластилиндан макетини ясанг.

Ясаган макет юзасидан ўз фикр–мулоҳазаларингизни билдириг.

**2–топшириқ.** Мавзу юзасидан 4–5 та ғояни айтиг. Ғояларингизни изоҳланг. Изоҳлашда истаган шаклдан фойдаланиг: расм чизиш, пластилинда яшаш, хамир орқали яшаш, қоғозда яшаш ва бошқалар.





**Топшириқ.** Мавзу юзасидан матн яратишга ҳаракат қилинг. Уни изохланг.



**Ёд олинг!**



*Бўлай десанг боғбон,  
Ё Ватанга посбон.  
Ё осмонда учувчи,  
Ё денгизда сузувчи,  
Нимани қилсанг тилак,  
Барига ўқиш керак (Қуддус Муҳаммадий).*

## Апликация!



**Топшириқ.** Турли рангдаги бакалашка қопқоқларидан Регистон мақбрасини ясанг.



<b>5–мавзу:</b>	<b>Қўғирчоғим Зумрадхон</b>
 <b>Кутилаётган натижа:</b>	<b>Тарбияланувчилар фаолият давомида:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• қишки кийимлар билан танишади;</li> <li>• қиш фасли, совуқ, қор, пальто, этик кабилар ҳақида тушунча</li> <li>• сўз бойлиги ошади;</li> <li>• бадий диди ўсади;</li> <li>• ранг, мўйқаламдан тўғри фойдаланиб, чиройли расм чизишга ўрганади.</li> </ul>
 <b>Ресурс:</b>	Қўғирчоқ. Расмлар. Кичик кийимлар, қоғоздан қилинган кийимлар. Рангли қоғоз, буюк, мўйқалам, латта, сув.

Тарбиячи: Дала–тишда тинди иш,

Келди меҳмон бўлиб қиш.

Қиш эмас, у – қорбобо,

Совғалари бор бобо...

Худди ёздай, баҳордай–

Илиқ, кузги наҳорлай..

Қор ёғар, кеча–кундуз,

Сув совқотиб кийган муз (З.Диёр).

Тарбиячи: Болажонлар, шеър қайси фасл ҳақида экан?

Болалар жавоб беришади.

Тарбиячи: Нима учун қиш деб атаймиз?

Болалар жавоб беришади.

Тарбиячи: Ораларингизда ким қишни жуда яхши кўради? Нима учун?

Болалар: Чунки қорбобо ясаймиз, қорбўрон ўйнаймиз, Янги йил бўлади.

Тарбиячи: Қишда кўчада иссиқми совуқ?

Болалар: Совуқ.

Тарбиячи: Болалар ва катталар қандай кийинишлари керак?

Болалар: Иссиқ кийимларни..

Тарбиячи: Мана қўғирчоғимиз Зумрадхон кўчага қор ўйнагани чикмоқчи (Қўғирчоқни олиб кўрсатади).

Биламизки, кўча жуда совуқ... Қор ёғаяпти... Зумрадхон нималар кийиши керак?

Болалар жавоб беришади.

Тарбиячи: кийимларни бирма–бир олиб уларни намоиш этади. Ҳар бир кийимга бу нима, қандай рангда, қанақа деб саволлар беради.





Болалар жавоб беришади.

Тарбиячи атайлаб нотўғри кийинтиради. Болалар хатони топиши керак.

Тарбиячи: Бу нима куртками пальто? Бу қанақа? Бу–чи?

Болалар жавоб беришади.

Тарбиячи: Куртка қанақа рангда? Пальто–чи? Бунда чўнтак борми? Бунда–чи?

Болалар жавоб беришади.



**Топшириқ.** Болалар киш расмини чизадилар. Расм чизиш давомида тарбиячи болалар билан якка тартибда ишлайди. Болаларнинг ишлари кузатилади.



**“Мени меҳр билан чақир!”** Бу ўйин болаларнинг луғат бойлиги, нутқини ўстиришга ёрдам беради. Бунинг учун иштирокчилар айлана бўлиб туришади. Тарбиячи бошлаб беради. Тўп отиб сўз айтади. Тўп ушлаган бола меҳр билан сўзни такрорлайди. Масалан: куён–куёнжон, куёнвой, шарф–шарфжон, пальто–пальтожон, рўмол–рўмолжон, шапка–шапкажон.

### Жисмоний дақиқа

Тарбиячи: Болажонлар, айлангани чиқамиз. Нималарни киямиз?

Болалар жойларидан туриб юриш, пальто кийиш, эшикни очиш ҳаракатларини бажаришади.

Тарбиячи: Энди, болажонлар, дўстимиз совқотмаслиги учун шарфни олиб ёнимиздаги дўстимизга чиройли қилиб ўраб кўямиз. Болалар бажаришади.

Тарбиячи: Болажонлар, қаранг ҳаво совуқ... Қор совуқ... Қўлимизга кўлқоп киямиз. Қорни юмолоқлаймиз ва қорбўрон ўйнаймиз. Қаранг, қандай чиройли қор учқунлари... Кафтимизга олиб пуфлаймиз. Пуф–пуф....

Болалар бажаришади.

Тарбиячи: Энди, айтинг–чи, нималар қилдик? Нималарни нотўғри қилдик?



**Бўянг!**





**2–топширик.** Қишга оид истаган нарсани пластилинда яшаш, хамир орқали яшаш, қоғозда яшаш ва бошқалар.

### Апликация!



**“Битта–кўп!”** Бу ўйин болаларнинг луғат бойлиги, нутқини ўстиришга ёрдам беради. Бунинг учун иштирокчилар айлана бўлиб туришади. Тарбиячи нарсаларни бирлик ва кўпликда айтади. Болалар такрорлайди. Сўнг ўзлари айтишлари керак бўлади.

Масалан: куён–куёнлар, шарф–шарфлар, пальто–пальтолар, рўмол–рўмоллар, шапка–шапкалар, кўлқоп–кўлқоплар.



### Уйга вазифа.

Шеърни ёд олинг.

*Қуёш тушар таптидан,  
Қўрқиб қишининг афтидан.  
Сарғаяди кўкатлар,  
Барг тўкади дарахтлар.  
Ҳосил йиғиб олинар,  
Қишга замин солинар (З.Диёр).*

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. – Тошкент, 2016.
2. Мактабгача таълимга кўйиладиган давлат талаблари. – Тошкент, 2017.
3. “Билимдон” дастури. – Тошкент, 2014.
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулоти. – Тошкент, 2014.
5. Хасанова Ш.Т. Эстетик тарбия методикаси. Маърузалар матни. Низомий номли ТДПУ, 2014.
6. Hamidova M. Bolalar adabiyoti. Ma’ruzalar matni. – Namangan, 2017.– 200 b.
7. Anvar obidjon. Jajji–jajji kulchalar. – Toshkent: “O’qituvchi” nashriyot–matbaa ijodiy uyi, 2013.
8. Эрматов Н. Тўқсон тўққиз топишмоқ. –Тошкент, 2002.
9. Михеева Л.М. Формы реализации познавательно–речевого направления развития детей дошкольного возраста в ДОУ. poznavatelno–rech\_razv\_detey.docx.
10. Samanova U. O’yin – bog’cha yoshidagi bolalarda yetakchi faoliyat sifatida. – Termiz, 2014.
11. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
1–боб. Болаларнинг ижодий ва мантикий тафаккурини шакллантириш йўллари .....	7
1.1. Оригами .....	11
1.2. Кусудами .....	14
1.3. Дидактик ўйинлар .....	14
1.4. Ҳаракатли ўйинлар.....	40
II–боб. Нутқ ўстириш машғулотларининг ташкил этилиши .....	64
2.1. Сўз бойлигини ошириш .....	66
2.2. Луғат иши .....	72
2.3. Расмлар ёрдамида гап тузиш .....	75
2.4. Сухбат орқали нутқ ўстириш.....	81
2.5. Бадиий адабиёт орқали нутқ ўстириш .....	85
Машғулот ишланмаларидан намуналар .....	95
1–мавзу. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир .....	95
2–мавзу. Одоб ва ахлоқ – эгизак .....	101
3–мавзу. Соғ танда – соғлом ақл .....	105
4–мавзу. Очиқ осмон остидаги музей .....	109
5–мавзу. Қўғирчоғим Зумрадхон .....	114
Адабиётлар рўйхати.....	117

**Д.ЎРИНБАЕВА  
М.РАҲИМОВА**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ  
ТАФАККУРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ**

Теришга берилди 17.03.2018 й  
Босишга рухсат этилди. 30.03.2018 й.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1/16</sup>  
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.  
босма табок 7.25 Адади 10  
Буюртма № 4/18

СамДУ ҳузуридаги халқ таълими  
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази босмаҳонасида чоп этилди.

---

Самарқанд шаҳар, Бойсунқур кўчаси 3-уй.



